

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ КАФЕДРАСИ

Магистрлик диссертация иши

**Мавзу: Осиё мамлакатлари ва Туркистон минтақаси матбуотида миллий
озодлик учун кураш масалалари (XX асрнинг 1-чораги)**

Тарих таълим йўналиши

битирувчиси:

Ражабов Алишер

Илмий раҳбар: тарих

фанлари номзоди

Рахмонов К.Ж.

Бухоро – 2017 йил

МУНДАРИЖА:

Кириш.....

1-боб. XX аср 1-чорагида Осиё мамлакатларидаги миллий матбуот ва озодлик учун кураш масалалари

1.1. Афғонистондаги миллий матбуот ва мустақиллик учун кураш ғоялари тарғиботи.....

1.2. Туркияда ижтимоий-сиёсий ҳаракат масалалари ва матбуотчилик.....

2-боб. Шарқ мамлакатларидаги миллий озодлик ҳаракатлари тарихшунослиги

2.1. Ҳиндистондаги миллий ҳаракатларнинг сабаблари, омиллари, характери ва муҳим воқеалари.....

2.2. Эрон миллий озодлик ҳаракатлари тарихшунослиги.....

III боб. Туркистон минтақасидаги миллий матбуот истиқлол учун кураш йўлида

3.1. Туркистон минтақасидаги миллий матбуотнинг озодлик ва маданий ривожланиш масалаларининг талқини.....

3.2. Бухорода маҳаллий матбуот ва мустақиллик ғояларининг акс этиши..

Хулоса ва тавсиялар.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва долзарблиги. Марказий Осиёнинг икки азим дарёси –Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган Ўзбекистонимиз шахдам ва ишончли одимлар ташлаб мустақил тараққиёт йўлидан бормоқда. Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида инкор этиб бўлмайдиган муваффақият ва ютуқларга эришаётганлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Ўлкамиз қадим-қадимдан мўл-кўл табиий бойликлар ва имкониятлар заминида. Шу боисдан у ҳамиша жаҳон мамлакатларининг диққат-эътиборини ўзига тортиб келган. Бугун ҳам Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрўси кун сайин ошиб бормоқда.

Ўзбекистонда тарихий жиҳатдан қисқа бир давр ичида миллий давлатчиликни барпо қилиш, бозор иқтисодига ўтиш, халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш бобида улкан ишлар амалга оширилди. Айниқса, истиқлол халқимизнинг маънавий уйғониши учун тўла имконият яратди. Юртимиз тарихи, қадимий маданиятимиз тикланмоқда ва олий қадрият нуфузига эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «...Тарих хотираси, ...миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади...ўзбек олимларининг куч ғайратлари билан тарихимизнинг кўпдан-кўп ғоят муҳим саҳифалари, энг аввало, ... XIX аср охири - XX аср бошлари тарихи янгидан кашф этилди»¹.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг бир қатор рисола ва нутқларида кишилар дунёқараши ва жамият мафкурасининг шаклланишида ижтимоий фанларнинг хусусан, тарих фанининг ўрни бекиёслигини таъкидлаб ўтди. Жумладан, И.А.Каримов миллий мафкуранинг шаклланиш жараёнида тарих фанининг ўрнига ғоят юксак баҳо

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1997.-Б.140-141.

бериб: «Миллий мафкурани шакллантиришдаги энг катта манба-бу ҳаққоний ёритилган тарихдир»²,-деб кўрсатди.

«...Ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур...»³лигини И.А.Каримов алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ушбу даъватга жавобан, тарихчи олимларнинг изланишлари натижасида Ватанимиз тарихига бағишланган тадқиқотлар юзага келди.

Дарҳақиқат, И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Йиллар ўтади, асрлар ўтади, янги авлодлар мутлақо янги жамиятда, жаҳоннинг энг илғор мамлакатларидан бирига айланган ҳур Ўзбекистонда яшайди, она юрт тарихи, мустақиллик учун кураш тарихини ўрганади»⁴.

Юқоридаги қайдларни келтиришдан мақсад Ватан тарихининг ўчмас ва ўлмас саҳифаларидан бири Бухоромиз ўтмишига яна ва яна эътиборни қаратишдек вазифани бажариш орқали она юртга содиқ фарзандлик масъулиятини ҳис этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги туфайли халқаро ҳамкорлик алоқалари тарихида янги босқич бошланди. Шунингдек, миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлаш, миллий этник жараёнларни ва ўзликни чуқур англаш уйғунлигида кечмоқда.

Осиё мамлакатлари ва Туркистон минтақасида миллий озодлик учун кураш масалалари тарихини ўрганишда матбуот ўзига хос мавқега эга. XX асрнинг 1-чорагида Туркистон ва хориж матбуоти материалларини таҳлил қилиш, миллий бирлик ва озодлик учун кураш ғояларини тарғиб қилганлиги ва шу йўналишларда долзарб мақолалар билан чиққанлиги эътиборга лойиқ.

² Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.-Т.: Ўзбекистон, 2000.-Б.34.

³ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т.: Шарқ, 1998.-Б.13.

⁴ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т.: Шарқ, 1998.-Б.3-8

Миллий озодлик учун курашнинг тарихий тажрибасини умумлаштириш, матбуот саҳифалари катларида қолиб кетган мақолаларни илмий тадқиқот кўзгусидан ўтказиб, истиқболда хизмат қиладиган хулосаларга келиш жиҳатидан танланган мавзуим долзарблик касб этади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Мазкур диссертацияда Туркистонда ва Шарқ мамлакатларида XX аср 1-чорагида чоп этилган журнал ва газеталарда, шунингдек, турли дарслик ва илмий монографиялардаги факт ва маълумотлар орқали миллий озодлик учун курашлар тарихини ўрганиш асосий мақсад қилиб олинди. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, диссертант ўз олдига қуйидагича аниқ вазифалар белгилади:

- Афғонистондаги миллий матбуот ва мустақиллик учун кураш тарғиботи масалаларини ўрганиш;
- Туркияда ижтимоий-сиёсий ҳаракат масалаларини ёритиб бериш;
- Ҳиндистондаги миллий ҳаракатларнинг сабаблари, омиллари, характери ва муҳим воқеаларини баён этиш;
- Эрон миллий озодлик ҳаракатлари тарихшунослигини изоҳлаш;
- Туркистон минтақасидаги миллий матбуотнинг озодлик ва маданий ривожланиш масалаларини талқин этиш;
- Бухорода маҳаллий матбуот ва мустақиллик ғояларининг акс этишини очиб бериш.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Ўрганилаётган мавзуга оид тарихий адабиётларни икки даврга ажратиш мумкин: совет даврида яратилган адабиётлар, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин нашр этилган адабиётлар.

Совет тарихшунослигида “Осиё мамлакатлари ва Туркистон минтақаси матбуотида миллий озодлик учун кураш масалалари (XX асрнинг 1-чораги)”

мавзусида жиддий илмий тадқиқотлар яратилган эмас. Чунки совет ҳокимияти даврида марксча-ленинча методология ва коммунистик мафкура асосида, яъни синфий нуқтаи-назардан ёндашилиб, бир ёқлама фикр билдириш таомилга кирганди. Шундай бўлсада, тарихчи олим О.Эшқувватовнинг “Осиё ва Африка мамлакатлари энг янги тарих совет историографияси” деб номланган, 1985 йил “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилган дарслигидаги рақам ва маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Хорижий ва маҳаллий матбуот материаллари асосида тарихимизнинг кўпгина ноаниқ жиҳатларини ўрганиш масаласи мустақиллик йилларида кенгайиб, ушбу муаммони ёритишга имкон қадар ҳолисона ёндашилди. Тарихчи олимларнинг асл манбаларга таянган ҳолда яратган қатор тадқиқотлари вужудга келди. Бу борада Д. Очилдиев, О.Эшқувватов, Ф.Қосимов, Б.Эргашев, Қ.Ражабов, У.Рашидов, Л.Муҳаммаджонова, Ш.Ҳайитов, С.Холбоев, Г.Остонова, С.Шодмонова, А.Мингноров, К.Раҳмонов каби муаллифларнинг ишлари⁵ эътиборга лойиқдир.

Туркистонда совет тузумига қарши миллий озодлик учун қуролли ҳаракат ва мафкуравий кураш муаммолари Қаҳрамон Ражабовнинг докторлик

⁵ Эргашев Б. Из истории становления и развития общественно-политических идей джадидизма, идеология младобухарцев: Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. - Ташкент, 1993; Қосимов Ф. Драма революции и правда истории (формирование историографии советизации Бухары и Хорезма). - Бухара, 1996; Ўша муаллиф. Бухоро Республикаси тарихшунослиги. - Бухоро, 1997; Рашидов У. Бухоро Республикасида қаршилиқ ҳаракатининг биринчи босқичи (1920-1922 й.) // Бухоро тарихи масалалари (мақолалар тўплами). - Бухоро: Бухоро, 1996; Ўша муаллиф. Бухоро Халқ Республикаси (1920-1924). - Бухоро: Бухоро, 2003; Ўша муаллиф. Бухоро босқини ва совет тузумига қарши кураш. - Бухоро, 2008; Муҳаммаджонова Л. Общественно-политическая ситуация в Бухаре в начале XX века и развитие демократического движения (1908-1920гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Ташкент, 1999. Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917-1935 йиллар). - Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Ўша муаллиф. Развертывание освободительного движения в Бухаре // Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. - Ташкент: Шарқ. 2000. - Б. 522-553; Ўша муаллиф. Бухоро ва Хоразм Республикаларидаги қуролли муҳолифат кураши (1920-1924) // Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. - Тошкент: Шарқ, 2000; Ўша муаллиф. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчилиқнинг демократик шакли // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. - Тошкент, 2001; Ўша муаллиф. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. - Тошкент: Маънавият, 2002; Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920-1924 йиллар). - Тошкент: Фан, 2004; Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. ва б. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. - Бухоро: Бухоро, 2005; Холбоев С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси. - Тошкент: Фан, 2008; Астанова Г. Историография политических процессов в Бухаре в 1920-1924 гг.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Ташкент, 2008.

диссертацияси, махсус монографияси ва тадқиқотлари⁶ асосини ташкил қилади. Шунингдек, олимнинг бир қатор рисолаларида хорижда чоп этилган газета ва журналларнинг манбавий аҳамияти тўғрисида маълумотлар берилади. Тарих фанлари доктори, профессор Қ.Ражабовнинг 2015 йилда чоп этилган “Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари” (1918-1924 йиллар) номли монографиясида миллий озодлик учун қуролли ҳаракат, истиқлол учун жанглар ҳолис ва ҳаққоний кўрсатилган. Муаллиф архив ҳужжатлари, Шарқ мамлакатларида чоп этилган матбуот материаллари, шунингдек, Туркистон ва Бухорода чиқиб турган маҳаллий матбуот органларидан манбалар асосида мураккаб ва зиддиятли бўлган ушбу муаммони теран таҳлил қилиб, уни Ўзбекистон тарихи фанида илк марта “босмачилик” ҳаракати эмас, балки туркистонликларнинг совет режими ва қизил армияга қарши қуролли кураши эканлигини илмий жиҳатдан асослаб берган.

Тарих фанлари доктори, профессор Саидакбар Аъзамхўжаевнинг 2000 йилда чоп этилган “Туркистон мухторияти” номли илмий монографиясида Туркистон халқларининг озодлик ва мустақиллик учун курашининг меваси сифатида ташкил топган Туркистон мухториятининг тарихи, давлатчилик тажрибаси, миллий озодлик учун масалалари очиб берилган. Муаллифнинг Туркистон матбуот органларидан “Хуррият”, “Улуғ Туркистон”, “Нажот” каби газеталардан манба сифатида фойдаланганлиги ишнинг илмийлигини бойитган.

Ўзбекистонлик тарихчи олима Санобар Шодмонованинг “Туркистон тарихи-матбуот кўзгусида(1870-1917)” номли монографиясида (2011 йилда нашрдан чиққан) Туркистонда ва унга қўшни Шарқ мамлакатларида бўлиб берган ижтимоий-иқтисодий, маданий жараёнлар ва курашлар тарихи тарихшунослик нуқтаи назардан очиб берилган. Шунингдек, Туркистон матбуоти материаллари

⁶ Раджабов К. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924 гг.): Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - Ташкент, 2005 (ушбу муаллифнинг БХСР тарихи ва шу даврдаги давлат арбоблари ҳаётини ёритувчи ўнлаб мақолалари “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” турли жилдларига киритилган ва бошқа илмий тўпламларда нашр этилган).

бошқа манбалар билан қиёсий ўрганилган ва ўлка тарихига оид қизиқарли маълумотлар илмий истеъмолга киритилган.

Тарих фанлари номзоди Абдухолик Мингнаровнинг 2013 йилда нашр этилган “Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий матбуотда ёритилиши(1917-1918 йиллар)” номли монографиясида “Нажот”, “Кенгаш”, “Турон”, “Хуррият”, “Улуғ Туркистон”, “Эл байроғи”, “Меҳнаткашлар товуши” газеталари материалларидан фойдалани, миллий озодлик учун масалаларини очиб берган.

Шунингдек, ёш тарихчи олимлардан Камол Раҳмонов⁷нинг амалга оширган илмий ишлари амирликнинг ағдарилиши жараёнлари ва Бухоро Халқ Совет Республикасининг тузилиши, ҳукумат бошқаруви, Туркистон минтақасидаги миллий матбуотнинг озодлик ва маданий ривожланиш масалаларининг талқини, Бухорода маҳаллий матбуот ва мустақиллик ғоялари акс эттирилади. Қолаверса, қайд қилинаётган мавзуга оид Туркистон, Бухоро ва ҳорижда чоп этилган газета ва журналлар материалларининг манбавий аҳамияти унинг барча тадқиқотларида санаб ўтилади.

Тарихчи М.Орзиев томонидан Бухоронинг илк матбуот органлари “Бухоройи Шариф” ва “Турон” газеталари матеаллари асосида ёзган мақола ва тезисларида Афғонистон ва Туркия матбуот органларининг мавзу бўйича манбавий аҳамияти очиб берилган.

Мустақилликка эришилгандан кейин ўтган вақт ичида Шарқ мамлакатларининг XX аср 1-чорагидаги миллий озодлик ҳаракатлари тарихи ҳақида илмий тўпламлар ҳам нашрдан чиққан. Шу давр ичида Тарих институтида “XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани тарихшунослик очерклари” бўйича икки қисмдан иборат тўплам нашр этилди. Биринчи қисмида XIX аср охири-XX аср бошларида миллий озодлик

⁷ Раҳмонов К. БХСР тарихи матбуот саҳифаларида. Т., 2012.

ҳаракатлари тарихи муаммоларини ўрганишга бағишланган алоҳида боб мавжуд.

Ушбу бобда фақат 1892 йилдаги “Вабо исёни”, 1898 йилдаги Андижон кўзғолони, шунингдек, 1916 йилги халқ кўзғолонларига доир тарихшунослик тўғрисида эътибор қаратилган.

Тадқиқотнинг илмий-назарий янгилиги. Туркистон (Бухоро) ва Шарқ мамлакатлари(Афғонистон, Туркия, Ҳиндистон, Эрон)да XX аср 20-йилларида чоп этилган журнал ва газеталар, шунингдек, миллий озодлик учун курашлар тарихига оид китоб ва монографиялар тарих фанида миллий озодлик учун курашлар тарихи масалалари талқини илк бора яхлит ҳолда ўрганилмоқда. Тарихий адабиётлардаги рақам ва далиллар орқали матбуот материаллари биринчи марта қиёсий таҳлил қилинмоқда. Шунингдек, танланган муаммо юзасидан амалга оширилган тадқиқотлар гуруҳлаштирилди, айрим китоблардаги фикр-мулоҳазалар танқидий нуқтаи-назардан таҳлил қилинди. Масала моҳиятини ёритишда совет мафкураси устунлик қилган китоб ва мақолалардаги фикрларнинг моҳияти очиқ берилди. Диссертация сўнгида муаллиф томонидан чиқарилган хулосалар, ишлаб чиқилган таклиф ва мулоҳазалар ҳам тадқиқот янгилиги бўла олади.

Диссертациянинг илмий - амалий аҳамияти. Мазкур магистрлик диссертациясида олинган илмий натижалардан талаба ва ўқувчиларда ватанпарварлик ва инсонийлик туйғуларини тарбиялашда фойдаланиш мумкин. Диссертацияда илгари сурилган ғоялар, унда келтирилган далил ва рақамлардан Ўзбекистон ва жаҳон тарихининг ўтган асрда миллий озодлик учун курашганлар тақдири тўғрисидаги масалалар юзасидан қўшимча материаллар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Диссертация материаллари тарих йўналиши талабаларига ”Ўзбекистон тарихи”, “Осиё ва Африка мамлакатлари янги ва энг янги замон тарихи” фанларини, шунингдек, “Туркистон матбуотининг долзарб муаммолари” каби танлов фанларини ўтишда қўшимча манба ҳисобланади. Шунингдек, АК ва КХКларининг 1-босқич талабалари ўқув дастурида берилган

“Ўзбекистон тарихи” фанидан “Ўзбекистонда совет ҳокимияти ўрнатилишга қарши қуролли кураш” мавзусини очик дарс тарзида ташкил қилишда ишимиздаги далил ва рақамлар аҳамиятлидир. Шунингдек, мазкур давр тарихига оид махсус курслар ташкил этилса, ишнинг амалий аҳамияти янада ошади.

Тадқиқотнинг жорийланиши. Мазкур тадқиқот доирасида бир қатор мақола ва тезислар чоп этилган. “БХСРда миллий армия ва миллий озодлик ҳаракатига муносабат масалалари (Даврий матбуот материаллари мисолида)” (“XIX аср охири-XX аср бошларида Бухоро” мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. -Бухоро, 2016, -Б.162-163.), “XIX аср охири – XX аср бошларида Шарқ мамлакатларида миллий озодлик учун кураш ва Бухоро амирлиги” (“Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача) мавзуидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари. - Бухоро, 2016.-Б. 216-217.) мақола ва тезислари юқорида номлари келтирилган тўпламларда чиққан.

Тадқиқот объекти ва предмети. Туркистон (Бухоро) ва Шарқ мамлакатлари(Афғонистон, Туркия, Ҳиндистон, Эрон)да XX аср 20-йилларида чоп этилган журнал ва газеталар, шунингдек, миллий озодлик учун курашлар тарихига оид китоб ва монографиялар ҳисобланади, газета ва журналлардаги миллий озодлик учун курашлар мавзусига оид тўпламлар диссертация предмети ташкил қилади.

Диссертациянинг назарий –методологик асоси. Магистрлик диссертациясини ёзишда тарихий тадқиқотлар олиб боришнинг объективлик, холисоналик, синхрон тизимлилик, анализ ҳамда синегматик метод ва услублардан фойдаланиш кўзда тутилган.

Ишнинг тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, 6 та параграф, шунингдек, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар ҳамда илова қисмидан иборат. Ишнинг ҳажми бетни ташкил этади.

1- боб. Шарқ мамлакатларидаги миллий матбуот ва озодлик учун кураш масалалари

1.1. Афғонистондаги миллий матбуот ва мустақиллик учун кураш ғоялари тарғиботи

Шарқ ва Ғарб дунёсини бир – бири билан боғловчи, қуруқлик йўллари туташган нуқтада жойлашган, геостратегик ва геополитик аҳамиятга эга бўлган, тарихда мустамлакачи мамлакатлар манфаати тўқнашувларига сабаб бўлган, бугунги кунда ҳам “сирли соҳил”, “хира туман пардаси билан қопланган”, мамлакат сифатида этносоциал можаролар кучли ҳисобланган Афғонистон ва унинг тарихи кўплаб тадқиқотчилар диққат марказида бўлиб келди.

XIX асрнинг охириги чораги – XX аср бошларида Афғонистонда кечган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жараёнлар, мустақиллик учун кураш, ислохотчилик ва тарққийпарварлик ҳаракати ҳақида совет даври тарихчилари юзлаб мақола ва асарлар яратдилар.

Манбашунослик, тарихшунослик, тилшунослик ва тарихчилик жиҳатларини ўзида бирдек мужассамлаштирган мақола ҳамда тадқиқотлар XIX аср охири – XX аср дастлабки ўн йилликларида Афғонистондаги ижтимоий – сиёсий фикр ривожини, миллий мустақиллик учун курашлар тарихи масалаларига қаратди. 1960 – 1980 – йиллар олим илмий ижодининг чўққиси бўлди, десак назаримизда хато қилмаймиз. Юқорида қайд этилган йилларда тадқиқотчи Шарқда биринчи бўлиб, миллий мустақиллигини эълон қилиб (1919 йил 28 февраль), III – англо-афғон урушида (1919 йил 3 май – 1919 йил 8 август) инглизлар устидан ғалаба қилиш туфайли истиқлолини сақлаб қолган.

Афғонистон озодлигининг тарихий илдизларини очиб беришга асосий эътиборини қаратди. Олимларнинг мақола ва китоблари, номзодлик ва докторлик диссертациялари Афғонистонда ижтимоий-сиёсий фикр ривожини, “ёш афғонийлар” ҳаракати ва ҳукумати ҳамда ислохотчилик масалаларини очиб беришга қаратилган. Афғон халқи онгини уйғотишда муҳим роль ўйнаган

тараккийпарварлар фаолиятини таҳлил қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Олим илмий раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари (Қ.Сулаймонов, О.Зоҳидов, О.Ғафуров, З.Отакулова ва ҳ.к.) етишиб чиқди. Шарқшунос олимлар Д.Я.Очилдиев асарлари⁸ ва фаолиятига ўта эътиборли эдилар. Олим Афғонистонга қилган илмий сафарлари давомида, бевосита ушбу мамлакат турли нашрларида чоп этилган газета ва журналларни, китоб ва рисоаларни, қўлёзма асарларнинг намуналари ёхуд нусхалари (форс-тожик, пуштун, инглиз тилларида)ни ўзи билан олиб келган ҳамда шахсан ўзимиз гувоҳ бўлган аср 2 ярмида танилган афғон тарихчилари, жамиятшунос ва жамоат арбоблари Д.Я.Очилдиев манзилига нодир ҳужжатларнинг нусхалари ҳамда газета – журналларни мунтазам (айниқса, “Сираж – ул-ахбор ал-афғоний” газетасини) юбориб туришган.

Шу сабабли бўлса керак, Д.Я.Очилдиев мақола ва китобларининг манбавий базаси бой ва ранг-баранглигига гувоҳ бўламиз. Профессор Д.Я.Очилдиев XIX аср охири – XX аср бошларида Шарқ дунёсидаги миллий уйғониш Афғонистонга таъсир қилганлигини, тарққийпарварлик ғоялари асосан олдинроқ “уйғонган” Туркия, Миср, Эрондан кириб келганига эътиборини қаратди.

Унинг тадқиқотларида афғон халқининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, турмуш тарзи, асрлар оша яшаб келаётган миллий, ўзига хос урф – одатларига алоҳида урғу берилган.

Афғонлар урф – одатида “Иходил” ёхуд “Пуштун валайе” (“афғонлар ор – номуси кодекси”) бўлиб, бир – бирига душман бўлган қabila, уруғ, oilалар агар ташқаридан умуммиллий хавф туғилса, ўзаро ўрталаридаги душманлик ва

⁸ Қаранг. Очилдиев Д.Я. Из истории национальной независимости и внутренних реформы в Афганистане в начале XX века// . Общественные науки в Узбекистане – Ташкент; 1963. – №:1 – С. 61 – 68. Он же: Общественно - политической мысли Афганистана в начале XX в. – Т: Фан; 1972. – 210 стр. Он же. Очерки национальной – освободительное движения в Афганистане в конце XIX и начале XX века. – Т.: Фан; 1972. – 167 стр; Он же: К вопросу о соотношений внутренних и внешних факторов в процессе зарождения просветительской идеологии (О книге Махмудбека Тарзи «Маджмуйи ахлоқ») в сб: Афганистан (под ред. проф. М.А.Бабаходжаева) – Т.: Фан, 1978. – С.100-104. Он же: Младоафганское движение (1900 - 1929). Т.: - Фан.;1985, – он же СССР и развивающийся страны. Т.: изд. Фергана; Т.:1984 (Учеб. пособие)

тарқоқликка чек қўядилар. Бундай одатдан мақсад умумий, душманга қарши бирлашишдир.⁹ – деб ёзади олим. Афғон халқининг ушбу одатини XIX аср 70 йилларида чуқур ўрганган инглиз генерали Роулинсон ҳам ўз пайтида: “Афғонистон арининг уяси, бу мамлакатда ари кўп, лекин асал йўқ” – деб, Буюк Британия мустамлакачиларини огоҳлантирган эди. Бу огоҳлантиришдан совет ҳукумати раҳбарлари ўз вақтида сабоқ чиқаришлари керак эди. Акс ҳолда “афғон консенсуси”, афғон фожиаларининг олди олинган бўлармиди?

Афғон халқи маънавий турмуши ва оилавий ҳаётига ислом дини чуқур кириб кетганлиги, кундалик, оилавий муносабатларда, қонунчиликда мусулмончилик қоидаларига амал қилиш кучлилиги ҳам олим томонидан алоҳида таъкидланади. Афғонлар ҳақида “ўта динга берилган халқ” “ўзларини эътиқодли, тоза мусулмон” деб ҳисоблашлари, бу масалада ўта хушёр бўлиб, уларга муносабат билдириш, улар нафсониятига тегиб қўймаслик билан боғлиқ фикрларнинг келтирилиши эътиборга лойиқ.

Амир Абдурраҳмон (1880-1901), Амир Ҳабибуллаҳон (1901-1919); Амир Омонуллаҳон (1919-1929). Нодиршоҳ (1929-1933) ҳукмронлиги давларида Афғонистондаги воқеалар тадқиқотларда теран таҳлил қилинган.

Афғонистон ижтимоий- сиёсий фикр ривожига муҳим роль ўйнаган Маҳмудбек Тарзи (1868-1935) нинг маорифчилик ва сиёсий фаолияти асосий ўрин тутди. Амир Абдурраҳмон ҳукмронлиги даврида сиёсий муҳожирликда яшаган, Сурия, Туркияда истиқомат қилиб, маърифатпарварлик ва мустақиллик учун кураш ғоялари билан камол топган, Маҳмудбек Тарзи ҳақида бошқа олимлар ҳам асарлар ёзиб, ўз фикр- мулоҳазаларини билдиришган¹⁰.

Маҳмудбек Тарзининг “Мажмуаи ахлоқ” ижтимоий –ахлоқий масалаларга бағишланган асарини таҳлил қилинар экан, (Кобул, 1968 йил дари

⁹ Очилдиев Д.Я. Младоафганское движение. – Т.: Фан; 1985 – С.32.

¹⁰ Қаранг. Мирзаев С. Литературно –просветительская деятельность Махмуда Тарзи и его газета “Сирадж – ул– ахбор (1911-1919), Душанбе: 1973. 140 стр. Имомов Ш.З.Общественная мысль Афганистана в первой трети XX века – Наука. 1986. – 215 стр. Иномхўжаев Р. Махмуд Тарзи ва маърифатпарварлик адабиёти; Т.: ТДШИ; 2004 ва ҳоказо

тилида)ушбу мутафаккир қарашларига таълуқли бўлган: “XX аср фан-техника асри бўлади”, “Амалиётсиз фан ўлик, бу гўёки қалбсиз тана кабидир”, “Ахлоқий тарбиянинг асосини диний тарбия ташкил этса маъқул каби фикрларига эътиборни қаратади. Шунингдек, М.Тарзининг Илмсиз амалиёт мустаҳкам эмас, биз “Бешиқдан қабргача илм изла!” деган ҳадисга амал қилишимиз керак, деган фикрларига алоҳида урғу берилиши муҳимдир¹¹.

Олим Маҳмудбек Тарзи томонидан чоп этилган “Сирож – ул-ахбор Афғоний” (“Афғон хабарлари ёритгичи”) газетасининг юзлаб сонларидан (1911-1919) манба сифатида фойдаланар экан, газетанинг таъсисчиси, айти пайтда шоир ва публицист сифатида долзарб мақолалар ҳамда мустақилликка ундовчи шеърлар билан мунтазам қатнашиб турганлигини кўрсатади. Айниқса, газетанинг 1913-1914 йилларда чоп этилган сонларида озодликка чорловчи мақолалар кўплаб элон қилинганлиги олим тадқиқотларида қайд этилган. “Афғонистон бардам бўл, армиянгни тартибга келтир!”, Англия, Голландия, Бельгия – кичик давлатлар, катта Шарқ мамлакатлари халқлари устидан чўпон кўй подаларини боқиб юргандек хўжайинчилик қилишади;” – деб ёзади газета.

“Рус айиғи Туркистонни ютиб юборди, Афғонистон инглиз шери бўғзида турибди!,”Озодлик учун курашдан ҳеч қачон қўлни ювиб қўлтиққа урмаслик керак!” каби фикрлар “Сирож – ул-ахбор”нинг турли сонларидан келтириш орқали илмий асослантирилган мулоҳазалар ўртага ташланади. Шунингдек, тадқиқотларда Маҳмудбек Тарзининг Афғонистонда фаолият юритган замонавий ўқув даргоҳларини ташкил этишдаги хизматлари, унинг маърифатчилик фаолиятига салмоқли саҳифалар ажратилган. 1903 йилда Кобулда очилган “Ҳабибия” мактаби, 1909 йилда иш бошлаган, замонавий ҳарбий зобитлар таёрлашга қаратилган “Ҳарбия коллеж” кабиларда Маҳмудбек Тарзи муаллимлик қилган.

¹¹ Очилдиев Д. К. вопросу о соотношении внутренних и внешних факторов в процессы зарождение просветительной идеологии (О книге Махмуд – бека Тарзи)”всб: Афганистан; Т.: Фан, 1978.-С.102-103//яна қаранг. Ш.Ҳайтов. Д.Очилдиев-афғоншунос олим. Фарғона-2016. Анжуман материаллари.

Унинг саъй ҳаракатлари билан Ҳиндистон ва Туркиядан ушбу ўқув юртларига мусулмон муаллимлар таклиф этилган. 1906 йилда “ёш афғонийлар” (“жомбоши жавонҳои афғон” “жомбоши маршрутҳо” – “конституция тарафдори ташкилоти”) тузилишида ҳам Махмудбек Тарзи олдинги сафларда турган. “Ёш афғонийлар” билан “кекса афғонийлар” (“кўҳна ҳаёлан”) ўртасидаги курашлар новаторлик ва консерваторлик ҳаракати тарафдорларининг тўқнашувлари масалалари моҳиятини кўрсатган.

Афғонистон миллий мустақиллигини таъминлашда “ёш афғонийлар” ташкилоти “Ҳабибия”, “Ҳарбия” мактабининг собиқ ўқувчи ва талабаларида “Сирож – ул - ахбор афғоний” каби миллий прогрессив нашрлар, афғон маърифатпарлиги отаси (Махмудбек Тарзи, Муҳаммад Фузулий, Абдул Ғани, Абдул Азиз, Абдулҳоди Давий, Солиҳ Муҳаммад, Сардор Азизулла, Али Аҳмад Набий, Муҳиддин Афғон, Муҳаммад Сарвархон, Абдул Қаюмхон, Муҳаммад Усмонхон Мавловий, Нажаб Алихон каби шахсларнинг беқиёс хизматлари теран таҳлил қилинган.

Афғонистондаги “ёш афғонийлар” ҳукумати фаолиятини, 1920 – йилларда бу давлатда ўз мустақиллигини асраб қолиш мақсадида амалга оширилган ислохотларни объектив ва холисона баён қилган. Айниқса, “Ёш афғонийлар ҳаракати” китобининг “Ёш афғонийлар ҳокимиятда” (Б.131-174), “Ёш афғонийлар ҳокимияти қулаганидан сўнг” (Б.175-190) деб номланган IV-V бобларида ушбу ҳукумат афғон халқи турмушига сингиб кетган диний омилни етарлича ҳисобга олмаганлиги, ижтимоий – иқтисодий ва психологик тайёргарликсиз турли мулкчилик шаклларида ўтилганлиги, “европалашув” (паранжи ва аёлларга муносабат ҳамда Қобул кўчаларида шляпа ва европача кийим кийиб юриши масаласида, ҳоказо) кабилар туфайли қулаганлиги асосланган.

Садриддин Айний Ёш бухороликларга ғоявий – сиёсий таъсир ўтказишда, улардаги миллий ўзликни англаш ва миллий онгнинг ўсишида 1911-1919 йилларда Афғонистон пойтахти Қобул шаҳрида “ёш афғонийлар”

томонидан чоп этилган “Сирож-ул ахбор афғоний” (“Афғон хабарлари ёритгичи”) газетасининг роли бекиёс бўлганлигини кўрсатади. Усули жаид мактаби “Ҳабибия”¹²нинг муаллими, “ёш афғонийлар” ҳаракати йўлбошчиси Маҳмудбек Тарзи¹³ томонидан ушбу газета “Осиё осиеликларники!” шиори остида чоп этилган. Газетада озодлик, тенглик, мустақиллик учун кураш ғоялари тарғиб қилинган. Истиқлолга эришиш олий мақсад бўлиши кераклиги ушбу газетадаги мақола ва шеърӣ асарлар мазмунига сингдирилган эди.

“Сирож-ул ахбор афғоний” газетасининг 1911 йил ноябр сониди “мазлум халқлар ҳеч қачон озодлик учун кураш мақсадидан қўлини ювиб қўлтиққа урмаслиги керак” – деб ёзилган бўлса, 1912 йил июн сониди: “Эй Афғонистон уйғон! Бардам бўл! Ўз армиянгни туз ва тартибга сол қўшинингга ҳарбий таълим бер, қуролни тайёрла! Озодлик онлари яқин!” –деб халққа мурожаат қилинади. 1913 йилнинг ноябр ойида чоп этилган газетанинг сонларидан бирида эса “Франция, Германия ва Голландия дунё харитасида кичкинагина жой эгаллашсада ўзларидан бир неча бор ўтмишда қудратли ва ҳозирда катта бўлган давлатларни бошқарадилар. Улар ўз мустамлакаларида қўйларини боқиб юрган чўпон сингари ҳукм сурадилар.Биз бирлашсак улар денгиздан томчи бўлиб қолади!” – деб ёзилган¹⁴.

Газетада фан ва маданият ҳамда маориф ривожига эътибор бериш – тараққиёт омили эканлиги қайта-қайта уқтирилади. Маҳмудбек Тарзи унинг 1912 йилдаги сонларидан бирида : “XX аср - билимлар ва фан асри бўлади”¹⁵ –

¹² “Ҳабибия” дуёвий билимлар берадиган мактаб бўлиб, 1903 йилда Афғонистон пойтахти Кобулда очилган эди. Афғонистон подшоҳи Ҳабибуллоҳон (1901-1919 йй.) номи билан аталган, унда Ж.Афғоний, М.Тарзилар дарс берган.

¹³ Маҳмудбек Тарзи (1868-1943 йй.) “ёш афғонийлар” ҳаракати йўлбошчиси, хорижда мусофирликда бўлган.У сиёсатчи, адиб, журналист, давлат арбоби, ватанпарвар, мард инсон эди. М. Тарзи “Ахлоқ мажмуаси” номли китобнинг муаллифи. У 1919-1929 йиллардаги “ёш афғонийлар” ҳукуматида ташқи ишлар вазири бўлиб ишлаган

¹⁴ Қаранг. Очилдиев Д.Я. Общественно-политический мысль в Афганистане в XX в.Т.: Фан: 1972.-С.65-82. Он же. Молодафганское движение (1900 – 1929 гг.). Т.: Фан : 1985. С.21-57. Он же : Из истории молодафганцев за реформы и независимость страны В 1910-1914 гг. /Очерки новой истории Афганистана.Т.: Фан :1961. –С.75-89. Он же. Из истории национальную независимость в внутренние реформы в Афганистане в начале XX в. // Общественные науки в Узбекистане. 1963 .№1.-С.47-57. яна қаранг. Ш.Ҳайтов. Д.Очилдиев-афғоншунос олим. Фарғона-2016. Анжуман материаллари.

¹⁵ Имамов Ш. З. Общественная мысль в Афганистане в первой трети XX в. М.: Наука: - 1986.-С.67.

деб ёзган эди. Ортда қолган XX аср ушбу аср бошларида афғон маърифатпарвари башорати тўғри бўлиб чиққанлигини исботлади.

Шарқ дунёсида туғилиб келаётган тараққийпарвар кучларнинг сиёсий ва маънавий тақомилига хизмат қилиши табиий ҳол бўлган “Сирож-ул ахбор афғоний” газетасининг Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларида, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ҳудудларида, Эронда ва Британия Ҳиндистонида кенг тарқалмади деб ҳисоблаш даъвосидан йироқмиз. Шу сабабли XX аср бошларида Бухоро амирлиги ҳудудида “Сирож-ул ахбор афғоний” газетасининг 120 нафар обуначиси бўлган.

Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят марказий кутубхонасининг архив фондида ва вилоят музей қўриқхонаси нодир ҳужжатлар бўлимида ушбу газетанинг бир қатор сонлари сақлаб қолинганлиги бу борадаги фикримизни тасдиқлайди.

Хуллас, Афғонистон тарихида муҳим босқич бўлган, мураккаб ва зиддиятли кечган XIX аср охири –XX аср дастлабки ўттиз йиллиги даврини ўрганиб, асосли илмий хулосаларга келишда ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Шунингдек, асл манбаларга таянган ҳолда афғон халқи этник хусусиятларидаги муҳим жиҳатларни кўрсатиб берган. Шу ўринда истиқболда “афғоншунослик”нинг юқорида қайд этилган даврида айрим муаммоларни кенгроқ ўрганишга қаратилган бир қатор таклифлар туғилди.

1. Бухоро амирлиги ва Афғонистондаги тараққийпарварлик ҳаракати масалаларини қиёсий таҳлил ҳамда ўзаро таъсир доирасини ўрганиш керак. Маҳмудбек Тарзининг “Сирож – ул - ахбор” газетасининг амирликда 120 та обуначиси бўлганлигининг ўзиёқ фикримизни исботлайди.

2. БХСР ва “ёш афғонийлар” ҳукумати (“ёш афғонийлар ”ҳукумати бошлиғи ташқи ишлар нозири Маҳмудбек Тарзи ва БХСР да шу мансабда турган Ф.Хўжаевнинг ҳукуматлараро расмий алоқалари назарда тутиляпти)

ўртасидаги сиёсий, дипломатик савдо – сотиқ алоқалари ҳақида ҳам манбаларга таянилган илмий ишларга эҳтиёж бор.

3. Бухоро амири Саййид Олимхон ва афғон амирлар, Афғонистонда 1920-1930 йиллардаги ўзбек сиёсий муҳожирлари уларга совет ва БХСР ҳукуматларининг муносабати масалаларига оид тадқиқотлар эълон қилинса, аҳамиятли бўларди.

4. “Аҳмад Дониш ва Маҳмудбек Тарзи” “Файзулла Хўжаев ва Махмудбек Тарзи”, Маҳмудбек Тарзи ва Туркистон АССР ҳамда БХСРнинг Афғонистондаги элчилари” каби мавзуларда илмий изланишлар олиб бориш ҳам келажак зиммасидадир.

1920 йилнинг август охири ва сентябр бошларида, яъни Бухорода монархия тузумига қарши ҳарбий тўнтариш юз берган кунларда қўшни Афғонистонда ҳам сиёсий жараёнлар қайноқ кечаётган бир давр эди. Афғонистон мустамлака кишанларини парчалаб, 1919 йил 28 февралда ўзининг мустақиллигини эълон қилди. Афғон ҳукумати 3-англо-афғон (1919 йил май-август) урушида инглизлар устидан ғалабага эришди ва ўз истиқлолини мустаҳкамлаш учун қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ўрнатиш сари амалий ҳаракатлар бошлади. Шарқ дунёсида биринчи бўлиб, миллий мустақилликка эришган Афғонистоннинг «ёш афғонийлар» ҳукумати учун иттифоқчилар керак эди.

Янги БХСР ҳукумати дастлабки кунларданоқ ички тадбирлар билан бирга анъанавий алоқаларда бўлган мусулмон давлати Афғонистон билан дўстона, дипломатик алоқалар ўрнатиш чораларини кўрди.

1920 йил 20 сентябрда амирлик тартиби ағдарилганидан уч ҳафта ҳам ўтмай, Бухоро ҳукумати Афғонистон амирига махсус нота юбориб, ўзаро элчи алмашинувини йўлга қўйишни сўраган. Афғон ҳукумати ҳам 1920 йил 17 декабрда Бухорога юборган жавоб нотасида иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар ўрнатишдан мамнун эканлигини маълум қилади.

Афғонистондаги «ёш афғонийлар» ҳукумати¹⁶ ташқи ишлар вазири, матбаачи, файласуф, тарихчи, таниқли маърифатчи Маҳмудбек Тарзи (1868-1943 йиллар) ўзининг нотасида: «Афғонистон ҳеч бир вақт Бухоройи-шарифнинг обрў-истикболидан маҳрум бўлурини истамайдур. Ушбу мақсад билан Бухоройи-шарифга фавқулотда сафирлик (элчилик) билан тахт раёсатинда бир хайъат юборилди. Ҳозирда элчимиз таъсис этилгунча афғон тобеларини (фуқароларини) ижросига сизнинг ҳукуматингиз наздинда бўлгон Абдулшукурхонга таклиф этаман»¹⁷-деб Бухоро ҳукумати билан дипломатик алоқалар ўрнатишга тўла розилик билдиради.

Маълумки, Афғонистон 1919 йилда мустақилликка эришганида Бухорода амирлик тартиби мавжуд бўлиб, ёш афғон амири Омонулла (1892-1960, 1919-1929) ўзининг дастлаб Фазл Аҳмадхон бошчилигидаги ҳарбийларини Бухорога ёрдам учун юборган.

Амирнинг маълумотича, афғонларнинг 200 нафар аскарлари, бир гуруҳ оркестри, 7 та тўп, 7 та фил Бухорога келган. Афғон тарихчиси Мир Гулом Муҳаммад Губар Омонуллахон Бухорога унча катта бўлмаган ҳарбий отрядни 4та туп ва 2та фил билан юборди, деб ёзади¹⁸. Юқоридаги бирига мувофиқ келмайдиган маълумотлардан шундай хулосага келиш мумкинки, афғон ҳарбий вакиллари бир даврда эмас, кетма-кет келиб турган.

1920 йил бошларида афғон амирининг Абдулшукурхон бошчилигидаги элчилари Бухоро давлатига келишган. Маҳмудбек Тарзи юқоридаги телеграммасида янги элчилар гуруҳи етиб боргунга қадар амир давридаги афғон вакилини (Абдулшукурхонни) ваколатли деб ҳисоблашни Бухоро ҳукуматидан сўраяпти. Чунки БХСР ҳукумати амир билан алоқада бўлган Афғонистон ваколатхонасини янгилашни «ёш афғонийлар» ҳукуматидан

¹⁶1919-1929 йилларда Афғонистонни «ёш афғонийлар» ҳукумати бошқариб, бу даврда мамлакат миллий истиклолга эришган ва мустақил сиёсат юритган.

¹⁷Афғонистондан жавоб телеграми. «Бухоро ахбори» 19-сон, 1921 йил 13 январ // Қаранг. Ш.Хаитов ва б. БХСР ва Шарқ мамлакатлари. Бухоро-2005.

¹⁸ Амир Саид Олимхон Бухоро халқининг хасрати тарихи. Тошкент. «Фан».1991 йил.10-бет; Мир Гулом Муҳаммад Губар Афғанистан на пути истории. М. «Наука» 1986г. ст.126.

талаб қилган эди. Айни пайтда Бухоро ҳукуматининг бош нозири Файзулла Хўжаев: «Афғонистон билан Бухоро орасинда маним ҳукуматим томонидан дўстлик муносабатини қонун қилув учун Абдулрахим Юсуфзода бошлик тахт раёсатинда фавқулотда бир хайъат юборилмоқда»¹⁹, деб хабар беради. Ф.Хўжаевнинг мазкур нотасидан: «Шунинг баробаринда сизга билдираманким, бурунги амир ҳукумати томонидан Афғонистонга вакил этилган Қори Ҳабибулла тўқсабонинг ваколати ҳукмдан соқит ҳисоб қилинадур»²⁰ каби сатрларни ўқиймиз. Икки томон мумкин қадар элчиларни тезда алмаштириб (айниқса, БХСР-таъкид бизники) мамлакатлараро муносабатларни янгидан йўлга қўйишга интилишган. Бухоро Республикасига Афғонистон ташқи ишлар вазирлиги 1920 йил 20 октябрда Абдулҳодихон Дави бошчилигидаги фавқулотда ва мухтор вакиллари юборган. Вакиллик таркибида Афғонистон ташқи ишлар вазирлиги идораси ходимлари Ғулом Сиддиқхон Чархий ва Мирзо Ғулом Ҳайдархон каби шахслар бўлган²¹.

БХСР ҳукуматида зироат нозири бўлган Абдулрахим Юсуфзода 1921 йил 11 январда Эски Бухоро вокзалидан барча ҳукумат органи аъзолари кузатувида Афғонистон томонга элчихона ходимлари билан йўлга чиққан²².

БХСР ҳукумати элчилари Афғонистонда юксак иззат-икром билан кутиб олинади. Юсуфзода Бухоро-Афғонистон сиёсий ва иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида қатъий чора-тадбирлар кўрди. Таъкидлаш жоизки, 1921 йил 28 февралда совет-афғон шартномаси имзоланишида ҳам Юсуфзоданинг воситачилик роли катта бўлган. Чунки Бухоро элчихонаси ушбу шартнома имзоланишидан бир ярим ой олдин Қобулда ўз фаолиятини бошлаган эди. Тарихий манбаларнинг маълумотича, Афғонистонда фаолият

¹⁹ Афғонистонга телеграмм.. Бухородан Қобулга... «Бухоро ахбори» 19-сон, 1921йил 13 январ// Қаранг. Ш.Хаитов ва БХСР ва Шарқ мамлакатлари. Бухоро-2005.

²⁰ Ўша жойда.

²¹ Мир Ғулом Муҳаммад Губар. Ўша китоб. 127-бетда.

²² Афғонистон сафаротимиз. «Бухоро ахбори», 20-сон, 1921 йил 18 январ// Қаранг. Ш.Хаитов ва БХСР ва Шарқ мамлакатлари. Бухоро-2005.

олиб борган Бухоро ваколатхонасига осон бўлмаган. Сабаби амир ҳукумати тугатилиши билан мамлакат ҳудудида «босмачилик» (истиклолчилик) ҳаракати кучайиб, Бухоро фуқароларининг анча қисми қўшниси, диндош ва узоқ чўзилган, бўш қўриқланадиган чегара бўлмиш Афғонистон ҳудудига ўтиб кетаётган эдилар. Афғонистонга ҳижрат қилганлар орасида амир ва унинг тарафдорлари ҳам, тушуниб-тушунмай уларга эргашган оддий деҳқон ва чорвадорлар ҳам, совет ҳукумати раҳбарлик органларида ишлаб, унинг ноинсоний сиёсатидан норози бўлган шахслар ҳам бор эди. Қалтис бир вазиятда БХСР ва Афғонистон ўртасидаги асрий дўстона муносабатларни сақлаб қолиш учун иккала томондан ҳам чуқур мулоҳаза, муроса-мадора билан иш қуриш тақозо қилинарди. Биз учратган манбаларда иккала мамлакат раҳбарларининг бир-биридан кўп нарсаларни талаб қилиб ёзган мурожаатлари ҳамда ноталари маълум. Жумладан, БХСР Афғонистон ҳукуматидан унинг ҳудудига ўтган, лекин афғон фуқаролигини қабул қилишни истамаган Бухоро фуқароларини она юртларига қайтишлари учун ёрдам беришини сўраган. Лекин Афғонистон-Бухоро чегарасида афғон қонуний ҳукуматига бўйсунмайдиган қуролли гуруҳлар ва маҳаллий ҳукмдорлар Бухоро фуқароларига тазйиқ ўтказган. «Афғонистонга қочиб кетган туркманлар Афғонистон тобеълари (фуқаролари) эмасликлари, шунинг учун уларнинг ўз ватанларига қайтиб келишга ҳақлари борлиги хусусида алоҳида расмий билдирилсун. Андхуй, Маймана (Шимолий Афғонистон) ҳокимларига буюрилсинким, улар буни туркман ҳалқига эълон қилсунлар. Туркманларга ўз ватанларига қайтиб келиш учун сира моне йўқлиги билдирилсун. Бери (Бухорога) қараб ўтган туркманларга зўрлик қилгон ҳудуд соқчиларига қаттиқ жазо берилиши эълон қилинсун».²³ дейилади БХСРнинг Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Порсо Хўжа, унинг муовини Қ.Отабоев, хорижий ишлар нозири Шоик Хўжа имзоси билан «Бухоро ҳукуматининг Афғонистон ҳукуматига нота билан мурожаатлари»дан бирида.

²³Ўша жойда. –Б 24.

Афғонистон ҳудудига ўтган Бухоро Республикаси туркманлари 35 минг оила атрофида бўлиб, улар 2 миллиондан ортиқ чорва молларини ҳам дарёнинг нариги Амударёнинг ўнг қирғоғи ёнига ҳайдаб кетган эдилар. Афғонистон маҳаллий ҳукмдорлари туркманларни афғон фуқаролигига ўтишга мажбурлаб, улардан мол солиғи талаб қилган. Лекин туркманлар ўз оқсоқоллари орқали БХСР ҳукуматидан ёрдам сўрашган.

Афғонистонга ўтган ўзбек, туркман, тожикларнинг бир қисми чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб ўз хўжалигини йўлга қўйган бўлсада, кўпчилиги дарбадарликда яшарди. Маълумотларга кўра, муҳожир бухороликлар Афғонистонда қоракўлчилик, гилам тўқиш соҳаларини ривожлантиришга ҳисса қўшиб, XX аср 20-йилларининг ўрталарида Кундузда пахтачиликка асосланган «Спинзар» («Ок олтин») компаниясига ҳам асос солишган²⁴.

1921-1922 йиларда Бухоро Республикасига қайтмоқчи бўлган муҳожирларни чегарада жойлашган Афғонистон фуқаролари талаганлиги, ёки катта миқдорда пул талаб қилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Таниқли адиб С.Айний ўзининг «Етим», «Дохунда» номли асарларида Афғонистондан Ўрта Осиёга «пулдор» қочоқларни ўтказиб қўйган афғонистонлик туркманлар ҳақида маълумот беради. Бухоро ҳукумати билан Афғонистон иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқаларини ҳам йўлга қўйишга ҳаракат қилишган.

1.2. Туркияда ижтимоий-сиёсий ҳаракат масалалари ва матбуотчилик

²⁴ БХСР ва Шарқ мамлакатлари...-Б.26.

Туркияда “Ёш Турклар” ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг (1908 й) мусулмон дунёсида Истамбул (Константинопол) прогрессив ғояларни тарғибот қилиш марказига айланган эди. конституцион монархия тартибини ўрнатилганлиги “Ёш Турклар” нинг маориф ва матбаачилик ишларига шўнғиб кетганлиги, Европа тилларидан қомусий китоблар ва асарларнинг Турк тилига таржима қилинганлиги каби кўпгина омиллар туфайли Туркистон минтақасидаги давлатларда истиқомат қилувчи тараққийпарварлар илм ва маърифат олишни истаган ёшлар Туркия шаҳарларига ўқиш учун борардилар. Архив ҳужжатларидан бирида: “Туркия конституцияси эълон қилинган Константинополда Бухоро илмий маориф жамияти тузилди. Бу “Бирлик ва тараққиёт” жамиятининг (Бу жамият 1889 йил тузилган) йирик бўлимларидан бирини ташкил қилади. Бу бўлим Бухоро ва Қошғар (Хитой) дан талабаларни танлаб олиш ва Константинополдаги ҳарбий ва бошқа мактабларга жойлаштириш билан шуғулланади. Мазкур бўлимни панисломчи доктор Нажим бошқаради. Ўқувчилар ҳозирда юз киши атрофида бўлиб, ярми бухоролик, ярми қошғарлик ҳисобланади²⁵” – мазмундаги маълумот мавжуд.

Россия империясининг Константинополдаги элчихонаси томонидан Санк – Петербуркка йўлланган 1910 йил 29 – сентябрдаги 215 – рақамли махфий маълумотномадан олинган ушбу лавҳа Бухоро амирлиги ва Туркия ўртасидаги муносабатларни ҳолатидан бир қадар воқиф қилади.

Ушбу мақолада Бухоро амирлиги ҳудудларида Туркияда чоп этилган газеталарнинг тарқалиши, уларни амирликдаги ўқувчиларига етказишда тарғиботчилик миссиясини бажарган шахслар, уларнинг фаолияти, туркия матбуотида Бухоро амирлигидаги аҳволга доир мақолалар, ҳамда уларнинг мазмуни ЎзРМДА фондларида “Туркистон қўриқлаш ва муҳофаза бўлими” (И –

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎзРМДА) И – 461 – фонд, 1 – рўйхат, 1260 – ҳужжат, 18 – varaқ, 18 – varaқнинг орқа томони.// Қаранг. Ш.Хайтов ва БХСР ва Шарқ мамлакатлари. Бухоро-2005.

461 - фонд) йиғма жилдларида сақланаётган ўз даврида махфий ҳисобланган ҳужжатлар асосида мухтасар фикр юритилади.

Архив манбаларининг хабар беришича “Ёш Турклар” матбуотининг Туркистон генерал – губернаторлиги ва Бухоро амирлигида тарқалиши Россия империяси маъмурларини ташвишга солган: “Туркистон ва Бухородаги сўл оқимдаги газеталарнинг тарқалиши кучаймоқда уларнинг кўплаб эмиссарлари (вакиллари) сўнгги даврларда газета тарқатишни авж олдирдилар. Ҳатто Турк маҳаллий журналларининг Туркистон ва Бухорога тарқалиши юқори маъмурий доираларнинг эътиборини тортмоқда. Чунки, уларда “Панисломизм”, “Пантуркизм” ғоялари илгари сурилган ²⁶”.

Туркияда XX аср бошларида чоп этилиб турган журналлардан учтаси алоҳида қайд қилинади. Улар “Ҳикмат” (Донишмандлик), “Сироти - Мустақим” (Тўғри йўл), “Таарифи Муслимин” (Мусулмонларнинг ўзаро биродарлашуви) кабилардир. “Ҳикмат” журнали Аҳмад Хилми Афанди муҳаррирлиги остида чоп этилган. Айни пайтда ушбу шахс “Тасвири афкор” деб номланувчи кундалик газетанинг ҳам муҳаррири бўлиб ҳисобланади. “Сироти Мустақим” журналини нашр қилиш ишларини парламент аъзоси Иброҳим Ҳаққи Афанди ва Шайхул – ислом Мусо Козим Афанди кабилар ўз зиммаларига олишган. “Таарифи - Муслимин” журналини чоп этишда катта масъулият Абдуррашид Иброҳим Афанди зиммасидадир. Архив манбасида “Абдуррашид Иброҳим Афанди” Туркияга кўчиб ўтгунга қадар Кавказда “Иршод” газетасини чоп эттирган. У Сибирлик Татар, Оренбург муфтийси лавозимида ҳам ишлаган. Тижорат ва журналистика соҳасида катта тажрибага эга. Иброҳим Афанди Туркистон, Сибир, Мўғулистон, Манжурия, Япония, Корея, Ҳиндистон, Индонезия ороллари, Арабистонга саёҳат қилган. Унинг “Саёҳат” номли китоби уч бор қайта – қайта нашр қилинган. Китобнинг “Мусулмон дунёси ва исломнинг японияга тарқилиши” номли бўлимида номусулмон мамлакатларига исломнинг кириб келиши таҳлил қилинган. Шу ўринда ўтмишдаги аجدодлари

²⁶ Ўша жойда.-Б34.

орқали Бухоро билан узвий боғланган Абдуррашид Иброҳим Афанди ҳақида кенгроқ маълумот беришни лозим дед топдик. Россия империяси ташқи ишлар вазирлиги полиция бўлимининг 1910 йил 17 – февралдаги 781 – рақам билан Туркистон кўриқлаш бўлимига юборилган махфий хатида Абдуррашид Иброҳим Афанди шахси ҳақида қуйидагича маълумот берилади: “Иброҳим Афанди (Бухоролик) Тобольск губернаси Тар уезди Бухоро волостидан, Мунир исмли ўғли бор. Отасининг яқин ёрдамчиси. 1904 йилгача Одессада тутқун бўлган. 1904 – 1907 йилларда Санкт – Петербургда яшаб газетачилик иши билан шуғулланган ва “Улфат” газетасини чоп этган. 1907 йил газета ёпилгач, Иброҳим Афанди Японияга саёҳатга кетади. 1909 йилдан буён Туркияда яшайди. Панисломизм ғояларини тарғиб қилиб, “Сироти - Мустақим” журналида мақолалар ёзади. Россия давлатига душманона кайфиятда маорифни тарғиб қилиб, мусулмонларни бирлашишга чорлайди. Санкт – Петербургда яшаган йилларида типографияларнинг бирида “Минг бир ҳадис” китобини татар тилида чоп эттирди”.

Юқоридаги маълумотларга Абдуррашид афандининг фотосурати ҳам илова қилинади²⁷. Абдуррашид Иброҳим ҳақидаги маълумотлар шуни кўрсатадики, у Туркияга боргунга қадар анча журналистик ва мабаачилик тажрибасини орттирган. Шарқнинг ўнлаб мамлакатларида бўлиб, Бухоро амирлигининг тараққийпарварлик, маърифатчилик ва озодлик учун кураш ғояларидан четда қолаётганлигини англаб етган. Унинг аجدодлари XVIII – XIX асрларда Бухородан Сибирга кўчиб борган бўлиб, Абдуррашид Иброҳим Татарлашган бухороликлардандир. Уни Бухоро амирлигининг тақдири, истиқболи қизиқтириши табиий ҳол эди.

Туркияда чоп этилган журналларнинг бир қатор сонларида Бухоро амирлиги ва Хева хонлигидаги ижтимоий – сиёсий, маданий ҳаётга оид мақолалар ҳам босилган. Уларда “Бухоро илмий билимларни тарғиб қилиш” жамиятининг фаолияти, Туркияда таҳсил олаётган Бухоро ва Туркистон

²⁷ Ўша жойда.-Б.35.

минтақасидан келган ўқувчиларнинг таҳсили, Бухорода маорифни ривожлантириш муаммолари, Бухоро амирлиги ва мусулмон мамлакатларининг ўзаро муносабатлари каби масалалар қаламга олинган. Жумладан: “Ҳикмат” газетасининг 1910 йил 2 – сентябрда чоп этилган сониди “Марказий Осиё ва Афғонистон”, “Сироти - Мустақим” нинг 107 – 108 сонларида (1910 йил), “Бухоронинг мустақлигига таҳдид”, “Таарифи - Муслимин” нинг 16 – сониди (1910 йил) “Хева хонига некролог” каби мақолалар нашр этилган²⁸. Улардаги вақеликлар Бухородаги XX аср бошларида кечган жараёнларни атрофлича англаб етишга ёрдам беради. Мусулмонларнинг ўзаро биродарлашуви (Мухаррири - Иброҳим Афанди) журналининг 1910 йилда чоп этилган 9 – сониди: “Бухородан мактуб” мақоласи босилган. Ушбу мақолада Бухоро амирлигининг Россия империяси пойтахти Санкт – Петербургда таҳсил олган янги амири маорифни йўлга қўйишда ҳомийлик қилишига умид борлиги, ҳозирда эса Бухорони бахтсизлик ва зулмат қамраб олганлиги, Сунний ва Шиалар ўртасида диний мазҳабчилик можаро ва жанжаллари, бундай ҳолатлар фожеаларга олиб келиши, янги усул мактаблари очилиши, қадимчиларнинг уларни ёпишга уринишлари изчилликда баён қилинган. Мақоладан янги усул мактаблари тарафдорлари билан қадимчилар ўртасида зиддиятлар кескин тус олганлигини аниқ далиллар орқали билиб олиш мумкин. “Янги мактаб тарафдори домла Икромча унинг рақиблари Аълам Ғиёс ва муфтий Абдурраззоқ тарафдорларидан беш киши тўшпонча билан таҳдидқилиб янги мактабларни очиш ҳақидаги фатвосини файтариб олишни талаб қиладилар, Бухоро муфтисини ўлим хавфи билан қўрқитдилар” – деб ёзилади “Бухородан мактуб” номли мақолада.

Қайд қилиш ўринли бўлардики, Россия империяси Туркиядан Бухоро амирлигига киритилган “Сироти - Мустақим”, “Ҳикмат”, “Таарифи - Муслимин” журналларида чоп этилган империячилик зулмига қарши курашга

²⁸ ЎЗРМДА И – 461 – фонд, 1 – рўйхат, 1260 – ҳужжат, 20 - варақ, 20 – варақнинг орқа томони Қаранг. Ш.Хаитов ва БХСР ва Шарқ мамлакатлари. Бухоро-2005.

очикдан – очик чорлаш мазмунидаги мақолаларидан нусхалар олиб, тегишли идораларга тарқатиш воситаларини қўллашган. 1912 йил 15 – февралда Туркистон генерал – губурнаторлиги канцеляриясидан Туркистон район қўриқлаш бўлими бошлиғига йўлланган махфий мактубда: “Абдуррашид Иброҳим Афанди “Сироти - Мустақм” газетасида “Муқаддас урушга чорлов” мақоласининг нусхаси юборилмоқда (Мақола журналнинг 1911 йил, 7 – октябрь сонида чоп этилган - М. О.) Сиз Иброҳим Афандининг Россия, Туркия ва Бухорода машҳурлиги, “Бирлик ва тараққиёт” партияси аъзоси эканлиги, Туркистон ва Волгабўйида катта сиёсий ва қариндошлик алоқалари мавжудлиги ўлкадаги Туземецлардан (Маҳаллий халқ вакиллари) кимлар Иброҳим Афанди билан яхши танишлигини аниқлаб берасиз²⁹” – деб қайд қилинган.

Архив ҳужжатларининг таҳлили натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, Туркияда чоп этилган газеталарнинг Бухоро амирлиги ҳаётига оид йирик мақолалар рус тилига таржима қилинган ва махсус идоралар томонидан айнан шундай мақолалар ўрин олган. Газеталар ва уларни тарқатувчиларни алоҳида назорат остига олишга қаратилган кўрсатмалар берилган.

Маълумки, Бухоро амирлиги ҳудудига чет элларда нашр этилган китоб ва газеталарнинг кириб келиши, миллий уйғониш ва ўзликни англашда катта ёрдам берди. Айниқса Россия (асосан Қрим ва Оренбург), Туркия, Миср Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон каби давлатларда чоп этилган турли адабиётлар ва матбуот органлари амирликдаги илғор фикрли кишиларни замондан орқада қолмасликка, Бухорода ҳам китоб ва газета нашрларини йўлга қўйишга даъват этарди. Янги Бухоро (Когон)да яҳудий Левин босмахонасининг очилиши билан илғор фикрли зиёли ва тараққийпарварларнинг китобларини, шунингдек Навой, Бедил каби адибларнинг асарларини, халқ оғзаки ижоди намуналарини чоп

²⁹ ЎЗРМДА И – 461 – фонд, 1 – рўйхат, 1260 – ҳужжат, 119 - варақ, 1260 – ҳужжат, 121 – варақ, 121 - варақнинг орқа томони Қаранг. Ш.Хаитов ва БХСР ва Шарқ мамлакатлари. Бухоро-2005.

этиш имкони туғилди. Когонда 1901 йили “Барановский тошбосмаси” ташкил этилган эди. 1903 йил О. Левин , 1904 – 1913 йилларда Гайсинский ва Бендецкий, 1913 йилдан матбаа давлат тасарруфига олингунча яна О. Левин томонидан бошқарилган³⁰. Бу босмахона Левин босмахонаси номи билан танилган. Левин босмахонаси фаолият олиб борган даврда 150 та араб тилида 104 та форс тилида 53 та ўзбек тилида турли туман китоблар нашр этилган³¹.

“Бухоройи Шариф” газетаси чоп этила бошланиши билан илм – маърифатчилик тарғиботида янги босқич бошланиб, ушбу газета ҳам Левин босмахонасида нашр этилган. “Бухоройи Шариф” нинг саҳифаларидан бири Левин босмахонасида чоп этилган адабиётлар рўйхати, уларни сотиб олиш мумкин бўлган дўконлар, ижарага олиш шартлари, вақтинча ўқиш учун олиш билан боғлиқ эълонлар “Бухоройи шариф” газетасининг барча сонларида 4 – саҳифада мунтазам бериб борилган. Жумладан, газета саҳифаларида: Фарзи айна Туркий ва форсий, Китобул мусамма багаҳор, Қофияи граматик китоби, Жихози китоби кўтак, Гул ва бўлбул, Бобо равшанжон, Хўжа ҳофиз кўчак, Фикҳи қайдоний, Хурлико, Девони бузригги ҳофиз, Муфрадот, Муш ва гурба, Достони зайнул араб, Бедил, Гурборий, Юсуф Зулайҳои Туркий, Мавлоно амир Навоий, Ҳикмат, Китоби санобар босурат, Маликаи дилором, Ҳувайдои жомбой, Шарҳи мулло Жомий, Фавзун нажот, Мифтоҳил жолон, Қиссаи Иброҳим Адҳам, Девони машраб, Сўфи Оллоёр, Амир Аҳтам саҳоба, Юсуфбек, Баёз, Тухфатул обидин ва анисул ошиқин, Гиёс ул луғат ва бар ҳошия мунтаҳобул луғат, Мухтасар ул виқоя, Жангномаи Zufунун каби китоблар доимий равишда реклама сифатида бериб борилиб, уларни насияга ҳам берилиши, Левин Фотоцинко типолитографияси 1894 йилда ташкил этилгани ва унинг Янги Бухородаги уй телефони рақами 18 эканлиги доимий бериб борилган.

Албатта, XX аср Шарқ мусулмон дунёсининг уйғониши ва нашр ишларининг ривожини Бухоро амирлигини ҳам четлаб ўтмаганлигини эътироф

³⁰ Бобохонов А. Ҳ. “Асрдан ошган зиё масканлари” Т.: “Ўзбекистон” 2011. – Б. 118.

³¹ Ўша жойда. – Б. 17.

қилишимиз керак. Айрим амирлик тузумидан норози зиёлилар ҳам Шарқ мамлакатларига мухожирликка ўтиб, ўша ерлардаги матбааларда фаолият олиб борганлар. Отахон адиб Садриддин Айний ана шундайлардан бири ҳақида маълумот бериб: “Муттасим ... Бухоро музофотидан чикиб тўғри Туркияга жўнайди. У ерда бир матбаага мухаррир бўлиб хизматга кирибди. Муттасим забардаст олим бўлгани учун унинг таҳрири остидаги китоблар бошқа шарқ ўлкаларида ҳам шуҳрат топади ва Бухоро китобфурушлари ҳам у билан алоқа боғлайдилар. У ўз китобларига Бухоро китобфурушларининг рағбатини кўриб, баъзи китобларини Қозонга келтириб, Харитонов матбаасида бостирадиган бўлди. Чунки бу ердан уларни Бухорога юбориш осонроқ бўлар эди³²”.

Туркистон, Афғонистон, Туркия мамлакатларидан ташқари Эрон матбуоти ҳам назардан четда қолмаган. Бу ҳақида “Бухоройи шариф”нинг 15-март кунги сониди “Телеграф хабарлари” рукнидаги маълумотлар диққатга сазовордир. Жумладан бу хабарда: “Хабарларга кўра Эронда бирорта ҳам рўзнома нашр этилмайди. Ҳатто давлат рўзномалари ҳам ўз фаолиятини тўхтатди. Чунки ҳеч ким хохламайди” - деган маълумот учрайди.

Бухоро матбуоти ҳатто хориж матбуотларининг ёпилишини чуқур афсус билан ёритиб борганлигини кўриш мумкин. Чунки Эрон (Табриз)да 1904- 1905 йиллардаёқ чоп этилган “Ал-Ҳадид”, “Адолат” газеталари Бухорода кенг тарқалган эди. Жумладан “Ал-Ҳадид” (Темир) газетаси 2-сониди унинг ўқувчилари Русиянинг икки вилояти(Кавказ ва Ўрта Осиё – А.Р.)га ҳам тарқатилишини таъкидлайди. Ҳатто олис Шарқ мамлакати бўлган Хитой давлати ва у ердаги матбуот ҳақида маълумотлар келтирилиб, 911 йилда чоп этила бошланган ва 1361 йилдан ҳафтада бир марта, 1800-йилдан кундалик газетага айланган “Кинг пао” (“Марказий шаҳар билдириши”) газетасининг ёпилиши ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовордир. “Турон”нинг 9-сониди “1500 саналиқ ғазта” сарловҳали мақолада: “Қитойнинг раиси жумжурий “Юан Ши Қай”нинг амри илан мамлакатда 1500 санадан берли нашр қилиниб

³² Айний Садриддин “Асарлар” 8 томлик 6 – том – Т.: ЎзССР давлат адабиёт нашриёти; 1965, - Б. 69.

келатурғон қин ға нув деган машхур ғазта ёпилубдир” – дея келтирилган маълумотлар Бухоро матбуотчилигини жаҳон матбуоти ва унинг тақдири бефарқ қолдирмаганлигидан далолатдир.

Газеталарда Туркиянинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ жабҳаларга салмоқли ўрин ажратилган. Бу ҳолат аввало, Туркияда 1920-1924 йилларда кечган қизғин сиёсий жараёнлар ва миллий мустақиллик учун кураш авж олиши билан боғлиқдир. Иккинчидан, Мустафо Камолнинг Туркия миллий мустақиллиги йўлидаги кураши ҳамда у тузган «Муваққат Анқара ҳукумати»нинг БХСРни биринчи бўлиб сиёсий ва дипломатик жиҳатдан тан олиш билан характерланади. Туркия воқеалари ҳақида “Бухоро ахбори” газетасида «Шарқ дунёсида Туркия: Миллат мажлисига кимлар сайланди?», «Туркияда янги Америка ширкати», «Туркияда миллий мажлис очилди», «Туркия ҳукуматининг Шимолий Америка Жумҳуриятига мурожаати», «Туркия-Арманистон муносабатлари», «Истанбул бўшатилды», «Туркияга мутахассисларни жалб қилиш», «Туркия урушга қарор берган» каби хабар ва мақолалар мавжуд. Юқорида қайд этилган мақолаларда Туркия мамлакатидagi ички сиёсий жараёнлар ва бошқа давлатлар билан муносабатлар очиб берилган. Туркия озодлик учун кураш майдонига қатъий кирганлиги, бир қатор турк шаҳарларини мустамлакачилардан (Англия, Юнонистон) озод қилиш йўлидаги қаҳрамонона курашлар ўз аксини топган. «Бухоро ахбори» газетасининг «Шарқ дунёси» рукни остида босилган мақолада: «Туркияга ёрдам кўрсатмак ва шунинг билан турк халқига руҳ бермак Шарқ мамлакатларининг қарзидур» деган фикрларга алоҳида урғу берилган³³.

Газеталарда Мустафо Камол шахсияти ҳамда фаолияти билан боғлиқ кўпгина мақолалар чоп этилган. «Озод Бухоро» газетасининг 11-сони (1923 йил 13 ноябр) М. Камол қиёфасини ҳам акс эттирди. Камол пошонинг Туркия

³³ Зиё Усманий. Туркия ҳамда юнон муҳорабаси //Бухоро ахбори. 50-сон. 1921 йил 25 сентябр// Қаранг. Ш.Хаитов ва БХСР ва Шарқ мамлакатлари. Бухоро-2005.

мустақиллиги учун кураш йўлидаги сиёсий фаолияти, ҳарбий қўмондонлик маҳорати, Туркистонга муносабати юқоридаги мақолаларнинг бош мавзусидир. «Ҳозирда, - дейилади газетада, - Камол пошо турк халқи тарафидан эътироф этилгон бошлиқ ва Туркия халқининг қимматли раҳбаридур... Шуни ҳам айтмак керакдурким, асрлар бўйича бир-бирига катта душман бўлиб яшагон Русия-Туркия муносабатлари Камол пошо сиёсати соясинда ижобийдур»³⁴.

Бироқ газета мақолаларидаги Мустафо Камол шахси билан боғлиқ барча маълумотлар ҳақиқий эмас. Масалан, газета мақолаларидан бирида: «Камол пошо насл жиҳатидан бир майда ҳунарманднинг боласи бўлиб, ёши 52 теграсиндадур (атрофида)» - деб ёзилган маълумот мавжуд. Аслида мазкур мақола чоп этилган 1922 йилда М. Камол 41 ёшда бўлган, у савдогар оиласида туғилган. Демак, юқоридаги фикр ҳақиқатдан йироқдир.

Шунга қарамай, «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталари 1920-1924 йилларда Туркиянинг ички ва ташқи сиёсатини таҳлил қилишда, улурни материаллар билан бойитишда, Мустафо Камол шахси ва фаолияти қирраларини ўрганишда бой манба бўла олади.

Туркиянинг муносиб йўлбошчиси ва давлат раҳбари Мустафо Камол Отатурк шахсияти «Бухоро ахбори»да фаолият олиб борган ижодкор мухбирларнинг ҳам диққатини тортган. Газетанинг 1922 йил 19 октябридаги 103-сонида Мустафо Камол пошони олқишлаб «Минглар яша!» ғазали босилган. Мазкур ғазалнинг муаллифи Х.Олмош бўлиб, унинг ғазалидан:

«Эй, фидойи Камол пошо

Раҳбарисан мазлумларнинг

Нажоткори шарқлиларнинг

³⁴ Бухоро ахбори. 106-сон. 1922 йил 29 октябр Қаранг. Ш.Хаитов ва БХСР ва Шарқ мамлакатлари. Бухоро-2005.

Аскарингла минглар яша-минглар яша!»³⁵ каби сатрларни ўқиймиз.

«Бухоро ахбори» газетаси Туркия ва Бухоро ҳамкорлик, қардошлик алоқалари XX аср 20-йилларида ривожланганлиги, янги поғонага кўтарилганлиги ҳақида маълумот берувчи қимматли манбалардан биридир. У ҳақиқатдан ҳам «Шарқ дунёси ва Бухоро Республикаси» тарихий тадқиқот муаммосини келажакда ҳал қилиш манбаларидан бири бўла олади. Камол пошо шахсияти масаласига келсак, айти унинг ҳаётлигида туркий халқлар орасидаги ҳурмат-эҳтироми қандай бўлса, ҳозирда ҳам ундан баланддир.

Мустафо Камол бошчилигида турк халқи ғалабага эришди. Шарқ дунёсида биринчи бўлиб Туркияда республика тартиби ўрнатилди. Камолчилар таълимоти ўзини оқлади ва ҳақли суратда 1934 йилдан эътиборан турк халқи ўз йўлбошчисига Отатурк (Турклар отаси) унвонини берди.

XX аср буюк шахслари қаторидан Мустафо Камол номи мустаҳкам ўрин олди. Мустафо Камол Отатурк билан Бухоро Республикаси вакиллари учрашган тарихий санадан ҳам юз йилликнинг 4-чораги ўтиб бормоқда. Туркия халқи Отатурк номини абадийлаштириш учун унинг жасади қўйилган пойтахт Анқарада этнография музейини ташкил қилишган. Музейда Мустафо Камол Отатурк ҳаёт йўли ва фаолияти билан боғлиқ юзлаб асори-атиқалар, буюмлар, китоб ва нашрлар, ҳарбий кийим, қурол-яроғ кабилар қўйилган. Улар орасида бухороликлар томонидан Туркия раҳбарига ҳадя қилинган нишонлар ва буюмлар ҳам бор. Бу эса халқларимиз ўртасидаги синовдан ўтган мустаҳкам қавм-қариндошчилик, олтин сингари зангламас дўстона алоқаларнинг умрбоқийлигидан далолатдир.

Республикаимиз истиқлолга эришган дастлабки кунларда Мустафо Камол васиятига содиқ бўлган камолчиликнинг 6-босқичида ривожланиш йўлидан кетаётган Туркия ва унинг марҳум президенти Турғут Озал юртимиз

³⁵ Ўша манба.

келажагига ишонч билан қаради ва бизни 1991 йил 16 декабрда расмий жиҳатдан биринчи бўлиб тан олган давлат ҳам Туркия Республикаси бўлди.

Туркия Республикаси шаклланмаган, «Анкара ҳукумати» мавжуд бўлган йилларда бу юрт мустақил бўлишига ишонч билан қараган Бухоро ҳукумати кўрсатган қатъият ва ишончни салкам бир асрча вақт ўтганидан сўнг Туркия ҳам Ўзбекистон келажаги олдида масъуллигини англаши табиий эди.

Ҳозирда халқаро муносабатлар зиддиятли, мураккабликларга тўла, хуллас, қандай бўлишидан қатъий назар Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, мавқеи ва салоҳиятига эга бўлган мамлакатдир.

Турклар йўлбошчиси ва раҳнамози шахси билан боғлиқ масалага баҳо берганда эса президентимиз И.Каримовнинг «Мустафо Камол Отатурк нафақат қардош турк халқининг, балки барча туркий халқларнинг буюк фарзанди ва ифтихоридир», -деган фикрлари айтилиши ҳақиқатдир.

2-боб. Шарқ мамлакатларидаги миллий озодлик ҳаракатлари тарихшунослиги

2.1. Ҳиндистондаги миллий ҳаракатларнинг сабаблари, омиллари, характери ва муҳим воқеалари

20-йилларда Ҳиндистон тарихининг энг янги даври мустамлака масалалари, ишчи-халқ масалалари, агар масалалар билан шуғулланувчи мутахассислар томонидан ўрганилган Ҳиндистоннинг тарихи билан махсус равишда шуғулланувчи кадрларнинг етишиб чиқиши жараёни анча секин борди ва 30- йилларнинг охирларига келибгина бундай кадрлар пайдо бўлиш бошлади.

Ҳинд ишчилар синфи ва ишчилар ҳаракати масалалари тарихчиларнинг диққат маркази бўлди, чунки ҳинд халқининг сиёсий ва ижтимоий асоратдан қутулишида ҳал қилувчи ўйнамоқда эди.

Аввал бошда ишчилар синфи курашининг миллий ва синфий мақсадлари ўртасида нисбат масаласида бир қадар ноаниқлик мавжуд эди. Чунончи, В. Груко-Кряжин ишчилар иқтисодий талабларини миллий-озодлик ҳаракатининг «тор сиёсий мақсадларига» қарама-қарши қўйган³⁶. У ишчилар иш ташлашларининг «миллий намоишларга» айланиб бораётганлигини жуда маъқуллаб ёзган ва «ҳинд пролетариатининг (шубҳасиз, деҳқонларининг ҳам) ҳам ерларига ҳам ажнабий буржуазияга қарши синфий курашни» авж олдиришга чақирди. Бошқа муаллифлар Ҳинд ишчиларининг сиёсий курашга тез ўтганлигини таъкидлаб, буржуа миллатчи

³⁶ Эшқувватов О. Осиё ва Африка мамлакатлари энг янги тарих совет историографияси. –Тошкент. “Ўқитувчи”, 1985. –Б.138.

арбобларининг ишчилар ҳаракатига ижобий таъсир кўрсатганликларинигина қайд қилинган.
Ўтдилар.

Миллий буржуазиянинг миллий-озодлик ҳаракатидаги позициясига ва М. Ганди
ролига баҳо бериш билан боғланган масалалар анча мураккаб эди. Бу масалага ва, умматини
Ҳиндистондаги сиёсий проблемаларга тўғри баҳо бериш учун Британиянинг Ҳиндистон
ҳукмронлиги тарихини синчиклаб таҳлил қилиш зарур эди. Аввало шуни қайд қилиш зарур
ки, 20-йилларнинг бошида йирик миллий буржуазия билан инглиз буржуазияси ўртасида
кураш муқаррардир, деган мулоҳазалар бор эди.

Ганди таълимотида илгари сурилган «орқага», «олтин асрга» қайтиш шиорлари
беvosита қолоқ ҳинд халқ оммасининг орзу-умидларига боғлаб, гандизмни майда буржуа
косиблар, дўконлар, майда ижарачилар идеологияси деб, Гандининг ўзини эса «экстремист
йўлбошчиси» деб ҳисоблаганлар³⁷. Гандизмга бундай баҳо бериш унинг миллий озод
ҳаракатидаги муҳим ролини инкор этишга олиб келар эди. Айрим олимлар, Ганди 1922 й
мағлубиятга учраган, халқ оммаси ўртасида унинг ҳеч қандай таъсири қолмади,
ҳисоблаганлар. Ганди ўйиндан чиқди, «унинг куни тугади», - деб ёзилганди ўша пайтда чи
Е. Штейнбергнинг оммавий брошюрасида.

Гандини айнан қайси синфлар қўллаб-қувватлаётганлиги қанчалик ойдинлашган
тарихий адабиётида унинг фаолиятига баҳо бериш шунчалик қийинлашиб борди. Б. Сей
Ганди ўз таълимотида хонавайрон бўлаётган косиблар идеологиясини «акс эттирган», б
унинг тарафдорлари ўзларининг «амалий сиёсий фаолиятларида энг аввало раҳбар маҳа
синфлар билан чамбарчас боғланганлар» деб ёзганди. Шу тариқа, тадқиқотчилар тўғри йў
бориб, гандизмнинг синфий негизларини излаб топдилар.

Аммо ўша даврда иқтисодий масалаларда Англияни «деколонизация қилиш» назар
кенг тарқалган эди. Бу назариянинг тарафдорлари Биринчи жаҳон урушидан кейин Ан
Ҳиндистон саноатининг ривожланишини тўхтатиб туришдан воз кечди, деб ҳисобладилар.

Миллий буржуазиянинг якка реакцион куч эканлиги ҳақидаги назария деколониз
назарияси тарафдорларининг Британия капитализмининг прогрессив роли ҳақидаги фикри б
мое тушди. Баъзи тарихчилар ана шу нотўғри назарияга таяниб Ҳиндистон буржуазияси б
инглиз буржуазияси ўртасида зиддиятлар йўқ, миллий буржуазия тамомила реакцион куч

³⁷ Ўша жойда. . –Б.138.

деб фараз қилдилар. 1925 йилдаёқ Джангир Нагиев қуйидагича фикр билдирган эди: «Йўл буржуазиянинг миллий ҳаракатдаги ролини тугади, деб бўлмайди. Ҳозир у келишиб кўраётган бўлса-да, лекин, бари бир унинг билан инглиз буржуазияси ўртасидаги зиддият шунчалик кучлики, улар ўртасида кураш бўлиши муқаррар»³⁸.

Британиянинг Ҳиндистондаги ҳукмронлиги тўғрисида илмга зид бўлган концепциялар сурилиб, Ҳиндистонда Англия ўтказиб келган сиёсат ижобий роль ўйнади, инглизлар ҳаёқ ва ҳунармандчилигини емириш билан бир қаторда XIX асрнинг бошларида Ҳиндистонда феодализмни ҳам тор-мор келтирди, деб даъво қилди.

Ҳиндшунос И. М. Рейснер бу масалада Ройга ва унинг тарафдорларига илк қарши чиққан кишиларнинг бири бўлди. У «Ҳозирги Ҳиндистондаги курашнинг иқтисодий заминлари» сарлавҳали мақоласида Англиянинг Ҳиндистондаги ҳукмронлиги салбий таъсир ўтказган тўғрисидаги фикрни илгари сурди. Бу масала юқорида эслатиб ўтилган М. Павлович, В. Г. Кряжин, С. Вельтманларнинг «Ҳиндистон мустақиллик учун курашмоқда» китобида ҳам кўриб чиқилган. Муаллифлар Британиянинг Ҳиндистонда ўтказиб келган мустамлакачи сиёсатининг иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини батафсил таҳлил этганлар.

20-йилларнинг ўрталарида (1925 йилдан бошлаб) ҳинд ишчилар ҳаракатини ўрганиш мунтазам тусга кирди. В. В. Балабушевич, Л. Геллер, И. М. Рейснер ва Б. Сейгелларнинг 1934 йиллардаги мақолаларидан³⁹ ўша даврдаги ҳинд ишчилар ҳаракати тўғрисида анча маълумот олиш мумкин. Бу мақолалар фанни анча кўп фактик маълумотлар билан бойитди. Мақолаларда ишчиларнинг аҳволи ҳақида, жумладан, ишчилар синфини ёвузларча эксплуатация қилиш методлари, аҳолининг нисбий ортиқчалигининг роли, ишчиларнинг қишлоқ бўлақалари ва ҳоказолар ҳақида маълумотлар келтирилган. Уитли комиссияси ҳисоботи (1934) бўлган эълон қилингандан сўнггина бу масалаларни атрофлича тадқиқ қилиш имконияти туғилди. Масалан, Ф. Ганченко (тахаллуси С. Талина) 1932-1934 йилларда ишчилар аҳволи ҳақидаги мақолалар яратдики, бу мақолалар ўша вақтда бу соҳада олға қўйилган бир қадам эди. Сейгель бу комиссия материалларини анализ қилиб, Ҳиндистонда ишчи кучи иқтисодиётда колониал характерда эканлиги сабабли ўз қийматига кўра анча арзон баҳода сотилиши таъсирли ишботлади. Мақолада ишчилар ҳаракатининг уюшқоқлиги ҳам ўсганлиги кўрсатилади. А

³⁸ Ўша жойда. . –Б.139.

³⁹ Ўша жойда. . –Б.140.

юқорида эслатилган мақолалар асосан воқеалар билан изма-из яратилган бўлса-да, улар назарий масалалар жуда кам баён этиб берилган. Ҳали ишчилар ҳаракати даврларга бўлиниши эди ва шу сабабли ишчилар синфи кураши ривожининг биттагина илгарилаб борувчи йўли қилиб ўтилар эди. Бу ҳол уларнинг уюшқоқлик ва синфий онглилик даражасини беизобдор бўрттириб юборилишига олиб келарди. Шу билан бирга, бу мақолаларнинг ҳар бирида ҳодисаларни уларнинг оммавий миллий озодлик ҳаракатини авж олдиришда ўйнайдиган ролини қараб баҳолашга ҳаракат қилинган эди. Муаллифлар ҳинд ишчилар ҳаракатини ўрганишда кўпроқ эътибор берсаларда, ишчилар синфи аҳволини ўрганиш масаласига бир оз суҳбат қараганлар.

Аграр масала ва деҳқонлар масаласини ўрганишга ҳам катта эътибор берилди. М. Рой қарашларининг таъсири сабабли деҳқончиликнинг аҳволини ўрганиш соҳасида дарҳол таътиб йўл тутишга кириша олмадилар. Анча вақтгача Ҳиндистон қишлоқ хўжалигида бўлиб келган муносабатлари анча тараққий этган деган фикр устун бўлиб келди. Масалан, Ф. Дингельш Ҳиндистонда XX асрнинг 20-йилларида «натурал-феодал тузум барҳам топди», феодализмнинг эксплуатация аста-секин зўравонлик тусини олиб борди, деб ҳисоблаган. У феодализмнинг қолдиқларининг борлигини тан олиб мавжуд ишлаб чиқариш муносабатларини ижтимоий вакиллик қисмидан анализ қилиб бериш ўрнига ерга эга бўлиш усулига баҳо берди.

Ҳинд деҳқонининг қандай зўравонликдан жабр кўраётганлиги масаласи ўша вақтгача яна бир қатор асарларда мужмал ёритиб берилган. Чунончи, И. В. Рейснер ижара формаларини кўриб чиқар экан, уларнинг орқасида ишлаб чиқариш муносабатларининг турли кўринишларини яширинган бўлиши мумкинлигини таъкидлаб, формал юридик категорияларни эмас, балки ишчиларнинг моҳиятини кўриб чиқишга чақирди. Бироқ у турли хил оғир шартли ижара формаларини муҳтожлик орқали олинадиган ижара (И. М. Рейснер уларни феодал ёки ярим феодал ижара дейишдан қочади) билан капиталистик соҳибкорлик ўртасидаги алоқадорлик масаласини алоҳида қўйиб қўймаган. Шарқ мамлакатлари, шу жумладан Ҳиндистон қишлоқ хўжалигида «феодализмнинг қолдиқларининг ҳукмронлиги» ҳақидаги фикр тан олинди⁴⁰.

Инглизларнинг аграр масалада тутган сиёсати дастлаб ҳаддан зиёд тўғри баён этилган бўлиши эди. Империалистларнинг қишлоқ хўжалигининг ачинарли аҳволидан ташвишга тушиб,

⁴⁰ *Джангир Нагиев*. Индия под гнетом Англии. М.—Л., 1925, 50-бет //Қаранг. Эшқувватов О. Осиё ва Африка мамлакатлари энг янги тарих совет историографияси. —Тошкент. “Ўқитувчи”, 1985.

кайта куришнинг турли «лойиҳаларини» туза бошлаганликлари айрим тарихчи оли томонидан мустамлакачилар аграр муносабатларни ислоҳ қилишга ва капитализм тараққи учун кенг йўл очиб беришга жиддий аҳд қилдилар, деб тушунилади. Б. Сейгель инглизлар 20-йилларда олиб борган сиёсати қишлоқни «деҳқонлардан ҳоли қилишга» имкон туғдирди. Сиёсат судхўрларнинг зўравонлигига қарши қаратилган эди, мустамлакачилар х помешчиклар манфаатларини камситишга «тайёр» бўлганлар, деб ҳиооблаган⁴¹. Б. Сей бошқа бир мақоласида ўз фикрини янада аниқроқ баён этди: «Ҳинд деҳқончили капитализмнинг жорий этилиши бу ҳақиқий янги иқтисодий программанинг ўзаги бўл инглиз капитали буни амалга оширишни ўзининг ишончли вакили - инглиз - ҳинд ҳукум топширмакда». Л. Геллернинг фикрича эса, Лорд Ирвин Ҳиндистонда «аграр исл ўтказишни тайёрламакда эди.

Деҳқонларнинг баъзан конгрессчилар ҳаракатидан мустақил ҳолда чиқишлар, кон раҳбарларининг кўрсаткичларини бузиб, улар билан ҳамкорлик қилмаганликлари ҳолларни айрим совет тадқиқотчилари деҳқонларнинг буржуазия таъсир қутилаётганлигидан дарак берувчи ҳоллар деб ҳисоблаганлар. Р. А. Ульяновский «Ҳиндист мустамлака иқтисодининг кризиси» номли мақоласида: «деҳқонлар аллақачон пролетариата раҳбарлигида ер учун, мустамлака тузумини ағдариб ташлаш учун револю кураш олиб бормокда», «деҳқонлар пролетариат ўзларининг изчид ва бирдан-бир раҳ банлигини анча тезлик билан тушуниб етмокда», деб ёзди.

Олимлар узоқ вақт давом этган фикрлар кураши натижасида мустамлакачилар Ҳиндистондаги сиёсатини тўғри баҳолай бошладилар. Маълумки, иккинчи жаҳон уруши дав Англия мустамлака сиёсатида ҳақиқатда ҳам янги аломатлар пайдо бўлдики, бу алома Ҳиндистоннинг сиёсий ва иқтисодий тараққиётини тўхтатиб туриш мустамлакачилар борган сари қийинлашиб бораётганлигидан далолат беради. Бу аломатларга бирданига т баҳо бериш осон бўлмади. 20-йилларда шарқшунос Х. Эйдуз, Тивел кабилар жаҳон уруш кейин Англия ҳинд саноатига тўсқинлик қилишдан иборат анъанавий сиёсатидан воз кечд шу сабабли мамлакатни «индустрлаштириш» фавқулодда тез суръатларда боряпти, д эдилар¹. Л. Геллер ҳам худди шу нуқтаи назарда эди. У шундай ёзади: «Ан империализмининг янги сиёсати индустрлаштириш жараёнига раҳбарлик қилишдан иб

⁴¹ Ўша жойда. Б. 142.

бўлиб, бунда маҳаллий капитал асосий ролни, инглиз маблағи эса фақат ёрдамчи ролни ўйнайди»². М.Рафаил (Рафаилов)нинг мақолаларида Англиянинг вақтинча ён беришлари асосий бўлиб, бевосита ривожланишни сусайтиришга қаратилган тадбирлар эса Англия сиёсатида асосий бўладиган беқарорликдир³, деб тушунилган. Бу нуқтаи назарлардан кўриниб турибдики, асосий шарқшунослар Ҳиндистон аста-секин мустақиллашиб бормоқда, деб тан олишга уриниб бўлган эди, деса бўлади.

Шундай қилиб, «деколонизация» назарияси асоссиз назария сифатида рад этилгач, миллатларнинг буржуазия билан империализм ўртасидаги зиддиятлар бўшашиб бориши эмас, балки беқарорлик ва кескинлашиб бориши лозимлиги тарихчи олимлар учун очиқ-ойдин маълум бўлди. Миллатларнинг буржуазиянинг «сотқин» эканлигини асослаб беришга уринган етакчи шарқшунослар эндиликда бу масалага аниқлик киритиб турли изоҳлар бердилар. И. М. Рейснер маҳаллий ва индустриал капиталининг бирлашиб кетишини алоҳида таъкидлаб кўрсатиб, бу ҳол ҳинд буржуазиясининг империализм иттифоқчисига айланишига, сиёсий жиҳатдан бўш, беқарор бўлишига сабаб бўлиб қолди, деб изоҳлади. Худди шунингдек, автор улар ўртасидаги зиддиятлар чуқур илдизга эгадирлигини таъкидлади.

Р. А. Ульяновский эса мазкур масалани бошқача ечишга қарор қилди. У ҳинд буржуазияси «асосан заминдорлар ичидан» чиққан, афтидан унинг алоҳида реакцион эканлигига шубҳа бўлса керак, деган фикрни илгари сурди.

Олимлар асосий зарбани ҳинд буржуазиясининг мурасачилигига қаратиб, унда ҳеч қандай прогрессив нарса йўқ деб исботлай бошладилар. Чунончи Л. Геллер, Хуанпин, К. Рафаилов, А. Пронинлар ҳинд буржуазияси «империалистик ҳокимиятни ағдариб ташлашни мақсад қилмаслиқ у ёқда турсин, балки, аксинча, уни ишчи ва деҳқонлар тазйикидан сақлайди»⁴², деб қўйди. Ҳинд буржуазия ўзи келтириб чиқарган миллий ҳаракатни империализмнинг ёрдамсиз тўхтата олмайди, «ўз ҳиссасига» тушадиган фойдани ололмайди деб ёзганлар.

Ҳиндистон миллий конгресси ва унинг мустақилликни қўлга киритишда катта роль ўйнаган сўл гуруҳига баҳо беришда ҳам анча чалкаш фикрлар бор эди. И. Романов ва Валия (И. Романов) ларнинг мақолаларида миллий конгресс аслида Британия тарафдори, у

⁴² Б. Сейгель. Английские колонизаторы «лицом» к индийской деревне. «На аграрном фронте», 1926, № 10; яна унинг; Очерки аграрных отношений в Индии.—«Революционный Восток», 1928, № 3. //Қаранг. Эшқувватов О. Осий ва Африка мамлакатлари энг янги тарих совет историографияси. —Тошкент. «Ўқитувчи», 1985.

куазиянинггина эмас, балки империализмнинг ҳам ишчи ва деҳқонлар ҳаракати ичидаги ўси бўлиб у, оммани мустақиллик учун ҳақиқий кураш олиб боришида чалғитади ва унинг ёрлигини пасайтиради, деб баҳо берилган эди. Р. А. Ульяновскийнинг асарларида Ҳиндистон миллий конгрессининг миллий-озодлик ҳаракатидаги ҳар томонлама роли тафлиҳ таҳлил қилинган. Масалан, Р. А. Ульяновский бундай деб ёзган эди: «Ҳинд куазияси ва асосан Миллий конгресси тимсолида иш кўрган ўрта буржуазияси ҳамда кс радикал маҳаллий интеллигенция аслида биринчи ҳинд революциясининг идеологи ва ари эди».

Шундай қилиб, ҳинд миллий буржуазиясининг роли масаласи ўша вақтдаёқ тўғри очилган эди. 30-йилларда Ганди ва унинг таълимотига бағишлаб жуда кўп асарлар ирилган. Гандининг фаолияти ва гандизмнинг моҳияти тўғрисидаги масалада ҳам мунозаралар бўлди. Аммо умуман олганда бу мунозаралар фанда партиявийлик принципини р топтиришга ва шарқшуносликни ривожлантиришга кўмаклашди. Р. А. Ульяновскийнинг и Гандининг фаолиятини ва гандизмнинг моҳиятини ёритишда муҳим роль ўйнади. ининг роли ва гандизм тўғрисида ўша даврда ҳукмрон бўлган қарашларни қувватлаган иновский курашнинг гандича методлари муайян даражада фойда келтирганлигини рад йди.

Ҳиндистон тарихини ўрганиш соҳасида энг муҳим ютуқларга эришилди. Худди шу да Ҳиндистон тарихини ягона жараён сифатида яратиш учун Ҳиндистон тарихи илмий да аниқ даврлаштирилди.

Ҳиндистон тарихий тараққиётининг яхлит жараёнини яратиш йўлидаги уриниш тадқиқот арининг барча соҳаларига ижобий таъсир кўрсатди. Фактик материаллар ва тажрибанинг б бориши билан бирга, илмий-тадқиқот методикаси соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга тилди. Аста-секин асарлар баёний тарзда эмас, балки монография тарзида яратила панди.

Ҳиндшуносларнинг асарларида Ҳиндистонда миллий-озодлик ҳаракатини каби (В. В. бушевич, Л. А. Гордон, Т. Ф. Девяткина, М. Н. Егорова, П. В. Куцобин, И. Ҳошимов, Л. В. ошникова ва ҳоказо), деҳқонлар ҳаракати (Р. П. Гурвич, Г. Г. Котовский, М. А. Максимов, М. Мельников, Л. Р. Полонская, В. Г. Растяников, И. М. Рейснер, Р. А. Ульяновский ва зо), Ҳиндистон миллий буржуазиясининг позицияси каби (В.В. Балабушевич, Т. Ф. Дев-

на, Э. Н. Комаров, В. И. Павлов, Р. Л. Полянская, И. М. Рейснер, Л. И. Рейснер, Б. Сейгель, . Ульяновский, А. И. Чичеров, Г. К. Широков ва ҳоказо), империализмга қарши оммавий катнинг юксалиши, иқтисодий тарих ва шулар сингари муҳим жиҳатлари ўз ифодасини и.

Бу даврда Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати, мустақил республиканинг тинчлик ва халқлар сидаги ҳамкорлик учун кураши масалаларига бағишланган асарлар ҳам чиқарилди. Бу лемаларга бағишланган асарлар орасида А. Дьяковнинг «Ҳиндистон Республикаси» (М.,), А. А. Прониннинг «Мустақил Ҳиндистон» (М., 1959), И. Предьконинг «Ҳиндистон Рес- икаси» (Тошкент, 1956), В. А. Масляниковнинг «Ҳиндистон мустақил тараққиёт йўлида» (1962), И. Князевнинг «Мустақил Ҳиндистонга 15 йил» (М., 1962), П. В. Куцобиннинг ирги Ҳиндистон. Синфий ва сиёсий кучларнинг жойлашиши» (М., 1963), У. Рустамовнинг индистон республикаси» (Тошкент, «Ўзбекистан», 1965), Д. Мухамедова, А. Қосимов, М. иналарнинг «Ҳиндистоннинг колониализмга қарши, тинчлик ва халқлар ўртасидаги орлик учун кураши (1947- 1967)» (Тошкент, 1967), Т. Г. Гиёсовнинг бир нечта лаларини⁴³, Г. А. Ҳидоятлов ва С. М. Божконинг «АҚШ дипломатияси ва 1971 йил брида Ҳиндистонда кризисли вазият», (Т., 1976) монографияларини ва бошқа мақолаларни атиб ўтиш керак.

Шуниси қувончлики, 70-йилларга келиб Ҳиндистон бўйича мутахассислар Ҳиндистон қдиётининг кўпгина асосларини ўз ичига олган умумлаштирувчи асарлар тайёрлаш фаларини ҳал этиш учун шай турган эдилар. Ҳиндистоннинг энг янги тарихи маммоларини т тарзда таҳлил этувчи ва умумлаштирувчи асарлар орасида «Ҳиндистон (тарихи, соди) идеология, миллий масала» (М., «Наука», 1963), «Ҳиндистоннинг иқтисодий тарихи клари» (Мақолалар тўплами. М., 1958), Л. Б. Алаевнинг «Мен Ҳиндистонни шундай им» (М., «Наука», 1971), «Ҳиндистон» (Тошкент, «Фан», 1973), «Ҳиндистоннинг содий ва социал тарихи очерклари» (М., «Наука», 1973), Н. Я. Кузнецовнинг «Ҳиндистонда таълимнинг баъзи проблемалари тўғрисида» (М., 1971); «Ҳиндистоннинг ҳозирги даври арихи» (М., «Наука», 1974), «Ҳиндистоннинг тарихий очерклари» (Тошкент, «Фан», 1977), М. Ивановнинг «Антикоммунизм ва Антидемократизм - ҳозирги Ҳиндистон реакцион арининг идеологияси» («Общественные науки в Узбекистане», 1977, № 2), П. В.

жойда. -Б. 148.

обиннинг «Ҳозирги Ҳиндистон: ютуқлар, проблемалар, истиқболлар» (М., «Знание», 1977), А. Антонова, Г. М. Бонград-Левин, Г. Г. Котовскийларнинг «Ҳиндистон тарихи» (М., «Советская мысль», 1979); «Ҳиндистон: иқтисодий ва социал-сиёсий тараққиёти» (М., «Наука», 1978), «Ҳиндистон иқтисодиёти: умумий характеристика» (М., «Наука», 1980), «Ҳиндистон иқтисодиёти: тармоқ анализи» (М., «Наука», 1980), «Ҳиндистон: миллий-озодлик ҳаракати ва сиёсий ривожланиш проблемалари» (М., «Наука», 1980), В. Н. Георгиевнинг «Ҳиндистон сиёсати-Осиёда хавфсизлик ва тинчлик учун курашда муҳим фактордир» (М., «Наука», 1980), «Проблемы Дальнего Востока», 1983, № 2) деган асарларни кўрсатиб ўтиш керак. Бу асарларда Ҳиндистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тарихи, унинг Осиёда тинчлик зонасини вужудга келтиришдаги роли, ҳозирги идеологик вазият, унинг манбалари таҳлил этилади.

Юқорида эслатилган асарларда кўпчилик Шарқ мамлакатлари тажрибасида исботланган капитализмнинг умумий кризиси даврида капитализм нисбатан кучли тараққий этган мустамлакатлар пролетариата миллий-озодлик ҳаракатига гегемонлик қилиши мумкин деган фикр янада ривожлантирилган. Худди шунингдек, Ҳиндистон миллий буржуазияси миллий-озодлик ҳаракати жараёнида ўз синфий мақсадларини кўзлаб иш кўриши, Ҳиндистон миллий конгресси дастурида ва унинг раҳбарларининг чиқишларида иккиланиш ва таъассуфчиликда бўлганлиги каби масалаларга аниқликлар киритилган.

2.2. Эрон миллий озодлик ҳаракатлари тарихшунослиги

20-йилларда ва қисман 30-йилларда Эроннинг ҳозирги аҳволи тўғрисида маълумот бериш давом этди, хабар, маълумот берадиган адабиёт чоп этилди, Эрон матбуотидан маълумот мавзуга доир материаллар тўпланди ва ҳоказо.

Эроншунос тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборлари аввало, 1918- 1922 йиллар мамлакатда миллий озодлик ҳаракати, 1921 йилги давлат тўнтарилишнинг моҳияти ва Ризошоҳнинг миллий тўғрисидаги масалаларни ўрганишга бағишланган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Эрондаги бир нечта инқилобий оқимлар ҳинд йўналишидаги буржуа миллатчилиги ҳам, Ўрта Осиёдан келаётган мусулмонларнинг маданий бирлиги ва миллий бирлаштириш учун ҳамда мамлакатия ва Ғарб мамлакатларидан келаётган социалистик ҳаракатлар миллий озодлик ҳаракатига қўшилиб кетиши керак эди, деб қайд қилади. К. Трояновский Эронда бошланиб кетган инқилобий курашдан келиб чиқиб «Эрондаги қўзғолон - умумий Шарқ революциясининг калити бўлиши мумкин», - деган хулоса чиқарди. Муаллиф Эрон - бу революциянинг «Сувайш қаноти»⁴⁴ дейиш билан 20- йилларда кўпгина мамлакатларга хос бўлган Эрондаги инқилобий ҳаракатни бўрттириб кўрсатишга уринган.

В. Осетров мустақил гегемон синф буржуазия шаклланмаган шароитда Эрон инқилобининг антифеодал ва антиимпериалистик йўналишни аниқлаб - бу курашлар ўзига хос инқилобий ҳаракатларга ҳам эгадир, - деб қайд қилади. Муаллиф бу миллий-озодлик ҳаракатининг шаклланмаганлигига фактор сифатида қараб «Эрон революцияси», «Конституцион ҳаракат» деб атаётган. Бу терминлар қўллайди, аммо у «Эронда умуман миллий-озодлик ҳаракати бўлгани йук» деган фикрни олға суради. Бу мақолаларда Эронда, умуман Шарқда миллий озодлик ҳаракати шаклланиши истиқболлари, миллий мустамлака масалалари ҳал этилишнинг истиқболлари⁴⁵ таҳлилланади ва бу даврга келиб сусая бошлаган, Ғилондаги, Эрон Озарбайжонидаги, Эрондаги миллий-озодлик ҳаракатига баҳо беришга уринилган.

¹ К. Трояновский. Восток и революция. Попытка построения новой политической программы для туземных стран Востока — Индии, Персии Китая. Мс, 1918, с. 47. //Қаранг. Эшқувватов О. Осиё ва Африка мамлакатлари энг янги тарих совет историографияси. —Тошкент. “Ўқитувчи”, 1985.

⁴⁵ П. Китайгородский. Октябрь и Ближний Восток.— Журн. «За партию», 1927, № 3; Г. Войтинский. Октябрьская революция и колониальные и полуколониальные народы.—«Новый Восток», кн. 6, 1924; А. Е. Ходоров. Октябрь и Восток;—Журн), («Торговля России с Востоком», 1927, № 7. //Қаранг. Эшқувватов О. Осиё ва Африка мамлакатлари энг янги тарих совет историографияси. —Тошкент. “Ўқитувчи”, 1985.

Эронда аграр масала, ишчилар синфининг аҳволи, миллий озодлик ҳаракати, чет элликларнинг Эрондаги сиёсати ва бошқа масалалар бўйича жиддий аналитик асарлар яратилишига илк бор ҳаракат қилинди. Айниқса, 20-йилларда матбуотда 1925 йилги тўнтаришнинг ижтимоий моҳияти тўғрисида мунозара авж олган вақтда кўп асар ёзилди¹. Мунозара аслида Эроннинг бундан буёнги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўли хусусида борарди. Бундан ташқари 20-йилларда ўша даврдаги воқеалар шарқшунослари томонидан умуман тўғри қаралганига қарамай, кўп масалалар текширилмай қолаётган эди. Юқорида айтиб ўтилган йилларда Эроннинг XX аср биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳолатига тўла характеристика берилади. Англия империализмининг сиёсати ва стратегияси, Эроннинг мустақиллик учун кураши, меҳнаткашлар оммасининг - биринчи навбатда ишчиларнинг аҳволи, 1921 - 1925 йилларда кескинлашиб кетган сиёсий вазият батафсил баён қилинади. Муаллифлар Эрон жамиятининг синфий ва ижтимоий структураси, миллий озодлик ҳаракатининг авж олиб кетиши - Кажарлар династиясининг ағдарилиши Пахлавий династиясининг ўрнатилишига олиб келди, деб таъкидлайдилар. М. П. Павлович, В. А. Гурков, С. Ирандуст (В. Осетров), С. Иранский, И. Висанов, А. Червонный, Ф. Раскольниковлар Эрондаги 1917-1921 йиллардаги антифеодал ва антиимпериалистик синфий кураш ва инқилобий ҳаракатларни, миллий озодлик ҳаракатининг кескинлашувини характерлаб Ғилондаги, Ҳусондаги ва Эрон Озарбайжонидаги миллий-озодлик ҳаракатлар мамлакатдаги феодализмни тугатиш йўлидаги энг муҳим ижтимоий сиёсий воқеалар эди,- деб кўрсатадилар. В. А. Гурковнинг кўпгина мақолаларида Эрон деҳқонлари синф сифатида ўз манфаатларини ҳимоя қилишга ва сиёсий курашга мустақил куч сифатида чиқа олишга қобилиятсиз эди,- деган тезис қўйиб берилади.

XX аср бошида ўрта аср ҳунармандчилиги (бирлашмаси ичида пайдо бўлаётган цехчилик) характеридаги ғоядан қутула олмаган ва сиёсий ҳаётдаги маълум ролига қарамай, улар ҳали «контр-буржуазия ҳамроҳлари» сифатида мустақил чиқишларга тайёр эмас эди, дейди. Аммо, муаллифнинг бундай баҳолари, ҳеч вақт Эрон тарихий тараққиётида халқ оммаси

катларининг аҳамиятини камситмайди, у бу ердаги деҳқонлар ҳаракати истикболларини а кўтаринки руҳда баҳолайди⁴⁶.

Умуман В. Осетров эроншунослик энди оёкқа тураётган вақтларда Эронга чет элчиларини ва мамлакат хўжалигининг жаҳон бозори орбитасига тортилиши шароитида феодализм ва феодализм муносабатларининг устунлиги ва унинг узоқ сақланиб қолганлиги тўғрисидаги фикрларни назарни олға сурди. В. Осетровнинг Эрон феодаллари позицияси (савдо деҳқончилиги ва феодализм кўринишда эди) ва буржуазиянинг, энг аввало савдо буржуазиясининг қўлини олиниши, мамлакатнинг асосий синфлари-деҳқонлар аҳволи, пролетариатнинг пайдо бўлиши масалалари тўғрисидаги илмий меросини ўрганиш ҳозирги эроншуносликда катта ҳисса қилинган.

Бу йилларда Эроннинг иқтисодини ўрганишда ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Асосий ҳисса қилинган Эрон иқтисоди бўйича ёзилган асарлар орасида Л. Ф. Тиграновнинг «Эрондаги иқтисодий муносабатларга доир» (П. 1909) номли ажойиб асари ажралиб турса-да, ҳозирги замон Эрон иқтисодини ёритувчи жуда кўплаб қимматли изланишлар ва публицистик асарлар нашр қилинди. Ташқи савдо йўналиши изланиши билан Эрон иқтисодига доир кўплаб монографиялар ёзилди.

Н. И. Бобинанинг «Эрон, унинг иқтисодий аҳволи ва ташқи савдоси (1909-1923 йй.)» (М., 1928) асари жуда катта қизиқиш туғдиради, унда муаллиф Эроннинг ташқи товар айланмасини таҳлил қилади ва унинг баъзи истикболларини белгилайди. А. С. Свентицкийнинг «Эрон. Иқтисоди ва ташқи савдоси очерклари» (М., 1925), Н. Карповнинг «Ҳозирги замон Эроннинг иқтисоди» (М., 1928), Осетровнинг «Эроннинг ташқи савдоси» (М., 1931) ва бошқаларнинг асарлари ҳам худди шу мавзуга бағишланган.

Муаллифлар чет давлатларнинг Биринчи жаҳон урушидан кейинги, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларидаги ва урушдан кейинги йиллардаги Эрондаги сиёсатини ўрганишда, мамлакатнинг муаммоларини таҳлил қилишда ва уларни ҳал қилишда улар ўзларининг мустамлакачилик сиёсатини сақлаб қолиш учун зўр бериб ҳаракат қилишларини очиқ ташлайдилар. Улар ҳийла-маҳири билан, экспансиянинг янги шакл ва усулларини қидириб топишга, чунончи, иқтисодий ва

⁴⁶ Ирандуст. Пути и этапы крестьянского движения в Персии.—«За партию», 1972, № 1, 51—56-бетлар. //Қаранг. Эшқувватов О. Осиё ва Африка мамлакатлари энг янги тарих совет историографияси. —Тошкент. “Ўқитувчи”, 1985.

ий «ёрдам» беришга, ривожланмаган мамлакатларни ҳарбий блокларга ва икки ёқлама фокларга жалб қилишга мажбур бўлмоқдалар, деб қайд қиладилар. Қисқаси, Шарқ мамлакатларидаги янги мустамлакачиликнинг янги усуллари фаш қилиш ушбу асарларнинг асосий мақсадидир. Л. И. Мирошниковнинг «Англиянинг Эрондаги экспансияси» китобида билан Эроннинг ўша даврдаги ташқи сиёсати ёритилган. Муаллиф Британиянинг 1914-1920 йилларда Эронда юргизган сиёсати сотқин сиёсат эканлигини кўрсатиб, Эрон томонидан эълон қилинган бетарафлик сиёсатига қарамай, унинг ҳудудини босиб олган инглизларнинг хатти-ҳаракатини қадам-бақадам очиб беради. Инглизларнинг Эронни асоратга солиши, қурол қўлида босиб олиш, ҳукуматни ва шохни ўз таъсирига бўйсундириш, мамлакат иқтисодиётидаги асосий соҳаларни ўз қўлига олиш (Шоханшоҳ банкининг ва Англия-форс нефть компаниясининг фаолиятини эслатиб ўтиш кифоя қилса керак) шаклларида давом этди. Л. И. Мирошников асарининг Британия Эрон ҳудудидан Россияга қарши уюштирган интервенцияси ҳақида гап борган қисмлари айниқса қизиқарлидир⁴⁷.

Б. Абдураззоқовнинг китобида Англия ва АҚШ иккинчи жаҳон уруши йилларида ва ундан кейинги дастлабки икки йилда Эронда юргизган сиёсати қараб чиқилади: молия сиёсатини ўз на-зорати остига олишга (Артур Мильспо миссияси), Эрон нефтини ўз қўлига олишга (Англия билан АҚШ ўртасидаги рақобат) уриниш, Эроннинг ички ишларига таъсир қилиш (БМТнинг Хавфсизлик Кенгашида Эрон масаласининг муҳокама қилиниши), империалистлардан мадад олаётган ички реакциянинг Эрон демократик кучларига қарши курашга ўтиши, Л. И. Мельников ва А. З. Арабажян Америка империализмининг Эрондаги иқтисодий экспансиясини (тараққиёт планларини тузишда АҚШнинг иштирок этиши, Трумэн президенти унинг «4-моддаси» фаолияти, «текин ёрдам» ва қарзлар халқаро нефть консорциумининг ташкил қилиниши, АҚШнинг техникавий ёрдами, хусусий Америка капиталининг бевосита ишга солиниши) таҳлил қилиб, АҚШ Эронда юргизаётган иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий-сиёсий стратегик мақсадларини тўғрисида айрим хулосалар чиқарадилар.

⁴⁷ //Қаранг. Эшқувватов О. Осиё ва Африка мамлакатлари энг янги тарих совет историографияси. –Тошкент. “Ўқитувчи”, 1985. –Б.172.

III боб. Туркистон минтақасидаги миллий матбуот истиқлол учун кураш йўлида

3.1. Туркистон минтақасидаги миллий матбуотнинг озодлик ва маданий ривожланиш масалаларининг талқини

Туркистон чор Россияси томонидан забт этилганидан сўнг унинг колонияга айлантирилиши, Бухоро амирлиги ва Хива хоплигининг вассал даражасига тушиши мажаллий халкнинг моддий ва маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатди. Туркистон ўлкасининг тубжой аҳолиси Россиянинг йирик шаҳарлари ва саноат марказларига хомашё: пахта, пилла, қорақўл, мева ва сабзовот, полиз маҳсулотлари етказиб бериши учун кулларча меҳнат қилишга мажбур эдилар. Иккинчи томондан, миллий зулм маҳаллий аҳолининг рухий-маънавий ҳолатини маҳв этмокда, мустабидларнинг маҳаллий миллат вакиллари камситиши, инсоний шаънини ерга уриши, ҳақорат қилиши ва руҳан эзиши, айниқса, ёшларда ички норозилик хиссининг жунбишга келишига замин ҳозирламокда эди. Бу эса маҳаллий аҳолининг муайян катламида «Нега биз мустаиллигимизни йўкотдик? Нима сабабдан биз мустабидлик занжирига тушиб қолдик? Мустабидлик занжирларидан қутулиб, мустақилликнинг наъъасини тотининг иложи топиладими? Бунинг учун нималар қилиш керак?» деган катор ортиқча саволларга жавоб излаш ҳаракатини юзага келтирди. Бу катлам пировардида халкни орқасидан эргаштирган ҳолда миллий-озодлик курашига отланиши зарурлигини яхши тушуниб етмокда эди⁴⁸. Эрк ва озодлик ҳаракатининг етакчилари бўлишни истаган маҳаллий зиёлилар англаб етидиларки, Россиядек қучли ва маккор салтанатга ибтидоий қурооллар билан қарши чиқиш беҳуда. Мустақилликка эришиш учун мустамлақачилик

⁴⁸ Рахмонов К. Туркистонда матбуот тарихининг долзарб муаммолари (1870-1924 йиллар). Ўқув қўлланма. - Бухоро, 2015й. –Б.24

асоратига тушиб қолганликларининг сабабларини ҳар томонлама таҳлил этиб, аввало, мамлакатни шу ҳолга келтирган иллатларнинг томирини йўқ қилиб ташлаш лозим. Туркистон халкларининг мустабидлик исканжасига тушиб қолганликларининг асосий сабаблари — бу ўлкада ҳукм сураётган жаҳолат, ижтимоий тараққиётда Европа давлатларига нисбатан бир неча асрлар масофада орқада қолиб кетиш, феодал тарқоклик, ўлка халклари орасида ҳамжиҳатликнинг йўқлиги эди. Шу боис, энг аввало, маҳаллий аҳолини маърифатли қилиш, жаҳолат ботқоғидан олиб чиқиш, унинг миллий онгини ошириб, унга ўзлигини, ўз аҳолини аңлатиш лозим эди. Бу тарихий вазифа «жадидлар» деб аталган сиёсий оқим вакиллари зиммасига тушди. Жадидлар ижтимоий келиб чиқишларига кўра, турли тоифаларга мансуб бўлиб, уларни ягона ғоя — миллий истиқлол ғояси бирлаштирган эди. Бу йўлда маориф сингари матбуотнинг ҳам хизмати катта бўлиши табиийлигини улар яхши тушунишган. Мана шу эҳтиёж, талаб Туркистонда миллий матбуот юзага келишининг ижтимоий омили бўлди⁴⁹.

Туркистондаги маҳаллий аҳоли вакиллари матбуотнинг қанчалик қудратли кучга эга бўлишини муайян даражада тасаввур қилардилар. Зотан, улар Бокчасаройда 1883 йилдан буён чикаётган «Таржумон» газетасини, Волга бўйида нашр қилина бошлаган татар ва бошқирд тилларидаги газеталарни, умуман олганда, хорижда (Туркия, Эрон, Хиндистон ва Миср) чоп этилаётган туркча ва форсча газеталарни ўқишиб, «кўзлари очилаётган», онгида ўзгаришлар содир бўлаётганди.

XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон минтақасида миллий истиқлол учун кураш, демократик тартибларни ўрнатиш, халқни жаҳолат, илмсизлик ва хурофотдан қутқозиш мақсадида жадидлар кенг фаолият олиб бордилар. Бундай хайрли мақсадга эришиш йўлида матбуот қудратли куч эканлигини тўғри аңлаганлар. Бу йўналишда Туркистон минтақасидаги жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндалари Маҳмудхўжа Бехбудий,

⁴⁹ Ўша жойда. —Б.26.

Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла Хўжаев кабилар маҳаллий матбуотни шакллантиришда муҳим рол ўйнадилар. Минтақадаги миллий даврий нашрлар ташкил қилинишига қрим-татар миллати вакили Исмоилбей Гаспирали (Гаспиринский)нинг (1851-1914) 1883-1914 йилларда чоп этган “Таржумон” газетаси, Туркияда чоп этилиб яширин равишда юртимизда тарқатилган “Сиротул мустақим” (“Тўғри йўл”), Афғонистонда 1909-1919 йилларда чиқиб турган “Сирожул ахбор афғония” (“Афғон хабарлари ёритгичи”) каби газеталарнинг таъсири катта бўлди. Бундан ташқари Ҳиндистон ва Мисрда чоп этилган матбуот органлари ҳам XX аср бошларида Бухорога кириб келди. Жумладан, Ҳиндистондан форс тилида нашр этиладиган “Ҳабл-ул-матн”, Мисрдан “Чеҳранома” каби журналлар келиб турарди⁵⁰. Тадқиқот ва изланишлар шуни кўрсатдики, Эрондан “Адолат” ва “Ал-ҳадид” (“Темир”) газеталари ҳам Бухорога келиб турган⁵¹. Юқоридаги қайд этилган газета ва журналлар орқали Бухоро зиёлилари дунё воқеалари, Биринчи жаҳон уруши майдонларидаги ҳарбий ҳаракатлар, дунё иқтисодиёти, фани, техникаси соҳаларида рўй берган янгиликлар ҳақида хабардор бўлиб, ўзлари яшаб турган ўлканинг тараққиётдан ортда қолганлигига ишонч ҳосил қилдилар. Бухорода монархия тузумини танқид остига олган жадинларнинг вакилларида бири Садриддин Айний (1878-1954) “Таржумон” газетасини ўқиб, “парламент” сўзининг моҳиятини англаганлигини қайд этади⁵².

XX аср бошларида Туркистонда чинакам маҳаллий матбуотнинг юзага келишида 1906 йил Исмоил Обидов муҳаррирлигида “Тараққий” газетасининг чоп этилиши муҳим рол ўйнайди. Россия империяси маҳаллий маъмурларининг

⁵⁰ Рашидов У., Рашидова Л. Бухоро амирлигида жадинчилик ҳаракати ва унинг шаклланиш омиллари /Из истории культурного наследия Бухары. (10 выпуск). -Бухара: Бухара, 2006. -С. 81.

⁵¹ Ҳозирда “Адолат” газетасининг 4 та сони, “Ал-ҳадид” газетасининг 8 та сони Бухоро давлат меъморий-бадий музей-кўриқхонасининг Камолиддин Бехзод номидаги санъат музейи кутубхонасида сақланмоқда.

⁵² Эргашев Б.Х. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. -Т.: Фан, 1990. -С.22.

қатъий цензурасига қарамай, “Хуршид” (1906), “Шухрат” (1907), “Осиё” (1908) каби матбуот органлари нашр қилинди⁵³.

Н.Абдуазизованинг таъкидича, миллий матбуот ривожланиш жараёнининг иккинчи босқичи 1912-1915 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда “Самарқанд”, “Ойина” (1913), “Садои Туркистон” (1914-1915), “Садои Фарғона” (1914) каби матбуот органлари ўз йўлидаги жиддий тўсиқ ва ғовларга қарамай, миллий онг, миллий тил, миллий адабиёт ва журналистикани шаклланишида муҳим рол ўйнади⁵⁴.

Тарихий жараёнлар кескинлашган 1917 йилда ижтимоий-сиёсий фаоллик ва миллий бирликни таъминлаш мақсадида ўнлаб газета ва журналлар ўз фаолиятини юритди. Ушбу йилда нашр этилган “Нажот”, “Турк эли”, “Турон”, “Улуғ Туркистон”, “Хуррият”, “Эл байроғи” газеталари, “Юрт”, “Чаён” журналлари кабиларни қайд қилиш мумкин⁵⁵.

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Россия империяси мустамлакаси ва ярим мустамлакаси остида яшаб келаётган Туркистон минтақасида миллий уйғониш, ўзликни англаш, озодликка интилиш мотивлари кучайиб, тараққийпарварлик ҳаракати кенг қулоқ ёйди. Бу эса жадинчилик ҳаракатининг вужудга келиши билан сиёсий тус олганлиги тарихдан бизга маълум.

Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида бошланган тараққийпарварлик ҳаракати иштирокчиларининг ижтимоий таркиби хилма-хил бўлиб, улар орасида илғор фикрли зиёлилар, ҳукумат аъзолари, йирик савдогар ва тадбиркорлар, бой-бадавлат кишилар бирлашган эди.

Тараққийпарварлар минтақага илғор технологияни жалб қилиш, маҳаллий хом ашё асосида фаолият кўрсатадиган завод ва фабрикаларга асос солиш,

⁵³ Очилов Н. Даврий матбуот //Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Ж.12. -Т.: ЎзМЭ нашриёти. 2006. -Б.227.

⁵⁴ Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917). Тузувчи Н.Абдуазизова. -Т.: Академия. 2000. -Б. 6.

⁵⁵ Мингноров А. Вопросы национально-освободительного движения в национальной периодике (феврал 1917-середина 1918 гг.): Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. -Т., 2001. -С. 20.

ёшларни хорижга замонавий билимларни эгаллаш мақсадида ўқишга юбориш, пахта монокультурасига чек қўйиш, дончилик, сабзавотчилик, боғдорчилик соҳаларига эътибор қаратиш, хусусий, миллий банкларга асос солиш, эркин савдо қилишга рухсат бериш, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесга йўл очиш каби талабларни илгари сурдилар. Туркистон тараққийпарварлари ўз орзу-умидларини рўёбга чиқиши учун моддий асос зарурлигини чуқур англаб эдилар. Шу сабабли тадбиркорлик соҳасида ўзлари шахсий намуна кўрсатдилар. Ўрта Осиёликларнинг биринчи муфтийси Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919 йй.) Туркия ва Миср каби мамлакатларни саёҳат қилар экан, ўзининг хотира дафтарига бу давлатлардаги иқтисодий ўзгаришларни, тадбиркорлик омилкорлиги, савдогарлик касбига оид ютуқларни батафсил ёзиб борган.

У Самарқандда “Нашриёти Бехбудия” номли шахсий типографиясига асос солди. Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Наманган, Тошкент, Андижон шаҳарларида китоб магазинлари очди. Ушбу магазинларда Истанбул, Байрут, Қозон, Бокчасарой, Оренбург, Петербург, Миср, Эрон, Ироқ, Ҳиндистон, Афғонистонда чоп этилган, савдо илмидан зиёлиларга бой маълумот берувчи китоблар сотилган.⁵⁶

Шунингдек, тараққийпарварлардан Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Тошхўжа Тўёқбоев, Низом Қори Мулла Ҳасанов, Абдулла Авлоний Асадулла Хўжаевлар томонидан Тошкентда “Умид” номли китоб-типография савдо нашриётига асос солинди. Ногиронларни ва маорифчиларни ҳимоя қилиш ва моддий ёрдам учун “Кўмак” жамияти тузилганлиги бу ташкилот фаолияти диққатга сазовордир. Ушбу жамиятни тузганлар “Халқ учун энг фойдали киши

⁵⁶ Алимова Д.А., Рашидова Д.А. Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури. –Т.: Академия, 1999. –Б. 13. Турсунов Р.Н. Воззрения национальных прогрессистов на социально-экономические процессы в Туркестане в начале XX века. Авт. на соиск. учен. степ. канд. ист. наук..... Тошкент – 2008. –С. 19.

миллатнинг мулки ва бойлигини асраб қола олади ва уни кўпайтиришга хизмат қиладиганлардир”⁵⁷ – дейишган.

Россия империяси пойтахтида демократик инқилоб ғалаба қозонди, бу инқилобни бутун мамлакат кўллаб қувватлади. 2 мартда ишчи ва солдат депутатлари Петроград Советининг буржуа партиялари ва ташкилотлари вакилларида иборат бўлган «Прогрессивный блок» номи билан бирлашган Давлат думаси Муваққат кўмитаси билан келишув асосида Россияда Муваққат ҳукумат тузилди.⁵⁸ Россияда қўшҳокимият – икки диктатура: Муваққат ҳукумат сиймосида пролетариат ва деҳқонларнинг инқилобий-демократик диктатурасининг ўзига хос қўшиливи юзага келди.

Муваққат ҳукумат 3 мартда эълон қилган Баённомаси ва 6 мартда эълон қилган Россия фуқароларига Мурожаатномасида ўз дастурини баён қилди. Ҳукумат сиёсий эркинликлар – сўз, матбуот, иттифоқлар тузиш, йиғилишлар ва иш ташлашлар эркинлигини жорий этганлигини; барча табақа, диний ва миллий чеклашларнинг бекор қилинганини ва ҳоказоларни эълон қилди.

1917 йилнинг кўклами Туркистон ўлкасининг мусулмон аҳолисини сиёсий жиҳатдан уйғотишда авж олаётган демократик жараёнларга бошчилик қилиш муддаоси билан янги кучларнинг сиёсий майдонга чиқишди бурилиш нуқтаси бўлди. Жадидлар вужудга келаётган миллий-демократик кучларнинг ўзаги бўлишди, улар бу вазифани бажаришга ўзларининг илгариги фаолиятлари давомида тайёргарлик кўрган эдилар. Авж олиб бораётган демократик жараёнларда туб халқлар сиёсий манфаатларининг устиворлигини ҳимоя қилиш феврал ойининг дастлабки кунлариданоқ сиёсий майдонда улар

⁵⁷ ЎЗРМДА, 461-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 1116-ҳужжат, 68-варақ. Миллат учун ким фойдалиқ // Садои Фарғона, 1914 йил 23 апрел. //Қаранг. Раҳмонов К. Туркистонда матбуот тарихининг долзарб муаммолари (1870-1924 йиллар). Ўқув қўлланма. -Бухоро, 2015й.

⁵⁸ История Отечества: люди, идеи, решения. Очерки истории Советского государства. – М., Политическая литература. 1991. с. 8-9//Қаранг. Раҳмонов К. Туркистонда матбуот тарихининг долзарб муаммолари (1870-1924 йиллар). Ўқув қўлланма. -Бухоро, 2015й.

фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Бу ҳол маҳаллий ҳокимият тузилмаларини шакллантириш чоғида анча тўлиқ намоён бўлди.

Тошкентда 3 мартда ишчи депутатларининг Тошкент Совети, 4 мартда (1917) эса солдат депутатлари Совети ташкил қилинди. 1917 йил мартнинг охирига бориб, ўлка ҳудудида ишчи ва солдат депутатларнинг 75 совети бор эди. Советларнинг сайланган депутатлари асосан европалик миллатлар вакилларидан иборат эди. Советларни тузиш билан бир вақтда жамоат ташкилотлари ижроия қўмиталарининг ва жамоат хавфсизлиги қўмиталарининг сайловлари бошланди. Бу қўмиталар жойларда муваққат ҳукумат органлари ролига даъво қилиб, барча демократик ташкилотларни бирлаштирувчилар сифатида иш кўрдилар.

Миллий демократия тузилаётган ижроия қўмиталарда маҳаллий аҳоли вакилларининг бўлишини таъминлаш мақсадида февралдан кейинги ойлардаёқ аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳар хил табақаларни бирлаштириш, уларнинг онгида жипслашиш эҳтиёжини уйғотиш, мусулмон аҳолисининг бирлигини мустаҳкамлаш соҳасида кўп куч-ғайрат сарфлади. 6, 9, 13 март кунлари Тошкентнинг эски шаҳар аҳолиси кўп минг киши иштирокида ўтказган йиғилишларда бу ҳол, айниқса, намоён бўлди. Бу йиғилишлар миллий демократия ташаббуси билан чақирилган эди. Жадидлар йиғилишларда қатнашиб, инқилоб муносабати билан ўлка халқлари тақдирида очилаётган истиқболлар тўғрисида оташин нутқлар сўзлаб, йиғилиш қатнашчиларида ишонч ва бирлик муҳитини вужудга келтирдилар.

1917 йил 14 мартда халқ вакилларининг биринчи мажлиси бўлди. Унда аҳолининг татар ва қозоқ вакиллари билан тўлдирилган 61 кишидан иборат янги ташкилотнинг таркиби тасдиқланди. Бу орган «Шўрои Исломи» деб ном олди. Мажлис қатнашчилари ўз ташкилотларининг номини танлаб «Бутун ҳокимият Советларга» деган «жозибали» шиорга содиқ эканликларини, уни халқ ҳокимияти ва хоҳиш иродасини ифодаловчи орган сифатида тушунаётганликларини ифодаладилар, бироқ шаҳардаги европалик аҳолини

бирлаштирган ишчи ва солдат депутатлари Советларидан фарқли ўлароқ янги тузилган миллий ташкилот ислом динига эътиқод қилувчи туб аҳолидан сайланган депутатлар Совети деб тушунилди. «Шўрои Ислом» номи ҳам шундан келиб чиқди. Жадидлар ҳаракатининг Убайдулла Хўжаев, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний сингари таниқли раҳбарлари бу ташкилотнинг жону дили ва фаол кучи бўлишди.

Бошқарувнинг дастлабки мажлисларидан бирида қабул қилинган муваққат Низомда «Шўрои Ислом»нинг асосий мақсади: Туркистон мусулмонлари орасида замонамизга ҳамоҳанг бўлган сиёсий, ижтимоий, миллий ислоҳот ғояларини тарқатишдан; Туркистон мусулмонларини ғоя ва мақсадлари бирлиги асосида жипслаштиришга оид ишларни кучайтиришдан; янги ҳукуматнинг принциплари ва мақсадларини қўллаб-қувватлаш борасида халққа даъватдан; хорижий мамлакатларда давлат ҳокимиятининг шакллари тўғрисида аҳолини хабардор қилиб туришдан ва Таъсис мажлисига тайёргарлик кўришдан иборат деб кўрсатилган. Низомга мувофиқ Туркистоннинг барча шаҳарлари ва қишлоқларида «Шўрои Ислом» ташкилотини тузиш зарур деб ҳисобланди. Тошкент «Шўрои Ислом» ташкилоти марказ ҳисобланиб, унинг қарори бўлимлар учун мажбурий эди.

Тошкентликларнинг бу ташаббуслари ўлкада кенг қўллаб қувватланади. «Шўрои Ислом»нинг 8 апрелда (1917) бўлиб ўтган VI мажлисида Ўш, Андижон, Скобелев, Туркистон, Мари шаҳарларида кичик бўлимлари тузилган деб эълон қилинди ва бу бўлимларга ташкилотларни юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди⁵⁹.

«Шўрои Ислом» жамияти (мусулмонлар советлари)нинг ташкил қилиниши Туркистоннинг сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Туркистон

⁵⁹ //Қаранг. Раҳмонов К. Туркистонда матбуот тарихининг долзарб муаммолари (1870-1924 йиллар). Ўқув қўлланма. -Бухоро, 2015й.

ўлкасида Марказга ўхшаб қўш ҳокимиятчилик эмас, балки сиёсий майдонда уч ҳокимият юзага келган эди:

- Туркистон Советлари – булар инқилобий демократиянинг хоҳиш-иродасини ифодаловчи европалик ишчи ва солдатларнинг органлари бўлиб, жамиятга таъсир ўтказиш учун реал кучга эга эди. Шу боисдан улар Муваққат ҳукумат давлат муассасалари фаолиятлари устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлишга даъво қилардилар;

- Ижроия қўмиталар – Советларга нисбатан аҳолининг анча кенг ижтимоий миллий гуруҳлари намояндалари бўлиб, булар таркибига турли партиялар – меньшевиклар, эсерлар, советлар, жамоат ташкилотлари, шу жумладан, миллий ташкилотлар ўз вакиллариини делегат қилиб юборган эдилар, улар барча демократик ташкилотларни бирлаштирувчилар сифатида иш кўрдилар ва жойларда муваққат ҳукумат органлари ролини ўйнашга даъво қиладилар;

- «Шўрои Ислом» жамияти – бу ташкилий жиҳатдан таркиб топиш пайтидаёқ мусулмон аҳолининг ваколатли органлари сифатида дарҳол расмийлашиб, шу аҳолининг хоҳиш иродасини ифода этди ва унинг манфаатларини ҳимоя қилди.

Бу масалалар Туркистон ўлкаси ижроия қўмиталари съездининг ҳам диққат марказида (1917 й 9-16 апрель) бўлди. Съездда 171 делегатдан 99 нафари европалик ва 72 нафари маҳаллий аҳолидан сайланган вакиллар қатнашди. Съезда «Россиядаги барча халқларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи»ни берувчи шакл сифатида илгари сурилган федератив республика тузуми ғояси тарафдорлари томонидан ҳам, шунингдек, мухолифлари томонидан ҳам турлича қабул қилинди.

Россия учун марказлашган республиканинг яроқсиз эканлигига қарши фикр билдирилди. Федератив тузум тарафдорларининг бир қисми шу билан мухторият бериш тўғрисидаги масалани халқларнинг маданий ва сиёсий ривожланиш даражасини белгилаш билан боғлади, шу муносабат билан

Туркистон халқларига «Мухториятдан фойдаланиш имконияти кейинчалик берилиши лозимлиги» тан олинди; шу тузум тарафдорларининг иккинчи бир гуруҳи мухторият миллий эмас, ҳудудий мухторият бўлиши лозим, деб ҳисоблади.

Федератив тузум тарафдорлари ҳам яқдил эмас эдилар: баъзилар синфий нуқтаи назардан туриб, қуйидагиларни таъкидладилар: «Бутун дунё ишчиларининг манфаатлари – ягонадир, шу боисдан федератив тузумни жорий қилиб, давлатни айрим қисмларга бўлиш учун ҳеч қандай эҳтиёж йўқ»; бошқа бировлар эса аксинча, гўё мусулмон аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиб, бундай дейишди: «Россияда федератив республика жорий қилинган чоғда мусулмонлар фақат ютқазади, чунки улар мухторият асосида ўзини-ўзи идора қилишга ҳам тайёр эмаслар... эшонлар ва муллалар қўлига тушиб қолишлари мумкин, улар ҳамма вақт тараққиётга қарши бўлиб келганлар».

Умуман бу фикрларнинг қанақа бўлишидан қатъий назар, уларнинг ўзи асл моҳияти билан ўлканинг кўп миллионли аҳолиси манфаатларига менсимай қарашдан, унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига беписандлик билан муносабатда бўлишдан иборат эди.

Съезда сўзга чиққан М.Бехбудий ўз халқи манфаатларини ҳимоя қилиб, энг қадимий тарих ва маданият соҳиби бўлган, дунёга таниқли олимларни, ҳуқуқшуносларни, юксак меъморчилик намуналарини берган ҳунармандчилик маданиятига эга бўлган ана шу халқлар тўғрисида фахр билан гапириб, халқнинг ҳозирги аҳволи учун, унинг жаҳолатпарастлиги ва нодонлиги учун айбни чоризмга юклади.

Ишчи солдат депутатлари Советлари ўлка съезди ва Ижроия қўмиталар съезди шуни кўрсатдики, турли сиёсий кучлар ва оқимларнинг мақсадлари ўлка аҳолисининг манфаатларига мос эмас эди. Муваққат ҳукуматнинг 1917 й 7 апрелдаги қарорига мувофиқ тузилган Туркистон қўмитасининг ҳам вазифаси ўлкада марказ истагандек тартиб ўрнатишдан иборат эди. Туркистон

қўмитасининг аъзолари ўлкамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини билмайдиган кишилар эди.

Аслида Муваққат ҳукумат Туркистон генерал губернаторлигини Туркистон қўмитаси билан алмаштириб, ўлкани мустамлакачилик усулида бошқаришнинг ташқи лавҳасинигина ўзгартирди ҳолос, унинг моҳияти аввалгича қолаверди. Кўп утмай Туркистон қўмитаси билан маҳаллий жамоат ташкилотлари ўртасида қарама-қаршиликни вужудга келтирди.

Кескинлик кучайиб бораётган бир вазиятда Тошкентда 1917 йил 17 апрелдан 21 апрелгача мусулмонларнинг I Бутунтуркистон съезди бўлиб ўтди. «Шўрои Ислом» ташкилотининг ташаббуси билан чақирилган бу съездда ўлкадаги барча туб халқларнинг вакилларида иборат 150 делегат қатнашди. Раёсат таркибига Мунаввар Қори, Убайдулла Хўжаев, Шерали (Серали) Лапин, Мустафо Чўқаев, Тошпулатбек Норбутабеков, Аҳмад Заки Валидий, Содик Сатторов, Ислом Шоахмедов, Абдурахмон Ўразаев, Мулла Абдулмажид Махмудов, Серекбой Акаев, Аҳмадбек Қўйбоқаров, Собиржон Юсупов каби машхур кишилар кирдилар. Кун тартибида: Муваққат ҳукуматга муносабат; Россияни идора қилиш шакли тўғрисида; Туркистондаги маҳаллий фуқаролар муассасалари; Туркистонда диний шариат муассасалари, мактаблар, мадрасалар, вақфлар; молиявий ишлар; аввалги замондан қолган муассасаларни янгилаш; Туркистондаги барча мусулмонларга раҳбарлик қилувчи ислом диний бошқарувини тузиш тўғрисида; озиқ-овқат масаласи; урушга муносабат, фронт ортида хизмат қилувчилар ҳақидаги масала; «Шўрои Ислом»ни ўлка миқёсида бирлаштириш тўғрисида; «Шўрои Ислом»нинг ижроия қўмиталарга муносабати; Россия умуммусулмонлар съездига делегатлар сайлаш ҳақида; ер-сув тўғрисидаги масалалар киритилган эди.

Россияда бошқарувнинг келгуси шакли ва Туркистон мусулмонларининг ташкилий жиҳатдан бирлашуви масаласи съезднинг диққат марказида турди. Съезд Муваққат ҳукуматни ва унинг дастурини эътироф этиб, барча вилоятларга, шу жумладан Туркистонга ҳам кенг мухторият берган ҳолда,

Россияда Федератив демократик республикаси тасдиқлаш ғоясини яқдиллик билан қўллаб-қувватлади.

Съезднинг сўнгги мажлисида марказий раҳбарлик органини – Туркистон ўлка мусулмонлар шўроси (Ўлка мусшўро)ни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу ташкилотнинг 1917 й 12 июнда бўлиб ўтган мажлисида Низом қабул қилинди ва шу Низомга мувофиқ барча шаҳар, уезд, волост мусулмон Советлари ва «Шўрои Ислом», «Равнақ ул-ислом», «Мирваж ул-ислом», «Муаллимлар жамияти», «Талабалар жамияти» сингари жамиятлар ва ташкилотлар Туркистон Марказий Шўросига бўйсунити керак эди.

Маҳмудхўжа Бехбудий 1875 йилнинг 19 январиди Самарқанддан унча узоқ бўлмаган Бахшитепа қишлоғида таваллуд топган. Унинг асли исми Султонхўжа бўлиб, “Бехбудхўжа” унинг лақаби бўлган.

Маҳмудхўжанинг фикрий уйғонишида 1899-1900 йиллари ҳаж амалларини бажариш учун қилган сафари катта аҳамиятга эга бўлди.

Бехбудий 1903 йилдан “Туркистон вилоятининг газети”га ёза бошлади.

У “Шухрат” газетасининг 1908 йил 7 февралдаги 9-сониди эълон қилинган “Таъмини истиқбол” сарлавҳали мақоласиди шундай ёзади: “...ҳозирги мадрасаларди сарфи ва наҳви арабий ўқуғон рушид талабалардан Туркистон ва Бухорони ҳар бир шахридан ақал мартаба 4 нафардан Миср ул-Қоҳира таҳсили илми диний ва фалсафий замоний ва адабиёти арабий учун юбормоқ керак. Ва булар Мисрди уч йил муддат таҳсили илмға машғул бўлуб, сўнгра Ватанимизға келиб илми калом, тафсир, ҳадис, адабиёти замония таълимиға қўшиш қилсинлар”⁶⁰.

М.Бехбудийнинг “Икки эмас, тўрт тил лозим” мақоласиди (“Ойина”, 1913 йил 1-сон) масала маҳаллий аҳолининг турмуш шароитидан келиб чиқилган

⁶⁰ //Қаранг. Раҳмонов К. Туркистонди матбуот тарихининг долзарб муаммолари (1870-1924 йиллар). Ўқув қўлланма. -Бухоро, 2015й.

ҳолда қўйилганди. У мусулмон қавмларининг фарзандлари ҳар жиҳатдан, тилларни билиш нуқтаи назаридан ҳам бекаму кўст бўлишларини истарди.

Мунавварқори 1878 йили Тошкентнинг Дархон маҳалласида дунёга келади. Унинг дастлабки саводи оиласида чиққан. 1898 йили Бухородаги мадрасалардан бирида диний билимларини такомиллаштиради.

1907 йилда “Адиби аввал” дарслигини ёзган.

Мунавварқори 1906 йилга келиб матбуот соҳасига кириб келган. Унинг “Тараққий” газетасининг 1906 йил 14 июл сонидида босилган “Бизни жаҳолат – жаҳли мураккаб” мақоласи унинг энг машҳур, айти пайтда, ўз даврининг мафкуравий “жангларига” сабаб бўлган асаридир. Муаллиф биринчи марта мактаб ва мадрасалардаги камчиликларни тўла ва муфассал баён этди.

Абдулла Авлоний 1878 йилнинг 12 июлида Тошкентнинг Мерганча маҳалласида дунёга келган.

Авлоний сиёсий онгининг ўсишида XX аср бошларидаги йирик ижтимоий воқеалар муҳим омил бўлди. У аввало, моҳир педагог ва янги усул матабларининг ташкилотчиси сифатида танилди.

Авлоний матбуотга ўзига хос тарзда кириб келди. Туркистонда миллий матбуот юзага келгач, ақл-заковати билан мана шу типдаги газета ва журналлар халқимизнинг миллий манфаатларини чинакамига ҳимоя қила олишини тушунди.

Убайдулла Асадуллаҳўжаев 1885 йил Тошкентнинг Мирғани маҳалласида дунёга келган.

Унинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти, асосан, “Садои Туркистон” билан боғлиқ.

У. Хўжаевнинг талайгина мақолалари юртдошларининг жоҳиллиги, замонавий ҳуқуқий тушунчага эга бўлмаганликлари оқибатида моддий ва

маънавий зиён кўришлари, чигал масалаларни ҳал қилиш илинжида судларда беҳуда вақт ўтказишларини тушунтиришга бағишланган.

3.2. Бухорода маҳаллий матбуот ва мустақиллик ғояларининг акс этиши

XX аср бошларида Шарқ мамлакатларидаги миллий уйғониш жараёнлари Бухоро амирлигини ҳам четлаб ўтмади. Амирликни қолоқликдан ва Россия империясига қарамлигидан қутқариш учун жаид маърифатпарварлари маҳаллий матбуот нашрини йўлга қўйиш мақсадидан ҳам фойдаландилар. Маърифатпарвар жаид вакилларида савдогар, бой, сармоядор Муҳиддин Мансуров, Афғонистон, Эрон, Туркия, Россия, Англия, Германия, Франция, Венгрия ва Швеция каби давлатлар бўйлаб саёхат қилган, Европа (Швейцария)да олий медицина таълимини олган Мирзо Сирож Ҳакимларнинг саъй ҳаракатлари туфайли 1912 йил 11 мартдан бошлаб, форс-тожик тилида “Бухоройи шариф” ва кейинроқ, ўша йилнинг 11 июндан, ўзбек тилида “Турон” газеталари чоп этила бошланди.

Бухоро амирлигидаги мутаассиб руҳонийлар ва эскилик тарафдорлари тазйиқи сабабли газетага ёзилувчилар сони кам бўлишини англаган матбуот таъсисчилари Насрулло қушбегидан: “газетага ҳар ким муштарий бўлса, бизнинг томондан мамонат (эътироз, тўсқинлик – А.Р.) йўқ” - мазмундаги очиқ хат олиб, ишончли шахслар орқали атроф вилоятларга тарқатилади ва дастлабки муштарий вакиллар тўпланади. Қушбеги хитобномаси “Бухоройи шариф” газетасининг 12- сониди “Ички хабарлар” рукнида чоп этилган бўлиб, унда: “Ҳазрат олийнинг яқин кишиси (унинг иқболи ва молиясини ва туғросини

худо узоқ қилсин) қушбеги Бухоройи шариф аҳлига хитоб қилдиларки, “Бухоройи шариф” газетасига обуна бўлиш масаласида марҳамат қилдилар. Ҳақиқатдан ҳам жаноби олий амир сояларида ва у кишининг шавкатларида Бухоройи шариф аҳли бахтли ва хушбахтдирлар. Ва уларнинг илми ирфони шу киши билан очикдур. Ҳар кимки бу нарсани (газетани- А.Р.) қабул қилмаса у жаҳолат, таназзул ва танбаллик ва ўзича юрибдур” – деб ёзилади. Натижада газета ўқувчилари ва унда ўз фикрларини баён этувчиларнинг сони кўпайиб, матбуотнинг халққа таъсири ошиб борди⁶¹.

Матбуот таъсисчилари газета ва уни тарғиб қилишда ўз фикрларини энг аввало матбуот орқали тарқатишга ҳаракат қилганлар. “Бухоройи шариф”нинг биринчи сониданоқ бу масалага катта эътибор қаратилган. Шу сондаги “Рўзноманинг айрим фойдалари” номли мақолада: “... Ҳозирга асрда дунёнинг бирор мамлакати йўқки газета ўқимаса, Фарангистон, Русия ва Усманийларда ҳатто ҳаммол ҳам кунлик газетани сотиб олиб ўқийди. Уларнинг ақллилари айтадиларки: “ҳар бир мамлакатнинг газетаси ўша миллатнинг забонгўёси, қайсики миллатнинг газетаси бўлмаса у миллатнинг тили йўқдир” - тарзидаги талқинни учратиш мумкин.

Матбуот нашридан миннатдор Бухоро аҳолиси ўзининг дил изхорини йўллаган айрим мактублар ҳам газета саҳифаларидан ўрин олганлигини кузатиш мумкин. Жумладан “Бухоройи шариф” газетасининг 27- сониди “Мактуб” рукнида бир гуруҳ муштарийлар Абу Насров(?), Юсуфбоев (?), Сочоқбой (?), Асатҳожа (?) Ҳалимбой (?) лар имзоси билан миннатдорликларини, “...Ё раб бу маърифат гулшани баҳорини муҳолифат

⁶¹ //Қаранг. Раҳмонов К. Туркистонда матбуот тарихининг долзарб муаммолари (1870-1924 йиллар). Ўқув қўлланма. -Бухоро, 2015й.

шамолидан ўзинг асра, газета идорасининг мухтарам хайъатига ҳурмат кўрсатамиз ва ташаккур билдирамыз...” - тарзида чоп эттирадилар⁶².

Газета чоп этила бошланиши билан унинг тартиби, номланиши билан боғлиқ фикрлар хилма хиллиги учраб туради. Матбуот ва унинг тузилишидан хабардор кишилар Бухоройи шариф газетасининг номи билан боғлиқ масала хусусида ҳам тўхталиб ўз фикр-мулохазаларини бериб борганликларини кўришимиз мумкин. “Бухоройи шариф” газетасининг 12- сон 25- март якшанба кунда “Бухородан мактуб ” рукнида “Мудирий” имзоси билан чоп этилган мақолада бу хусусда фикр юритилиб, рўзнома ва унинг идораси номи бир хил бўлганлигини танқид қилади: “... газета ўз мазмунини номида бериши керак. Чунончи шундай рўзномалар борки, бирининг номи “Хуршид” (Қуёш), бошқаси “Париваш” ном берган бўлсалар, яна бошқасини “Ҳаблулматин” (Мустаҳкам ип - А.Р.) дейдилар. Бунга мисоллар кўп...” - дея ўз фикрини дадил билдиради.

“Турон” газетаси чоп этила бошлангач, у нафақат Бухоро амирлиги ҳудудида, балки бутун Туркистон минтақасиди катта шуҳрат қозонди. Ҳар иккала газетага талабнинг ортиб боришини ҳисобга олиб, улар сотиладиган дўконлар матбуот саҳифаларида эълон қилинади. Жумладан, “Турон” газетасининг 38-сонидан бошлаб, “Бухородан” рукни остида: “Бухоройи шариф” ва “Турон” газеталарининг сотилатурғон маҳали.

- 1) Лаби ҳовуз Девонбекда, Лазиз дўконида
- 2) Китоб бозорида, Ҳамид хўжа дўконида
- 3) Китоб бозорида, Назрулло хўжа дўконида
- 4) Регистонда, Мирзо Нарзулло дўконида
- 5) Бозори алафда қўзи бачча” - тарзида берилганини кўриш мумкин.

Ўз муштарийларини кўпайтириш ва мактуб, мақолаларни газетага етказиб туришда Янги Бухоро (Коган)дан ташқари, Эски Бухорода ҳам манзил

⁶² Араб имлосида форс-тожик тилидаги мазкур манбаларни ўзбек тилига ўгириб илмий муомалага киритган ва менга мавзу доирасида айрим манбаларни тақдим этгани учун М.З.Орзиевга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

кўрсатилиб: “Кўрпа бозори, эски пўстиндўзлик қаршисинда мулла Ражаббой Абдулрахмон дўконига мурожаат қилсун” - деб маълумот берса, Туркистон ўлкаси аҳолиси ҳаёти, турмушини ёритиш учун “Ахтор” (Хабар) рукнида: “Туркистон баланд маъруфасиндаги ахбор ва болхоса мусулмон маишатлариндан ёзиб турадиган мухбирларга эҳтиёжимиз бордур” деб хабар беради. Ушбу хабардан кўриниб турибдики, Бухоро матбуоти, хусусан “Турон” газетаси умумтуркистон мусулмонлари матбуот органи даражасига ўсиб чиқа бошлаган ва бу вазифани бир қадар уддалаган десак хато бўлмайди. Бундай хулосага келишимизга “Турон”нинг 39-сонидagi “Ташаккур этамиз” номли мақолада “Турон” газетасини Россия ва Туркия матбуотлари мадҳ этгани хабари берилган. Унда: ”Россия, Туркия ғазталари тарафиндан ҳасин тужҳолар (олқиш, мақтов - А.Р.) кўрдик. Биз ғазтамиз ҳақиндаки мадҳ ва ҳасин тужҳолларни ғазтамиз саҳифаларинда ёзмадиқ. Чунки, ўз ғазтамизда ўзимизни ва ғазтамизни мадҳ-сано қилуб ёзмок мувофиқ ақл эмасдир. Шул сабабдан ҳақимизда ҳасин тужо кўрсатган матбуот исломияга ва суръат хусусинда илтифот кўрсатган “Таржимон”, “Юлдуз” ва “Нур” рафиқ маҳрамимизга ташаккур этамиз, таъзим қиламиз” - мазмунидаги сўзларни ўқиш мумкин. Демак “Турон” газетаси туркий тилли ҳудудларда кенг тарқалиб, бир қадар кексароқ матбуот органларининг ҳам эътирофига сазовор бўлган деб хулоса қилиш мумкин.

Газеталарга 1913 йил учун обуна бўлиш эълони берилгач, аҳоли орасидаги матбуотга бўлган қизиқиш уни чоп этувчиларни бир қадар эсанкиратиб қўйган бўлса керак. Чунки, “Турон” газетасининг 46-сонида “Ахтор” рукнида: “Турон” ғазтаси учун ҳар тарафдан, ҳар кун фавқулодда кўп келмокда бўлган обуналарга одрис ва оқчани пучтадан олув илан ғазта юбормок мушкул бўлмокдадир..... ғазтамизнинг идораси танзим қилинди. Ғазта етурштмаганлар 3 тийинлик очик хат илан маълум қилсунлар. Мухтарам муштарийларимиздан туқа (илтимос- А.Р.) қиламизки одрисларини ғоят ва изох ва тавсил қилуб юборсунлар” - деган маълумот келтирилади.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, газетага обуна бўлиш, уни ўқишга истак ва интилиш фавқулудда кучли бўлиб, обуначиларга матбуот намуналарини етказиб бериш катта қийинчиликлар билан кечган. Шу сабабли “Турон”нинг 49-сонида “Идорадан” рукнида: “Бухорои шариф аҳолиси мухтарамасига, ғазтамизни кечаси бермоқ маъмури махсусимиз учун мушкул бўлмоқдадир. Шул жиҳатдан ғазиталарни мухтарам муштарийларимиз кундуз олурлар” - деб хабар беради.

Бухорои шарифда вужудга келган матбуот органлари ўз хато ва камчиликларини тузатиб бориб, ўз ўқувчиларини доимий равишда газета камчиликлари ва хатоларидан огоҳлантириб узр сўраб борган. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, “Бухоройи шариф” газетасининг 1912 йил 19 март душанба кунги 7- сонида йўл қўйилган хатолар 8-сонида, қуйидагича: “нақз-нафз, висот-вазият” - тузатилиб, муштарийлардан узр сўралади. Бундан ташқари 17- сон 30-март куни “Эҳсон” рукнида берилган хабарнинг хато кетганлигини, 19- сон 2 апрель душанба кунги сонда “Тасҳех” (Тузатиш- А.Р.) рукнида(ҳар икки мақоланинг муаллифи М.Д.(?) номи билан имзо чеккан) тузатилиб: “...Мирзо Иброҳимхўжа тўқсабони Калиф вилоятига Абдусамadbек тўқсабо ўрнига тайинланганлигини маълум қилган эдик. (Филвоқе) Аслида бундай бўлмасдан мазкур вилоят ҳокими Фатхуллабек тўқсабо этиб тайинланган. Абдусамadbек хато кетибди. Бу нуқсон учун биродарлардан узр сўраймиз” – деган маълумотни учратиш мумкин.

Газеталар дунё тиллари ва маданиятлари ҳақида ҳам Бухоро аҳолисини таништириб боришга ҳаракат қилиб борганлигини қатор мисоллар билан исботлаш мумкин. Айтиш мумкинки бу борадаги маълумотларни ёритишда ҳам айрим хатоликлар газетанинг 26-сон 10 апрель 1912 йил сонидagi “Маҳаллий хабарлар” рукни остида “Эроний ёки эрон тили” мавзуидаги мақолада йўл қўйилган хатоликлар учун газета ўқувчиларидан узр сўралган ҳолда: “ўтган кунги сонда “Эрон тиллари” ҳақида берилган мақолада “Санкрит” сўзи “санскрит”, “мушаххор” сўзи “мушожжор”, “мушфашрик” сўзи “мусташрик”,

“гунжонниш” сўзи “гунжойиш” деб ўқилсин” – тарзидаги маълумотларни учратиш мумкин.

Газеталар нафақат Бухорода балки қўшни ўлка ва давлатлардаги матбуот ҳақида маълумотларни мунтазам бериб борган. Агар “Турон” газетасининг 44-сонидида “Туркистон хабарлари” рукнида “Янги ғазта” сарловҳаси остида: “Тошканд мусулмонлариндан бир фирқа давладманд зиёлийлар Туркистонда мунтазам бир ғазта исломия чиқармоқчи экан” [21, 44-сон, 39-сон] - дея маълумот берса, “Турон”нинг 38-сонидида “Матбаа” рукнида: “Афғонистонда ҳозирга қадар матбаалари бор бўлсада ҳарофот матбаалари йўқ хикманда эди. Ҳозир бир неча дона ҳарофот матбааси очилубдир ҳарфлари шакллари Истамбул ҳарофатиндан очикдур” - тарзидаги маълумотлар келтирилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Бухородан бир мунча аввалроқ ўз матбуотига эга бўлган Афғонистон (Сирож ал ахбор) газетасини бир қатор (Ҳиндистон, Эрон, Туркия) мамлакатлар, Рус Туркистони ва Бухоро амирлигидаги аҳоли севиб ўқир эди.

Маҳалий матбуот хориж матбуотини кузатиб борар экан бу борада унинг нигоҳидан энг аввало мусулмон мамлакатларининг матбуоти доимий диққат марказда бўлган десак хато қилмаймиз. Туркистон, Афғонистон, Туркия мамлакатларидан ташқари Эрон матбуоти ҳам назардан четда қолмаган. Бу ҳақида “Бухоройи шариф”нинг 15-март кунги сонидида “Телеграф хабарлари” рукнидаги маълумотлар диққатга сазовордир. Жумладан бу хабарда: “Хабарларга кўра Эронда бирорта ҳам рўзнома нашр этилмайди. Ҳатто давлат рўзномалари ҳам ўз фаолиятини тўхтатди. Чунки ҳеч ким хохламайди” - деган маълумот учрайди.

Бухоро матбуоти ҳатто хориж матбуотларининг ёпилишини чуқур афсус билан ёритиб борганлигини кўриш мумкин. Чунки Эрон (Табриз)да 1904- 1905 йилардаёқ чоп этилган “Ал-Ҳадид”, “Адолат” газеталари Бухорода кенг тарқалган эди. Жумладан “Ал-Ҳадид” (Темир) газетаси 2-сонидида унинг ўқувчилари Русиянинг икки вилояти(Кавказ ва Ўрта Осиё - А.Р.)га ҳам

тарқатилишини таъкидлайди [25, 1]. Хатто олис Шарқ мамлакти бўлган Хитой давлати ва у ердаги матбуот ҳақида маълумотлар келтирилиб, 911 йилда чоп этила бошланган ва 1361 йилдан ҳафтада бир марта, 1800-йилдан кундалик газетага айланган “Кинг пао” (“Марказий шаҳар билдириши”) газетасининг ёпилиши ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовордир. “Турон”нинг 9-сонида “1500 саналиқ ғазта” сарловҳали мақолада: “Қитойнинг раиси жумжурий “Юан Ши Қай”нинг амри илан мамлакатда 1500 санадан берли нашр қилиниб келатурғон қин ға нув деган машҳур ғазта ёпилубдир” – дея келтирилган маълумотлар Бухоро матбуотчилигини жаҳон матбуоти ва унинг тақдири бефарқ қолдирмаганлигидан далолатдир.

Газеталар таъсирининг халқ орасида ошиб бориши, улардаги долзарб муаммолар ва ечимлари ҳақидаги фикр мулоҳазалар Россия империясининг сиёсий агантлиги назаридан четда қолмади. Натижада 1913 йил 2 январида Бухоро амирлигида чоп этилаётган “Бухоройи шариф” ва “Турон” газеталари ёпилиб, матбуотчилик фаолияти анча муддат тўхтаб қолди.

XX аср бошларида Бухоро амирлигида кечган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар маҳаллий, даврий матбуотда ҳам ўз талқинини топган. Бу борада 1912 йил 11 мартдан чоп этилган “Бухоройи шариф” газетаси муҳим манба бўла олади. Газетанинг биринчи сониданоқ унинг мақсади ҳақида фикр билдирилиб: “сиёсатга аралашмаган ҳолда ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларга оид материалларни бериб бориш”⁶³ деб ёзилган эди.

Газетанинг биринчи сонидан мамлакат савдоси ҳақида: “бизнинг рўзномамиз Новгород ярмаркаларидан, ички ва ташқи тижоратдан, Бухоройи шариф маҳсулотларидан ва унинг атрофида бўлаётган воқеалардан, шунингдек

⁶³ “Ғояи амал”// “Бухоройи шариф” 1912 йил; 11 март, № 1. –Б. 1. (Араб имлосида форс-тожик тилида. Мазкур манбаларни ўзбек тилига ўгириб илмий муомалага киритган ва менга мавзу доирасида айрим манбаларни тақдим этгани учун М.З.Орзиевга ўз миннатдорчилигимни билдираман).

пахта, қоракўл тери, нон нархи ёки нон, гўшт, газламалар, чой ва бошқа нарсалар ҳақида чиқишлар қилади”⁶⁴ – деб ёзилган.

Ҳақиқатда ҳам “Бухорои шариф” газетасида Бухоро амирлигидаги иқтисодий ўзгаришларга эътибор қаратилиб, бу борадаги хабарларга алоҳида ўрин ажратлиган. Газетада иқтисодиётга оид махсус “тижорат ва саноат хабарлари” рукни фаолият юритган. Шунингдек, бир қатор рукнлар масалан: “мактуб”, “Чет эл хабарлари” каби рукнларда ҳам турли мамлакатлардаги иқтисодий аҳвол, маҳаллий аҳоли ўртасида тadbиркорлик ва ишбилармонликни тарғиб қилишга қаратилган мақолалар мунтазам бериб борилган.

Жумладан, “Бухорои шариф” газетасининг 6-сониди (1912 йил 18 март, якшанба) “Тижорат ва саноат хабарлари”да Петербургда (Россия) тижорат намояндаларининг махсус мажлиси бўлиб, унда рус тижоратининг Бухоро ва Афғонистонда ривожланиши масаласи муҳокама қилинганлиги ва бу борада қуйидаги қарорлар қабул қилинганлиги келтирилади:

1. Бухоро мамлакати марказидан (Эски Бухоро – А.Р.) Афғонистон сарҳадларигача темир йўл тортиш ва бу йўл орқали тижорат молларини ташиш;

2. Бухорода рус тижорат агентлигини ташкил этиш, Афғонистондаги рус тижорати аҳамиятини назарда тутиб қарор қилинсинки, барча тижорат ва саноат идоралари Бухоро ва Афғонистондаги савдо билан боғлиқ деб топилсин”⁶⁵ – каби маълумотларни келтириб, маҳаллий тижоратчи ва ишбилармонларни ҳам ушбу лойиҳада ўз маблағлари билан иштирок этиш учун даъват этилган.

Газетада кичик тadbиркорларни қўллаб-қувватловчи қатор мақолалар бериб борилган, айниқса, ислом динида ҳаром деб топилган судхўрлик қораланган ва бир қатор мақолаларда миллий ширкат (банк) ташкил қилиб,

⁶⁴ Ўша жойда.

⁶⁵ “Тижорат ва саноат хабарлари” // “Бухорои шариф” 1912 йил 18-март якшанба № 6

эндигина фаолиятини бошламоқчи бўлган тижоратчи ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилинганлиги англашилади.

Газетанинг 7-сонида келтирилишича Бухорода авваллари давлат ва Хитой банки бўлган бўлса, эндиликда Ўрта Осиё банки ва бошқа банкларга ҳам ўз шўъбаларини очишга рухсат берилгани таъкидланади.⁶⁶

Банкдан фоиз ҳисобига пул олиш гарчи исломда ман қилинсада, газетанинг 10-11-сонларида чоп этилган “мулоҳаза” номли мақолада ишбилармонликни ривожлантириш хусусида қуйидагича фикрлар келтирилади: “Агар дурустроқ бирор бир миллий ширкатимиз (банкимиз) бўлса, бойларнинг судхўрлиги камайиб тижоратимиз равнақ топиб ажнабийларга муҳтож бўлмасдик..... Агар донишманд уламолар бу тижоратнинг шаърий эканлигига бирор важ топиб қатъий рухсат берсалар бизнинг мақсадимиз шуки, бизнинг миллатимиз фарзандларини ғайрат ва ҳиммат эгалари оғир ҳаётдан қутқарган бўлур эдилар”⁶⁷

Газетада Бухорода энг кўп етиштириладиган қишлоқ хўжалик хом ашёси пахта маҳсулоти ва пахтачилик ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар учрайди. Айниқса, пахтанинг таннархи ҳақида тез-тез маълумотлар берилиб пахтачилик билан шуғулланувчи тадбиркорлар қўллаб-қувватлаб турилганлиги ёзилган.

“Бухорои шариф”нинг 19-сонида Нью Йорк биржасида пахта нархининг кўтарилиб бораётганлиги, бунинг сабаби Мисисипи дарёсининг тошиши ва пахта майдонларининг пайҳон бўлиши, Америка пахтаси қанча кам бўлса, Бухоро пахтасининг таннархи шунча ошиши, Русия портларида пахтага бўлган талабнинг ошиб бориши, Бухорода эса бу йил пахта экмаганларнинг пушаймон бўлиши ҳақида маълумотлар келтирилади.⁶⁸

⁶⁶ “Бухоро тижоратида бир неча сўз” // “Бухорои шариф” 1912 йил 19-март душанба № 7 .

⁶⁷ Жалол “Мулоҳаза” // “Бухорои шариф” 1912 йил 22-март № 10. Жалол “Мулоҳаза” “Бухорои шариф” 1912 йил 23-март № 11

⁶⁸ “Пахта нархи” // “Бухорои шариф” 1912 йил 2-апрел душанба, № 19

Бундан ташқари газета катта фойда берувчи ва аҳоли ўртасида озчилик шуғулланувчи хўжалик соҳалари ҳақида ҳам кенг тушунтириш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширган, айниқса пиллачилик билан шуғулланиш, ипак қуртини парваришlash, унинг фойдаси ҳақида, жумладан Италияда ипакчиликка эътибор хусусида батафсил тўхталиб “Агар биродарлар бу нарса (пиллачилик)дан фойдаланса қўллари анча пул кўриб зарурий эҳтиёжлари қопланган бўлур эди”⁶⁹ деб ёзади.

Хуллас, “Бухорои шариф” газетаси XX аср бошларида Бухоро амирлигида яшовчи аҳолининг моддий шарт-шароитларини яхшилашга, халқ орасида тижорат, ишбилармонлик, тадбиркорликни ривожлантиришга, судхўрлик ўрнига банклардан пул олиб ишлатиб, товар, пул ва молия ишларини жонлантиришга даъват этувчи илғор фикрлар билан чиққан эди

Россияда 1917 йилдаги феврал инқилоби ва Октябр тўнтаришидан сўнг гарчанд Бухоро амирлигининг мустақиллиги Муваққат ҳукумат ва совет ҳокимияти томонидан тан олинган бўлса-да, лекин унинг худуди, чегаралари совет Россияси ихтиёрида бўлиб, Бухоро ташқи дунёдан ажралиб қолган эди. Амирликдаги 26 та пахта тозалаш, 4 та ёғ, 10 та совун заводлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар, қорақўл тери ва бошқа маҳаллий аҳамиятга эга бўлган товарлар четга чиқарилмай омборларда тўпланиб қолаверди. Оқибатда 1919 йилга келиб четга пахта чиқариш 20 марта, қорақўл тери сотиш 10 марта қисқарди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи пасайиб кетди. 1917 йил 1 пуд пахта 11 сўм баҳоланган бўлса, 1919 йилга келиб 2 сўму 80 тийинга тушди. 1 пуд жун 6 сўмдан 2 сўмга, 1 дона қорақўл тери 7 сўмдан 1 сўм 20 тийинга тушиб кетди⁷⁰.

Мамлакатдаги иқтисодий танглик сиёсий инқирозни ҳам чуқурлаштирди. Россиянинг марказий районларида рўй берган кескин сиёсий ўзгаришлар, демократия ва эркинлик учун кураш ўрта аср анъаналари асосидаги

⁶⁹ “Мактуб” “Бухорои шариф” // 1912 йил 1- апрель якшанба № 18.

⁷⁰ Қосимов Ф., Рашидов У. Бухоро амирлигининг тугатилиши /Бухоро тарихи масалалари. -Бухоро. 1996. -Б. 69-70.

бошқарувни сақлаб келаётган Бухоро амирлигига ўз таъсирини ўтказди. Амирликдаги тараққийпарвар кучлар мавжуд тартибларни ислоҳ қилиш, мамлакатда конституцион монархия тузумини жорий қилиш талаби билан чиқа бошладилар. Бухородаги жадинчилик ҳаракати етакчи вакиллари Амир Саййид Олимхондан ислоҳот ўтказишни қатъий талаб қилишди. 1917 йил 7 апрелда Бухоро амирининг ислоҳотлар жорий этиш бўйича манифести (фармони) эълон қилинди⁷¹. Манифестда пойтахт Бухорода обрўли арбоблардан иборат маҳкамани тузиш, амалдорлар, уларнинг даромадлари устидан назорат ўрнатиш, солиқ тизимини тартибга солиш, давлат бюджетини жорий қилиш, саноат, тижорат, маърифатни ривожлантириш учун чора-тадбирлар кўрилиши ваъда қилинди⁷². Бухоро жадинларининг сўл қаноти аъзолари амир манифестини қўллаб-қувватлашга қаратилган намоёиш ташкил қилдилар. 1917 йил 8 апрелда жадинларнинг “Яшасин ислоҳот!”, “Яшасин амир!” шиорлари остида Бухоро ва Каркида ўтказган намоёишлари ўққа тутилди. Бухородаги намоёишда қонли тўқнашувлар туфайли 30 нафар Ёш бухороликлар ташкилоти аъзолари қамоққа олиниб, кўпларнинг ҳаёти ҳавф остида қолди⁷³. Амирликда мутаассиблик авжига чиқди, жазоланишдан сақланиш учун омон қолган Ёш бухороликлар Тошкент, Самарқанд ва Янги Бухоро (Когон)га оммавий равишда муҳожир бўлиб кета бошладилар.

Бухоро амирлигидаги сиёсий жараёнларнинг кескинлашуви 1918 йилнинг март ойида “Колесов воқеаси” номи билан тарихга кирган воқеаларда яққол кўзга ташланади. Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилишдан 3-4 ой ўтмасданок Туркистон ХКС раиси Ф.Колесов (1891-1940) 1918 йил март ойида Янги Бухоро (Когон)га келиб, Эски Бухоро (ҳозирги Бухоро шаҳри)га ҳужумга ўтди. Бироқ унинг амирлик тартибларини ағдариш билан боғлиқ мақсади ва ҳарбий ҳаракати муваффақиятсизлик билан якунланди. Ф.Колесовнинг

⁷¹ Ўзбекистон тарихи солномаси /Тузувчи муаллифлар: Ражабов Қ, Ҳасанов Ф. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. -Б. 91.

⁷²Алимова Д. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Т.: Шарқ, 2000. -Б. 44-45; Нуруллин Р. Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг қизил армия томонидан тугатилиши. ХХСР ва БХСРнинг ташкил топиши //Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамакатачилиги даврида. -Т.: Шарқ, 2000. -Б. 114.

⁷³ Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев - миллий истиқлол курашчиси. -Бухоро, 2007. -Б. 22.

амирликка қарши ҳарбий юришида 10 000 киши ҳалок бўлди.⁷⁴ Когонни Термиз, Китоб билан боғлаб турувчи темир йўллар бузиб ташланди. 1918 йил 25 мартда имзоланган Қизилтепа битимига кўра, Ф.Колесовнинг тажовузкорлиги шармандаларча барбод бўлди.

“Колесов воқеаси”дан сўнг Бухоро амирлигида тараққийпарвар кучларга нисбатан сиёсий реакция янгидан авж олдирилди. Муҳожирликда яшашга мажбур бўлган жадидлар Самарқанд, Тошкент, Москва ва бошқа шаҳарларда туриб ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб боришга мажбур бўлдилар. Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев ва бошқалар бу ҳаракатда фаол қатнашдилар. “Колесов воқеаси”дан кейин Тошкентда яшаган Фитрат “Чигатой гурунги” адабий-маърифий ташкилотига асос солди. Ф.Хўжаев эса Ёш бухороликлар ғоялари руҳидаги дастурий ҳужжат-маромномани тузди ва нашр этди, “Учқун” газетасининг чиқишини ташкил қилди.

1918-1920 йиллардаги Бухоро амирлигида ва унинг атрофида кескин кечган сиёсий воқеалар ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг мўътадил тизимини ўзгартириб юборди. Бухоро амирлиги билан Туркистон АССР ўртасидаги савдо алоқалари деярли тўхтаб қолди. Россия ярмаркаларида Бухоро моллари сотилмай қолиб кетди. Таъкидланган даврда Бухоро амирлиги билан Англия ўртасидаги ўзаро савдо-сотик алоқалари бир қадар жонланганлигини ҳисобга олмаса, амирликнинг ташқи савдоси тўхтаб қолган эди. Бухоро амирининг совет Россияси билан музокаралари боши берк кўчага кириб қолди. Амир ва совет ҳукумати ўртасидаги ўзаро элчилик алмашувлари, совет ҳокимиятининг амирликка ҳарбий ёрдам бериш билан боғлиқ иккиёқлама музокаралари амалий натижа бермади. Совет ҳокимияти томонидан Бухоро амирлигига қарши сиёсий тазйиқ ва ҳарбий ҳавф кучайиб борди. Бу ҳақда Амир Саййид Олимхон ўз эсдаликларида ёзган эди: “Улар (большевиклар) Бухоро давлатига ғайриқонуний талаблар қўйиб, уларнинг ижро этилишини талаб

⁷⁴ Генис И. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году //Вопросы истории. 1993. № 7.- С. 41; Ражабов Қ. Колесовнинг Бухорога босқини ва Қизилтепа битими //Қизилтепа тонги, № 47-53. 2004 йил 12 ноябр-24 декабр.

қиладиган бўлишди, улар қандай бўлмасин, бир амаллаб уруш бошлашни ўзларига ҳунар қилиб олишди... Ислом давлатининг бу душманлари анчагина аскар ва қурол-яроғлар тўплаб, Бухоройи шарифга ҳужум қилишни истайдилар”⁷⁵.

Бухоро амирлигини тугатиш масаласида совет ҳукумати раҳбари Ленин томонидан Туркистон минтақасига юборилган Туркбюро вакиллари ҳамда большевик раҳбарлар “Марказ” билан ягона фикрга келдилар. Амирликка қарши ҳарбий ҳаракатларни бошқариш вазифаси Туркистон фронти қўмондони Михаил Васильевич Фрунзенинг шахсан зиммасига юклатилди. Фрунзе 1920 йил 12 августда амирликни тугатиш мақсадида Чоржўй, Когон, Каттакўрғон ва Самарқанд гуруҳларидан иборат 4 гуруҳли ҳарбий қисмларни тузди. Қизил қўшин ягона Самарқанд-Бухоро группасига бўйсиндирилиб, улар таркиби 7000 пиёда, 2,5 минг отлик, 5та оғир артиллерия, 25 та енгил тўп, 5 та броневеомобил, 220 та замбарак, 5 та бронепоезд ва 11 та аэропландан иборат эди. Бу даврда амир армиясида 16 000 сарбоз, 55 та эскирган тўп ва 12 та пулемёт бўлган, холос. Бухоро сарбозлари сони кўпчилиқни ташкил этса-да, лекин замонавий қуролланиш жиҳатидан большевиклар устунлик қиларди⁷⁶.

Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатлар 1920 йил 23 августда Чоржўйда Бешим Сардор бошчилигидаги туркман ёлланган отлиқларининг “янги кўзғолон”идан бошланди. Ўша куни Чоржўй ревкоми тузилиб, беклик хазинаси қўлга киритилди, бек ва унинг амалдорлари асир олинди. Ҳокимият инқилобий қўмита (ревком) қўлига ўтди⁷⁷. 1920 йил 25 августда Чоржўй ревкомининг мурожаатини олган қўмондон Фрунзе ўзининг 36-67 рақамли махфий буйруғини эълон қилди. Унда Самарқанд - Бухоро гуруҳи 1920 йил 28 августда ҳарбий тайёргарликни тугатиши, Эски Бухорони эгаллаши қайд қилинган эди⁷⁸. 1920 йил 29 август Самарқанд гуруҳи 3-Туркистон ўқчи полки,

⁷⁵ Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. -Т.: Фан, 1991. -Б. 13-14.

⁷⁶ Қосимов Ф., Рашидов У. Бухоро амирлигининг тугатилиши /Бухоро тарихи масалалари. -Бухоро, 1996. -Б.77.

⁷⁷ Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика. -Т., 1969. -С. 187.

⁷⁸ Генис В. “С Бухарой надо кончать...” К истории бугафорских революций /Документальная хроника. -М., 2001. -С. 35-36.

1-Туркистон отлик дивизия, алоҳида Туркистон отлик бригадаси, инженерлар ротаси ёрдамида Бухоро шахрига ҳужум қилди. 1920 йилнинг 29 августидан 2 сентябрга қадар ҳаводан ва пиёда қўшинларининг ҳужумлари оқибатида Бухорода монархияга қарши “халқ инқилоби” амалга оширилади. Шаҳарни 3 кун давомида 11 та аэроплан бомбардимон қилди. Бухоро шахри катта моддий зарар кўрди, бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилди. Амир қароргоҳи-Арк, Бухоро атрофидаги қишлоқлар, амирнинг ёзги саройи - Ситораи Моҳи Хоса ҳам ярим вайрона ҳолатига келтирилди.⁷⁹

Бухоро амирлиги хазинаси, кўпгина хонадонларнинг буюм ва маблағлари, озиқ-овқат заҳиралари аёвсиз таланди ва Туркистон fronti қўмондонлиги ҳисобига ўтказилди. Булардан ташқари пахта заҳиралари, жун, ипак, қорақўл тери, қурилган мевалар ҳам мусодара қилинди⁸⁰. 1920 йил сентябрда амир Бухоро шахрини тарк этаётганда пойтахтда ўз ҳарамини қолдириб кетишга мажбур бўлган эди. Унинг бутун оила аъзолари ва қариндош-уруғларидан иборат ҳарам (архив ҳужжатларида уларнинг умумий миқдори 118 киши деб номма-ном кўрсатилган) қўлга олиниб, Бухорода уй қамоғида сақланади⁸¹.

Бухоро амири Саййид Олимхон кучлар тенг бўлмаган жанглarda енгилиб, шаҳарни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Ўз жонини зўрға сақлаб қолган амир оз сонли амалдор ва аъёнлари билан Шарқий Бухорога (ҳозирги Тожикистон ва Жанубий Ўзбекистон) чекинди. Унинг Шарқий Бухоро ҳудудида большевикларга қаршилик кўрсатиш ҳаракати 1921 йилнинг баҳорига қадар давом этиб, шу йилнинг март ойида Афғонистонга ўтиб кетди.

1920 йил 14 сентябрда бўлган Халқ Нозирлар Шўроси, ревком ва БКП МКнинг умумий йиғилишида 9 кишидан иборат Бутун Бухоро инқилобий

⁷⁹ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. -Т.: Маънавият, 2002. -Б. 12; Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси. -Бухоро: Бухоро, 2003. -Б. 33.

⁸⁰ Ҳолбоев С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси. -Т.: Фан, 2008. - Б. 31.

⁸¹ Ўзбекистон МДА, 47-фонд, 1-руйхат, 425-иш, 278-варак.

қўмитаси (раиси Абдулқодир Муҳиддинов) ва республика ҳукумати - 11 кишидан иборат Халқ Нозирлар Шўроси (раиси Файзулла Хўжаев) тузилди. Бухоро инқилобий қўмитасининг аъзолари қилиб Муинжон Аминов, Олимжон Акчурин, Абдулҳамид Орипов, Собир Юсупов, Ҳожи Ҳасан Иброҳимов, Файзулла Хўжаев, Қулмуҳамедов тайинланди. Мамлакатни бошқариш мақсадида тузилган Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси таркиби қуйидагича эди: раис ва хорижий-ташқи ишлар (нозир-Ф.Хўжаев), маориф (Қори Йўлдош Пўлатов), ички (доҳилия) ишлар (М.Саиджонов), молия (У.Пўлатхўжаев), давлат назорати (Н.Ҳусайнов), фавқулодда комиссия (раиси-Иброҳимов), адлия (М.Бурҳонов), ҳарбий (Шихобуддинов), савдо-саноат (М.Мансуров) нозирликлари⁸².

1920 йил 6-8 октябрда чақирилган Бутун Бухоро халқ вакилларининг 1-қурултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси - БХСР тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Мазкур тадбир амирнинг ёзғи саройи - Ситораи Моҳи Хосада бўлиб ўтди. БХСР ҳукумати зиммасига қисқа муддат ичида ўрта асрчилик анъаналари мерос қолган амир Бухоросини демократик давлатга айлантиришдек тарихий вазифани бажариш тушди. Қурултой қонун чиқарувчи олий орган - Бухоро инқилобий қўмитаси (марказий ревком) ва Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси (ХНШ) - дастлабки ҳукумат таркибини узил-кесил тасдиқлади. Уларнинг ваколат муддати 2-қурултойгача узайтирилди. Ёш ҳукумат етакчиси Ф.Хўжаев мураккаб ва оғир шароитда ишлашга мажбур бўлди. Бухоро ҳукумати ичида сиёсий бўлиниш кучайди. Бир тарафдан Бухоро Коммунистик партияси ичидаги “сўл” ва “ўнг” коммунистларга қарши ғоявий жихатдан кураш олиб боришга тўғри келса, иккинчи тарафдан, РСФСР ва унинг фавқулодда органлари бўлган Турккомиссия, Туркбюро ёш “мустақил давлат”нинг босган ҳар бир қадамини сергаклик билан назорат қилиб турар эди. Шундай бўлишига қарамасдан Ф.Хўжаев, У.Пўлатхўжаев, О.Хўжаев, А.Фитрат,

⁸² Ражабов Қ. Бухоро Халқ Республикаси: монархиядан демократия сари дастлабки қадамлар (1920-1924 йиллар) /Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. № 2. -Т.: Шарқ, 1999. - Б. 151; Шу муаллиф. Бухоро Халқ Совет Республикаси /ЎЗМЭ. Ж.2. -Т., 2001. -Б. 300.

М.Аминов, М.Саиджонов, С.Хўжаев, М.Мансуров, А.Муҳиддинов ва бошқалар ҳукуматда демократик йўл тутиб, мўътадил мавқеда турдилар. Улар БХСРнинг амалда мустақил бўлиши, эътиқод эркинлиги, ислохотлар ўтказиш зарурлигини ёқлаб чиқдилар.

1921 йил 18-23 сентябрда бўлган Бутун Бухоро халқ вакилларининг 2-қурултойида демократик руҳдаги БХСР Конституцияси қабул қилинди. Бухоро тарихидаги дастлабки Конституция фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Конституцияда давлатни идора этиш учун халқнинг барча табақа вакилларининг иштироки таъминланди. Хусусий мулк ва савдо-сотик эркинликлари Конституцияда ўз ифодасини топди. Бухорода ўрнатилган тузум халқ демократик республикаси эди. БХСРнинг Конституцияси барча фуқароларга тенг сиёсий ҳуқуқ берди, миллий тенгсизликни йўқотди. Халқ вакилларининг 2-қурултойида ҳокимиятнинг олий органи – Бухоро Марказий Ижроия комитети (МИК) тузилди. Унинг биринчи раиси қилиб Усмонхўжа Пўлатхўжаев (Усмон Хўжа, 1878-1968) сайланди. Кейинчалик Муинжон Аминов, Порсо Хўжаев МИК раиси бўлдилар⁸³.

БХСР йилларида амирлик даврида мавжуд бўлган мамлакат маъмурий бўлинишидаги 27 та бекликлар тартиби ўрнига вилоятлар, туманлар, кентлар, қишлоқлар сингари маъмурий бошқарув тартиби жорий қилинди. “Озод Бухоро” газетасининг 1923 йил ноябр ойида нашр этилган сонларидан бирида қайд этилишича, БХСР 10 та вилоят, 41 туман, 132 кентга бўлиниб, вилоятлардаги аҳоли сони қуйидагича эди:

Бухоро вилояти - 420 000 киши;

Кармана вилояти - 180 000 киши;

Бехбудий (аввалги Қарши) вилояти - 220 000 киши;

Карки вилояти - 160 000 киши;

⁸³ Alimova D. va boshq. Ozbekiston tarixi (1917-1991 yillar): 10-sinf oquvchilari uchun darslik. –T.: Sharq, 2004. -B. 97.

Чоржўй вилояти - 250 000 киши;

Шахрисабз вилояти - 250 000 киши;

Шеробод вилояти - 220 000 киши;

Ҳисор вилояти - 140 000 киши;

Кўлоб вилояти - 140 000 киши;

Ғарм вилояти - 80 000 киши⁸⁴.

Бухоро ҳудудидаги қизил армия ҳарбий қисмлари ва совет тартибларига нисбатан 1920 йил кузидан бошлаб БХСРда қуроли қаршилик кўрсатиш ҳаракати бошланиб кетди. Бу ҳаракат ҳукумат мавжуд бўлган 4 йилдан ортиқ даврда гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб давом этиб турди. Совет режимига қарши қуроли курашларда Иброҳимбек Лақай (1889-1932), Давлатмандбек, Фузайл Маҳдум, Мулла Абдулқаҳҳор(1884-1924) каби йирик кўрбошилар ва туркиялик ҳарбий саркарда Анвар пошшо (1881-1922) муҳим рол ўйнайдилар⁸⁵.

Бухоро амирлиги тузумини ағдариш вазифасини асосан қизил аскарлар ёрдамида бажарилганлигига алоҳида урғу берилиб, бундан кейин миллий-демократик мустақил давлатни барпо қилиш тамал тошларидан бири-маҳаллий халқ вакилларида иборат кўшин тузиш зарурлиги қайд қилинади. Давлат ва сиёсий арбоблардан Файзулла Хўжаев, Абдулқодир Муҳиддинов, Қори Йўлдош Пўлатов, Маҳмуд Саид Аҳрорий, Абдулҳамид Орипов, Аббос Алиев кабиларнинг матбуотда айнан шу муаммога бағишланган салмоқли мақолалари чоп этилган. Жумладан, А.Муҳиддиновнинг “Эл аскари қизил аскар”, А.Алиевнинг “5 феврал- армияга сафарбарлик куни”, С.Аҳрорийнинг “Ҳарбий ишларимиз ҳам алмашсун”, Ф.Хўжаевнинг “Душманларимиз билсунлар”, Қ.Й.Пўлатовнинг “Мустақил бир мамлакат қандай бўлур?” каби мақолалари

⁸⁴ Бухоро Жумҳуриятида қанча халқ бор? //Озод Бухоро. 14-сон. 1923 йил 21 ноябр; Қаранг. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920-1924 йиллар). - Т.: Фан, 2004. -Б. 7.

⁸⁵ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т.: Маънавият, 2002. -Б. 35-37.

миллий ҳукуматнинг бўлажак армияси қандай бўлиши кераклиги, уни яратиш асослари, муаммолари билан боғлиқ кенг қамровли масалаларни ўз ичига олади. Қ.Й.Пўлатов: “Мамлакат мудофаси учун оқча, озуқа ва молни аямаслик керак”⁸⁶, - деб ёзса, С. Аҳрорий: “Эндиги вазифа расмий ҳужжатлар юритишдаги, команда беришдаги русча муомала ўрнига ўзбекча мулоқотни жорий қилишдур”⁸⁷, - деб ёзганди. А. Муҳиддинов ўз мақоласи мазмунига қизил армия қисмлари Бухоро ҳудудида турар экан, республика мустақиллиги фақат сўздан иборат бўлиб қолади каби фикрларни сингдирган.

БХСР ҳарбий ишлар халқ нозирлиги (нозир – Файзулла Хўжаев) 1921 йил 1 февралда қуйидаги ҳарбий қисмлар ва бошқармаларни ташкил қилиш тўғрисида қарор чиқарди: нозирлик шўъбаси; комендант, мусиқа, хўжалик ва ишчи роталари; Бухоро, Чоржўй, Кармана, Қарши, Шаҳрисабз, Ҳисор, Шеробод вилоятлари ҳарбий нозирликлари; командирлар тайёрлайдиган 1-Бухоро ҳарбий мактаби каби маълумотлар келтирилади архив ҳужжатларининг бирида⁸⁸. “Бухоро ахбори” газетасида ёзилишича эса, 1921 йилдан бошлаб, 5 феврал санаси БХСР армиясига умумий сафарбарлик куни сифатида нишонланган⁸⁹. Армиянинг миллий рамзларини яратиш, мардлик ва жасорат кўрсатган аскарларни тақдирлаш учун нишон жорий қилиш, миллий армияни мустаҳкамлаш оyi тадбирларини ўтказиш кабилар газеталарда кенг тарғиб қилинди ва ёритилди. “Бухоро ахбори”да: “Бухоро инқилобий қўмитаси икки турда нишон таъсис этди. Биринчи нишон тиллодан бўлиб, 8 қиррали юлдуз, унинг ичида ҳукуматнинг байроғи. Иккинчи нишон ҳам худди шу тартибда ясалиб, фақат нукрадан қилинғон”, - деб ёзилади. Тарихчи Қ.Ражабовнинг маълумотларига қараганда, ушбу нишонларнинг расми бугунги кунда

⁸⁶ Қори Ёўлдош. Мустақил бир мамлакат қандай бўлур?//Бухоро ахбори. 107-сон. 1922 йил 2 ноябр. Қаранг. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920-1924 йиллар). -Т.: Фан, 2004.

⁸⁷ Саид Аҳрорий. Ҳарбий ишларимиз ҳам алмашсун //Бухоро ахбори. 34-сон. 1921 йил 1 май. Қаранг. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920-1924 йиллар). -Т.: Фан, 2004.

⁸⁸ Ўзбекистон МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 42-иш, 86-89-варақлар. Қаранг. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920-1924 йиллар). -Т.: Фан, 2004.

⁸⁹ Бу ўринда 5 феврал - БХСРда миллий армия кунини байрам қилиш анъанасини ташкил қилиш ҳаракати бўлганлиги назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ҳузуридаги архивда сақланмоқда. Ҳукумат ҳарбийлар моддий аҳволини яхшилаш чораларини ҳам кўрган. Бу ҳақда газеталарда: “Нозирлар Шўроси ҳарбий ва доҳилия ишлари назорати ихтиёрига 7 пуд (4000 сўм) олтин берди, бу олтин аскарлар ва милицияга керагича сарф этилғусидур”⁹⁰. “Аскарлар жойлашгон казармаларни таъмирлаш учун иқтисод шўроси тарафидан 183 минг танга ажратилди”⁹¹, - каби кўплаб маълумотлар келтирилади.

Аскарларни моддий шарт-шароитларини яхшилаш билан бирга улар маънавиятини кўтариш, маърифатли қилиш масаласи ҳам газеталарда чоп этилган бир қатор мақолаларда қайд қилинади⁹². Жумладан, газета мухбирларидан бири Бекбой армия ва милициядаги маънавий-ахлоқий тарбия тўғрисида фикр юритар экан, аскарларнинг паст даражадаги саводхонлигининг (айниқса, маҳаллий халқ вакиллари орасида) сабаби - “бу бутун илм Бухоро шаҳридаги мадрасаларга берилуб, халқдаги маорифга эҳтиёж аҳамиятсиз қолдирилғонлиги асоратидур”⁹³, - деб ёзади ўзининг мақолаларидан бирида.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари материаллари маълумотича, миллий армияни истиқболда республика ҳудудида ишлаб чиқариладиган қуруллар билан таъминлаш ҳам режалаштирилган эди. 1922 йилда ҳарбий нозирлик томонидан амир замонидан қолган милтиқ ва тўпларни таъмирлашга буйруқ берилган⁹⁴.

Матбуот нашрлари республиканинг охириги йилларида (1923-1924 йиллар) аскарлар таъминоти бироз ўсганлиги, улар саводхонлиги ва ҳарбий тажрибаси

⁹⁰ Ҳукумат аскар ва милицияни унутмайдир //Бухоро ахбори. 181-сон. 1923 йил 12 июн.

⁹¹Казармаларни тузатиш //Бухоро ахбори. 205-сон. 1923 йил 23 сентябр.

⁹²Дастуриламал //Бухоро ахбори. 24-сон. 1921 йил 17 феврал; Саид Ахрорий. Ҳарбий ишларимиз ҳам алмашсун! //Бухоро ахбори. 34-сон. 1921 йил 1 май. Интизомли аскар ташкил қилмак керак (?) //Бухоро ахбори. 78-сон. 1922 йил 11 апрел; “Мухбир”. Чоржўйда кўнгилли курсантлар курси //Бухоро ахбори. 130-сон. 1923 йил 1 январ; Бекбой. Милицияни ўқитмак керак //Бухоро ахбори. 134-сон. 1923 йил 15 феврал; Аҳмад Аҳмадов. Бухорода қизил милициялар курси //Бухоро ахбори. 155-сон. 1923 йил 12 апрел.

⁹³ Бекбой. Милицияни ўқитмак керак //Бухоро ахбори. 134-сон. 1923 йил 15 феврал.

⁹⁴ Ушбу буйруқ БХСР ҳарбий ишлар нозири Абдулҳамид Орипов томонидан имзоланган.

ортганлиги, ҳарбийлар учун қурилган яшаш бинолари бунёд этилганлиги тўғрисида бир қадар ижобий маълумотларни келтиради⁹⁵.

Бироқ миллий ҳукумат режалаштирганидек, маҳаллий халқлар вакилларида мунтазам армия тузиш, уни замонавий ҳарбий аслаҳалар билан қуроллантириш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, маҳаллий ҳарбий трибунал⁹⁶ни шакллантириш вазифалари бажарилмаган. Жумладан, ҳарбийлар соғлиғини назорат қилиш ҳам етарли йўлга қўйилмаган, ҳарбий шифокор мутахассислар етишмаган.

БХСР ҳукуматида муҳолифатда бўлган, қизил аскарларга қарши курашаётган озодлик ҳаракатининг иштирокчилари, уларнинг ҳарбий ҳаракатлари, фаолияти, шахсияти, кураш жараёнидаги психологик ҳолатлари, тақдирлари шўро мафкураси талабларидан ва мезонларидан келиб чиқиб, “босмачилик” сифатида “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида талқин қилинган. Шунинг учун БХСР Халқ Нозирлар Шўроси раиси ва айрим ҳукумат аъзолари ҳамда газета мухбирларининг бу масалага таалуқли бўлган барча мақолалари ҳам мафкуравий андозада ёзилган⁹⁷. Ушбу мақолалар таҳлили шуни кўрсатадики, БХСР жуғрофий ҳудудида олиб борилаётган “босмачилар” ҳаракати нуқул салбий баҳоланди. “Босмачилар”-“халқ душманлари”, “хоин”, “сотқин”, “эскилик сарқити тарафдорлари”, “амир малайлари”, “янгилик душманлари” каби атамалар билан қораланади.

⁹⁵ Аскарлар турмушидан лавҳа //Бухоро ахбори. 169-сон. 1923 йил 12 май; Казармаларни тузатиш //Бухоро ахбори. 205-сон. 1923 йил 23 сентябр. Отлик полкда ҳавзалсиҳат ишлари // Озод Бухоро. 144-сон. 1924 йил 24 сентябр. Аскарний ўқувчилар мажлиси //Озод Бухоро. 144-сон. 1924 йил 24 сентябр; Бухоро отлик полкида театр-томоша //Озод Бухоро. 118-сон. 1924 йил 26 июл.

⁹⁶ Ҳарбий трибунал - бу ҳарбий жиноятларни суд қилиш ҳайъати бўлиб, БХСР йилларида бу атама ҳарбий идорага нисбатан ишлатилиб, у Марказдан юборилган коммунистлар қўлида бўлган.

⁹⁷ Файзулла Хўжа. Шарқий Бухоро босмачиликдан олғон яралариндин қутилишга тегиш //Бухоро ахбори. 182-сон. 1923 йил 14 июл; Ўша муаллиф. Шарқий Бухоро босмачиликдан кейин //Бухоро ахбори. 207-сон. 1923 йил 28 сентябр; 208-сон. 30 сентябр; Ўша муаллиф. Халқ душманлариға омонлиғ йўқ //Озод Бухоро. 5-сон. 1923 йил 28 октябр; 8-сон. 6 ноябр; Абдулқодир Муҳиддинов. Шарқда озодлик ҳаракати //Бухоро ахбори. 65-сон. 1922 йил 15 январ; Азиззода Лазиз. Кучимиз ортмоқда //Бухоро ахбори. 27-сон. 1921 йил 13 март; Абдулҳамид Орипов. Тўсиқлар //Бухоро ахбори. 54-сон. 1921 йил 3 ноябр; Олимжон Окчурин. Шарқий Бухоро мактублари //Бухоро ахбори. 27-сон. 1921 йил 13 март; Зиё Усманий. Босмачилар ким? //Бухоро ахбори. 79-сон. 1922 йил 23 апрел; Босмачилик ҳаракатига қатъий зарба //Бухоро ахбори. 88-сон. 1922 йил 29 июн; Фотиҳ Сулаймонов. Босмачиларға ўлум зарбаси берилди //Бухоро ахбори. 195-сон. 1923 йил 29 август //Қаранг. Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида. Монография. -Тошкент, “ABU MATBUOT - KONSALT”, 2012 й.

1920-1921 йиллар, яъни янги тузумнинг дастлабки 1,5-2 йили давомида “босмачилик” мавзуси⁹⁸ газеталар саҳифаларида деярли баён қилинмайди. Республика ҳудудида кечаётган ҳарбий ҳаракатлар кучайган ва БХСР ҳукуматининг муҳолифатга муносабати тўла равишда қарор топмаган бир вазиятда матбуот саҳифаларидаги кескин материаллар халқни таҳликага солиши, тартибсизликларни кучайтириши ва зиддиятли ҳолатларни вужудга келтириши мумкин эди. Шунинг учун бу йилларда мазкур ҳаракат тўғрисида газетада маълумот берилмайди. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, Бухородаги қуролли муҳолифатнинг ўзи ҳам ғоявий жиҳатдан турли гуруҳларга бўлинган эди⁹⁹.

1922-1924 йиллардаги газета сонларида “босмачилик” ҳаракати билан боғлиқ юзлаб мақола ва хабарлар берилади. Уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. “Босмачилар” ва уларнинг ҳарбий ҳаракатлари ҳудуди, мақсад ва вазифалари, таркиби, ташкилотлари, улар ўртасидаги ихтилофларни ёритувчи мақола ва хабарлар¹⁰⁰.

2. “Босмачилар” ва қизил аскарларнинг ҳарбий тўқнашувлари: кураш жараёни, оқибатлари, айрим кўрбошилар ва улар гуруҳларининг тарихий тақдири, БХСР ҳукуматига таслим бўлган кўрбоши ва “босмачилар” гуруҳлари

⁹⁸ “Босмачилик” ҳаракати тарихи тўғрисида сўнгги йилларида Ўзбекистон тарихи фанида Қ.Ражабов, Р.Ражапова, Н.Норжигитова, У.Рашидов, Д.Зияева, Д.Мўминов каби тарихчилар бир қатор тадқиқотлари яратишиб, уларда бу ҳаракат Туркистон халқларининг совет тузumi ва қизил армияга қарши миллий-озодлик кураши эканлиги кўрсатилди. Биз мазкур тадқиқотда бу ҳаракатнинг моҳияти ва БХСРдаги қуролли кураш ҳақида тўхталиб ўтирмасдан, фақат ўша давр Бухоро матбуотида “босмачилик” ҳаракати мавзусида ёритилган мақолаларни айтиб ўтиш билан чекланамиз.

⁹⁹ БХСРда юзага келган қуролли муҳолифат бир йўла икки кучга қарши: биринчиси, бу ҳудудда жойлашиб олган қизил армия қисмларига қарши мустақиллик учун курашни, иккинчиси эса, большевиклар ёрдамида ҳокимиятни эгаллаб олган демократик кучларга қарши муҳолифлик урушини олиб бордилар. Бу урушнинг Туркистондаги, хусусан, Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатидан ҳам фарқи ана шунда. Бу ҳақда тарихчи олим Қахрамон Ражабовнинг докторлик диссертацияси ва турли тадқиқотларида сўз боради.

¹⁰⁰ Босмачиларнинг махфий ташкилоти ҳақида //Бухоро ахбори. 95-сон. 1922 йил 12 август. Карки босмачилари //Озод Бухоро. 40-сон. 1924 йил 16 январ. Баҳоргача босмачиларнинг қанотини қуйдириш керак //Озод Бухоро. 46-сон. 1924 йил 9 январ. Шаҳрисабз босмачилари //Озод Бухоро. 60-сон. 1924 йил 3 март. Беҳбудийда босмачилик //Озод Бухоро. 64-сон. 1924 йил 21 март. Ҳозирда босмачилик ҳаракати ва унинг тарихи (Ф.Хўжаевнинг 10 апрел(1924 йил)да Бухоро фирқа аъзоларининг умумий мажмуасида қилган маърузасидан) //Бухоро ахбори. 77-сон 1924 йил 16 апрел; Итлар ўзаро урушдилар //Озод Бухоро. 133-сон. 1924 йил 27 август//Қаранг. Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида. Монография. - Тошкент, “ABU MATBUOT - KONSALT”, 2012 й..

вакилларининг ҳарбий трибунал томонидан ҳукм қилиниши ҳамда жазога тортилиши билан боғлиқ хабарлар ва билдиришлар¹⁰¹.

Газета матнларидаги бу мавзуларга тегишли маълумотларни Бухоро вилояти давлат архиви ҳужжатлари ҳам тўлдиради. Шундай ҳужжатлардан бирида келтирилишича, 1923 йил ноябр ойида қўрбошилардан Жўра Амин, Аъзам Хўжа, Тош Мурдашўй, Бозорбек, Равшан Давлат кабиларнинг ҳаракати фаоллашган. Уларнинг ҳар бири 500-600 кишилик суворийлари билан Бухоро шаҳри атрофида ҳамда Кумушкент, Харгўш ва Хайробод кентларида қизил аскарлар билан жанг қилганлар¹⁰².

Газеталар эса совет мафкуриси асосида бу масалага муносабат билдирган бўлсада, ундаги манбавий маълумотлар 1920-1924 йиллар БХСРдаги курулти курашлар тарихини янада мукаммал ўрганишни илмий-назарий жиҳатдан бойитади.

ХУЛОСА

Тадқиқотнинг хулосасида қуйидаги ҳолатларни таъкидлаб ўтишни лозим топдик:

Биринчидан, Афғонистондаги миллий матбуот ва мустақиллик учун кураш тарғиботи масалаларини ўрганилди. Шарқ ва Ғарб дунёсини бир – бири билан боғловчи, қуруқлик йўллари туташган нуқтада жойлашган, геостратегик ва геополитик аҳамиятга эга бўлган, тарихда мустамлакачи мамлакатлар

¹⁰¹Ҳарбий ҳукм маҳкамасида //Бухоро ахбори. 123-сон. 1923 йил 11 феврал; Ҳукуматга таслим бўлдилар //Озод Бухоро. 32-сон. 1923 йил 29 декабр; Вилоятларга комиссиялар юборилди. Таслим бўлгон камбағал босмачиларга ёрдам //Озод Бухоро. 118-сон. 1924 йи 26 июл; Байрам муносабати билан босмачиларга авф умумий //Озод Бухоро. 135-сон. 1924 йил 2 сентябр ва бошқалар. //Қаранг. Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида. Монография. -Тошкент, “ABU MATBUOT - KONSALT”, 2012 й.

¹⁰² Бухоро вилояти давлат архиви (Бухоро ВДА), 777-фонд, 2-рўйхат, 34-иш, 1-2-варақлар//Қаранг. Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида. Монография. -Тошкент, “ABU MATBUOT - KONSALT”, 2012 й..

манфаати тўқнашувларига сабаб бўлган, бугунги кунда ҳам “сирли соҳил”, “хира туман пардаси билан қопланган”, мамлакат сифатида этносоциал можаролар кучли ҳисобланган Афғонистон ва унинг тарихи кўплаб тадқиқотчилар диққат марказида бўлиб келган экан.

XIX асрнинг охириги чораги – XX аср бошларида Афғонистонда кечган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жараёнлар, мустақиллик учун кураш, ислохотчилик ва тарққийпарварлик ҳаракати ҳақида совет даври тарихчилари юзлаб мақола ва асарлар яратган эканлар.

Манбашунослик, тарихшунослик, тилшунослик ва тарихчилик жиҳатларини ўзида бирдек мужассамлаштирган мақола ҳамда тадқиқотлар XIX аср охири – XX аср дастлабки ўн йилликларида Афғонистондаги ижтимоий – сиёсий фикр ривожини, миллий мустақиллик учун курашлар тарихи масалаларига қаратган эканлар.

Иккинчидан, Туркияда ижтимоий-сиёсий ҳаракат масалаларини ёритиб берилди. Туркияда “Ёш Турклар” ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг (1908 й) мусулмон дунёсида Истамбул (Константинопол) прогрессив ғояларни тарғибот қилиш марказига айланган эди. конституцион монархия тартибини ўрнатилганлиги “Ёш Турклар” нинг маориф ва матбаачилик ишларига шўнғиб кетганлиги, Европа тилларидан қомусий китоблар ва асарларнинг Турк тилига таржима қилинганлиги каби кўпгина омиллар туфайли Туркистон минтақасидаги давлатларда истиқомат қилувчи тараққийпарварлар илм ва маърифат олишга истаган ёшлар Туркия шаҳарларига ўқиш учун борардилар.

Учинчидан, Ҳиндистондаги миллий ҳаракатларнинг сабаблари, омиллари, характери ва муҳим воқеаларини баён этилди. Бунда XX аср бошларида тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган бир қатор озодлик ҳаракатлари, Британия мустамлакачилигига қарши курашнинг ўзига томонлари тўғрисида тегишли хулосаларга келинди.

Тўртинчидан, Эрон миллий озодлик ҳаракатлари тарихшунослигини изоҳланди. Мазкур масалада Эрон инқилобий ҳаракатларининг ўзига хос томонлари ҳақида тегишли хулосаларга келинди.

Бешинчидан, Туркистон минтақасидаги миллий матбуотнинг озодлик ва маданий ривожланиш масалаларини ўрганилди, айниқса, 1917-1918 йилларда минтақада содир бўлган миллий уйғониш ҳаракатларининг матбуотдаги талқини борасида яхлит хулосаларга келинди.

Олтинчидан, Бухорода маҳаллий матбуот ва мустақиллик ғояларининг акс этишини очиб бериш орқали Бухоро амирлигида содир бўлган 1917 йил апрел, 1918 йил март, 1920 йил сентябр векеаларини матбуот орқали ўрганишнинг илмий-амалий аҳамияти жуда муҳимлиги эътиборга лойиқдир.

Шу ўринда истиқболда айрим муаммоларни кенгроқ ўрганишга қаратилган бир қатор таклифлар ва тавсиялар туғилди. Улар қўйидагилардир:

1. Бухоро амирлиги ва Афғонистондаги тараққийпарварлик ҳаракати масалаларини қиёсий таҳлил ҳамда ўзаро таъсир доирасини ўрганиш керак. Маҳмудбек Тарзининг “Сирож – ул - ахбор” газетасининг амирликда 120 та обуначиси бўлганлигининг ўзиёқ фикримизни исботлайди.

2. БХСР ва “ёш афғонийлар” ҳукумати (“ёш афғонийлар ”ҳукумати бошлиғи ташқи ишлар нозири Маҳмудбек Тарзи ва БХСР да шу мансабда турган Ф.Хўжаевнинг ҳукуматлараро расмий алоқалари назарда тутиляпти) ўртасидаги сиёсий, дипломатик савдо – сотиқ алоқалари ҳақида ҳам манбаларга таянилган илмий ишларга эҳтиёж бор.

3. Бухоро амири Саййид Олимхон ва афғон амирлар, Афғонистонда 1920-1930 йиллардаги ўзбек сиёсий муҳожирлари уларга совет ва БХСР ҳукуматларининг муносабати масалаларига оид тадқиқотлар эълон қилинса, аҳамиятли бўларди.

4. “Аҳмад Дониш ва Маҳмудбек Тарзи” “Файзулла Хўжаев ва Маҳмудбек Тарзи”, Маҳмудбек Тарзи ва Туркистон АССР ҳамда БХСРнинг Афғонистондаги элчилари” каби мавзуларда илмий изланишлар олиб бориш ҳам келажак зиммасидадир.

5. Туркияда чоп этилган матбуот органлари: журнал ва газеталар амирлик ҳудудида бошқа шарқ мамлакатларидан кириб келган матбуот органларига қараганда анча салмоқли бўлган ва уларда Бухоро амирлигидаги тарихий воқеъликларга тегишли бўлган хабар ва мақолалар нисбатан кўпроқ босилган.

6. Бухоро амирлигида Турк матбуоти тарқалиши ва уларнинг тарғиботида Туркияда таҳсил олаётган ўқувчи ва талабалар Туркия ва Бухоро амирлиги ўртасида қатнаб тургансавдогар вакиллар ҳам иштирок этганлигини архив ҳужжатлари тасдиқлайди.

7. Туркияда чоп этиладиган матбуот органларини моддий жиҳатдан таъминлашда уларни чоп этиш ва таҳририят ишларида бевосита Бухоро амирлиги фуқаролари, ёхуд аجدодлари бухоролик бўлган Туркияда муҳожирликда истиқомат қилаётган мавқели ва обрў эътиборли шахсларнинг ҳам ҳиссаси мавжуд.

8. Туркия матбуоти Бухоро амирлиги, шунингдек, бутун Туркистон минтақасида 1910 йилларда кечган воқеъеликларни синчковлик билан кузатиб борган ва уларга муносабат билдирувчи мақолаларни эълон қилган деб ҳисоблашга тарихий далиллар етарли.

МУНДАРИЖА:

Кириш.....

1-боб. XX аср 1-чорагида Осиё мамлакатларидаги миллий матбуот ва озодлик учун кураш масалалари

1.1. Афғонистондаги миллий матбуот ва мустақиллик учун кураш ғоялари тарғиботи.....

1.2. Туркияда ижтимоий-сиёсий ҳаракат масалалари ва матбуотчилик.....

2-боб. Шарқ мамлакатларидаги миллий озодлик ҳаракатлари тарихшунослиги

2.1. Ҳиндистондаги миллий ҳаракатларнинг сабаблари, омиллари, характери ва муҳим воқеалари.....

2.2. Эрон миллий озодлик ҳаракатлари тарихшунослиги.....

III боб. Туркистон минтақасидаги миллий матбуот истиқлол учун кураш йўлида

3.1. Туркистон минтақасидаги миллий матбуотнинг озодлик ва маданий ривожланиш масалаларининг талқини.....

3.2. Бухорода маҳаллий матбуот ва мустақиллик ғояларининг акс этиши..

Хулоса ва тавсиялар.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

